

674
O'ZBEKISTON


TARIXI

2/2014

HISTORY OF UZBEKISTAN



R-617



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI



2

2014

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta
chiqadi.

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Ю. Скайлер. Бозорлар ва савдо (<i>давоми</i>).....	3
М. Хатамова. Илк ўрта асрларда Чоч ҳукмдорлигининг тарихий-географик тавсифи (Сайёҳ ва элчиларнинг хотиралари асосида).....	16
Н. Аллаева. XIX аср Хива хонлигида элчилик хизмати: Эрон элчисининг сафар тафсилотлари	31
А. Базарбаев. XIX аср охири — XX аср бошларида Жиззахдаги ер нархлари тўғрисида айрим мулоҳазалар	44
Х. Бабаджанов. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда нон тақсимоти муаммолари	55



Тарихшунослик ва манбашунослик

Н. Мирзаев. XIX аср охири — XX аср бошлари Тошкент шаҳар қозилари архив фондларидаги айрим ҳужжатлар тавсифи хусусида	66
В. Хан. Корейс ярим легал қишлоқ хўжалиги ижараси тарихининг бадийий ва публицистик адабиётда ёритилиши	77

Этнология масалалари

Б. Халмуратов. Фарғона водийси аҳолисининг қадимий диний эътиқодларида аёл талқини	88
---	----

Тарих ва тарихчилар

Д. Нормуродов, Р. Ибрагимов. Академик Ю.Ф. Буряковнинг Тошкент воҳаси археологиясини ўрганишдаги ўрни	98
--	----

СОДЕРЖАНИЕ

- Ю. Скайлер.** Базары и торговля
(продолжение) 3
- М. Хатамова.** Историко-географическая
характеристика Чачского владения
в раннем средневековье
(По воспоминаниям путешественников
и послов) 16
- Н. Аллаева.** Посольская служба
в Хивинском царстве в XIX веке:
путевые заметки иранских послов 31
- А. Базарбаев.** Некоторые рассуждения
о ценах на землю в Джизаке в конце
XIX — начале XX века 44
- Х. Бабаджанов.** Проблемы распределения
хлебной продукции в Узбекистане в годы
Второй Мировой войны 55

Историография и источниковедение

- Н. Мирзаев.** К характеристике некоторых
документов из фонда казийских архивов
г. Ташкента конца XIX — начала XX века 66
- В. Хан.** Освещение истории корейской
полулегальной сельскохозяйственной
аренды (кобонди) в художественной
и публицистической литературе 77

Вопросы этнологии

- Б. Халмуратов.** Образ женщины в древних
религиозных обрядах населения
Ферганской долины 88

История и историки

- Д. Нормуродов, Р. Ибрагимов.** Роль академика
Ю.Ф. Буякова в изучении археологии
Ташкентского оазиса 98

Тахрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош муҳаррир)
Равшан Абдуллаев
Баҳром Абдуҳалимов
Мируэрт Абусейтова
(Қозоғистон)
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсодиқ Исоқов
Сурайё Каримова
(бош муҳаррир ўринбосари)
Нодира Мустафаева
Зоя Орифхонова
Мирзоҳид Раҳимов
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Темур Ширинов
Нозим Ҳабибуллаев
Назокат Қосимова
Шоира Асадова
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100170, Тошкент ш. Шахрисабз
кўчаси, 5-уй.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 01.07.2014 й.
Босишга руҳсат этилди 18.07.2014 й.
Қозғоз бичими 70×100¹/₁₆.
Таймс гарнитурга. Офсет босма.
Офсет қоғози. Ҳисоб-нашриёт т. 6,8.
Шартли босма т. 8,8. 270 нуска.
Буюртма № 21.
Келишилган нарҳда.

Оригинал-макет «ILM ZIYO» МЧЖ
нашриёт уйида тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.
«PAPER MAX» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

Ю. СКАЙЛЕР*

БОЗОРЛАР ВА САВДО

Тошкент бозори — Якшанба бозори — Кумушгарлар — Мисгарлар — Ошхона анжомлари ва қуроолар — Темир қуювчилар — Чойхоналар — Сартарошлар — Аптекачилар — Пардоз-андоз моллари — Уна-эликлар — Мойлар — Бўёқлар — Оёқ кийимлари ва чарм буюмлар — Қозоқ бозори — Карвонсаройлар — Ҳиндлар — Қарз беришдаги ҳийла-найранглар — Кулолчилик — Тикилган маҳсулотлар — Ип-газлама маҳсулотлари — Ипак ва ипакчилик — Ипакнинг афсонавий тарихи — Ўлчов ва оғирликлар — Пул — Бож ва солиқлар — Ярмарка ва унинг натижалари — Ўрта Осиёнинг савдо-сотиқ статистикаси — Юкларни ташиниш — Савдо йўллари — Темир йўл қуриш таклифи

Тошкентда бозор-ўчар учун асосий кун — чоршанба; ҳар куни харидорлар бўлиб, дўконлар бирдек очилмаса-да, аммо чоршанбада савдо гавжум бўлар, мамлакатнинг ҳар еридан келган кишилар олиб келган майда нарсаларигача сотишга мажбурлар. Шунда оломон кўплигидан қулай ҳаракат қилиш анча мушкуллашади. Ҳолбуки, мен сўз юритаётганим фақатгина катта бозор ҳақида, бундан ташқари шаҳар дарвозалари ёнида кичик бозорлар бўлиб, улардан энг аҳамиятлиси — Ўрда бозори шаҳарнинг рус қисми чеккаси, собиқ арк (ўрда) яқинида эди.

Янги бозор шаҳарнинг рус қисмида кечроқ шаклланган, асосан, нон мева, гўшт, сабзавотлар ва кичик буюмлар сотилар, пировардида у руслар учун мўлжалланган эди. Одатда якшанба кунлари бўлгани боис, «Якшанба бозори» деган ном ҳам шундан келиб чиққан. Унга руслар «Маст бозор» деб ҳам ном беришган бўлиб, маст аскарларнинг кўплигидан ҳалиям бу ном билан аталар, аскарлар Тошкентда қатиқ интизомга риоя қилишмас, бунинг учун қамоқ жазосининг ўйлаб топилганлиги ҳам ҳеч қандай фойда бермай, нафсни тия олиш учун восита бўла олмади.

* Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. London, 1876. Vol. I. (Скайлер Ю. Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари. — Лондон, 1876. I жилд) // Инглиз тилидан қисқартирилган таржима ва изоҳлар т.ф.н., доц. З. Саидбобоевники. Давоми, боши ўтган снда.

Мен, айниқса, заргарлик моллари билан қизиқиб кўрдим. Уларнинг дўконлари кичик кўчада жамланган бўлиб, уларни навбати билан айланиб чиқиш кўнгилни чоғ қиларди. Дўконларни кўздан кечириб жараёнида ҳар бири менга, назаримда, аввалгиларида учратмаган бир неча маҳсулотларини кўрсатишарди. Маҳсулот захиралари ҳаммаша кам: озроқ кумуш сирға ва узук-болдоқлар, елка ва сочларга тақиш учун мўлжалланган тугмали камар ва туморлар, баъзан рангли шиша парчалари кўндирилган маржон-шоода ва билагузуклардан иборат. Ҳамма ерда кўп миқдорда феруза учрар, аммо қарийб барчасининг сифати у қадар яхши эмас, кўпинча юган, эгарларнинг шохчалари, шамширларнинг дастасини безаш учун ишлатилар, уларнинг бари кумуш билан қопланиб, сўнгра юзаси бир хил шаклга келтирилиб силлиқланар ва сахтиёнга¹ ўхшаб қоладди.

Мисгарлар бозорнинг жанубий томонидаги кўчани эгаллаб, болгаларининг товуши чор-атрофдагиларнинг қулоғини қоматга келтирганди. Илк бор *рус самоварини* тузатаётганларга кўзингиз тушади. Улар (самовар — *З.С.*) бу ерда тайёрланмас, истилодан аввал ҳам Россиядан келтирилар эди. Аммо ерли аҳоли нозик шаклда, одатда усталик билан ишланган кўплаб нафис чойнак ва кўза (*қумғон*)лар ясашар ва сиртини искана билан ажойиб безакли қилиб, баъзан иккита металлдаги безакни намойиш этиш учун юзасига юпқа қилиб қалай қоплашар эди.

Бу қаторнинг охирида Россиядан келтирилган, ошхона учун ишлатиладиган темир идишлар талайгина. Барча қўлланилаётган темир ташқаридан келтирилар, маҳаллий аҳоли пичоқ, шамшир яшани ҳисобга олмаганда темирни кам ишлатарди. Сотишга мўлжалланган пичоқ, устара ва қайчиларнинг кўпи темирдан, кўп пичоқларга ўткир бўлиши учун пўлат пайвандланган, баъзан эски шамширлардан олиниб, буткул пўлатдан тайёрланганлари анча қиммат нархга сотилади. Пичоқлар ҳар бир осиелик ҳаёти учун зарурият саналиб, уни тайёрлаш ва сотишда бўлгани каби савдоси билан ҳам анча кўп одам шуғулланади. Одатда дасталари суякдан, бой безаклар берилиб ишланган ҳар бир пичоқнинг от терисидан тайёрланиб, яшилга бўялган гилофи бор. У зеб берилган пўст ёки терига маҳкамланиб, белга тақиб юрилади.

¹ *Сахтиён* (шагрень) — эчки, қўй каби ҳайвонлар терисидан ясалган, юмшоқ, ўзига хос гул ташлаб турадиган тери.

Ўрта Осиёда ўқ отиш қуролларидан фақатгина пилтали милтиқ ишлаб чиқарилиб, стволи² европача дағал ёхуд эски шаклда, асосан, Ҳиндистон ва Эрондан келтирилади. Тошкентда бир қанча темир қуюв цехлари бўлиб, хўжалик учун майда-чуйда маҳсулотлар, жумладан мой лампалар ишлаб чиқариш билан банд. Улар эски Рим мой лампалари шаклини эслатар, аммо ишлаб чиқарилиши қўполликдан холи, баъзида темир тўлиқ суюлтирилмаганлигидан сирти дағалроқ. Қуюв жараёни жуда оддий. Қуймачилик махсус бинода жойлашиб, айвони бир тарафдан доимо жанубга томон очиқ, шу тариқа моғорларни тўлиқ қуритиш учун қуёш нурини етказиб беради.

Жазирамадан толиқиб, бир гуруҳ маҳаллий аҳоли сўнгги гап-сўзлар ва Хива экспедицияси³ овозаларини муҳокама қилиб ўтирган *чойхоналардан* бирига кирдик. Ипак кўрпачаларга ўтиргач, болакай — чойхоналарда болалар кўпинча доимий иш учун ишлашар — бир сиқим кўк чойни мис идишга солиб, киришда қўйилиб, кўмир билан қайнатиладиган катта рус *самоваридан* тўлдириб, кичик хитой пиёлалари билан олдимизга келтирди. Четдан кузатиб турганлардан бирига бизга оққанд, кишмиш ёки майиз, бир неча иссиқ нон ва ширин ўрик харид қилиб келтириш учун майда танга бердик. Булардан ташқари гўштли пирожка хоҳласак, бурчакдаги ошхонадан олишимиз мумкин. Чойхоналарда чойдан бўлак нарса сотилмас, маҳаллий аҳоли нон ва майизни дастурхон вазифасини ўтайдиган белбоғларига туғиб, ўзлари билан олиб келар эди.

Чойхонани тарк этиб, тужжорнинг бошини қиртишлаётган сартарошга дуч келдик. У совун ишлатмаса-да, аммо бош терисини кичик жез жомдан хўллаб, ўта ноқулай кўринган устарани қўлида гўё қалам ушлагандек тутиб, ҳавас қилгудек усталик билан соч ола бошлади. Сўнгра у бошни яна бир бор ювиб, сочиқ билан қуритгач, устаранинг бир томони билан мўйловнинг ўртасидан бир дюймини⁴ олиб ташлади. Мусулмончилик қоидаларига кўра бурун остидаги мўйлов қисми тоза қилиб олиниши талаб қилинади. Сартарош барча оддий мамлакатлардаги каби жарроҳ сифатида ҳам танилган бўлиб, сизга қон қуйиши ёки имкони қадар амалиёт ўтказиши мумкин. Аммо унинг йўл оша жойлашган аптекачининг дўкони билан ҳеч қандай боғлиқ-

² *Ствол* — ўқ отиш қуролларининг қувурсимон қисми.

³ Ю. Скайлернинг Ўрта Осиёга саёҳати даврида (1873 йил) Россия империяси ҳарбийлари Хива хонлигини истило этиш учун ҳарбий ҳаракатларни олиб бораётган эди.

⁴ *Дюйм* — инглиз ўлчов бирлиги, 2,5 см га тенг.

лиги йўқ. Кичик сурилма қутилар, гулдор тамғали доирасимон галадонлар ва гиёҳларнинг қуритилган тутами қандай, нима эканлигига шак-шубҳа қолдирмайди. Бу ерда сиз Осиё фармациясига маълум барча дориларни топишингиз мумкин. Яна катталиги мускат⁵ ёнғоғидек келадиган Эроннинг синдириб, чойингизга солганда аниқ таъм берувчи қуритилган лимонларини, кичик кўзгулар ва рус қоғозини харид қилишингиз мумкин. Бу ерда яна *атторхона*⁶ деб аталган кўплаб дўконларда гарчанд савдода оз миқдорда мавжуд бўлса-да, аёллар ишлатадиган барча пардоз-андоз молларини топишингиз мумкин. Чунки исталган томорқа бу каби маҳсулотларни таъминлай олади. Ҳар ҳолда энг муҳимларидан *вайда*⁷ оиласига кирувчи *ўсма* бўлиб, кўз-қошларни қора ранга бўяш учун ишлатилади. Янги узилган барглари пиёлада туйилиб, қиём ҳолига келтирилгач, қалам ўрнида қамиш новдаси ва бармоқ билан суртилади. Одатга кўра фақатгина қошлар эмас, балки улар ораси ҳам бир қатор узун қилиб бўялади. Дастлаб бўёқ хира яшил тус бўлиб, бир неча лаҳзадан сўнг кўкимтир қорага айланади. Ҳолбуки, у дарров йўқолиб, ҳар икки-уч кунда янгидан суртиб турилади. Бу одат шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто бир ёшга етмаган болаларга ҳам *ўсма* суртиб кўйилади. Қора кукунли *сурмани* киприкларни бўяшда, ҳатто, эркаклар ҳам ишлатишади, у кўзни чанг ва шамолда яллиғланишдан асрайди. *Оқ уна* Россиядан келтирилиб, юзни оқартириш учун қўлланади. Кўпинча юзлари ўта сариқ аёллар томонидан суртилади.

Овқат тайёрлаш, ёритиш⁸ ва бошқа мақсадларда турли хилдаги донлар, кўпроқ *кунжутнинг* янчилганидан фойдаланишади. Уни, асосан, таом пишириш учун кўпроқ қўллашади. Кичик, бир-бирига ўхшаш дўконларда фойдаланиш учун бўёқлар сотилади. Ҳиндистон ва Бразилиядан келтирилган индигодан⁹ ташқари бошқа бўёқлар Рос-

⁵ *Мускат* — Осиёнинг иссиқ ўлкаларида ўсадиган доимий яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли ёнғоғи.

⁶ *Атторхона* — дастлаб атир-упа ва бошқа хушбўй пардоз-андоз моллари сотиладиган, XIX–XX аср бошларида эса кундалик ҳаётда керак бўладиган барча майда-чуйда молларни сотадиган дўконлар.

⁷ *Вайда* (лотинча *Isatis tinctoria*) — карамдошлар оиласига кирувчи ўсимлик, Европада кўк ранг олишда, Хитойда эса халқ табобатида кенг тарқалган.

⁸ Бу ерда мойчиروқлар учун ишлатиладиган мой назарда тутилмоқда.

⁹ *Индиго* — ўсимликдан олинладиган бўёқ тури. Кийимларга ранг бериш учун ишлатилган. Инглизчада бу ранг «индиан блу» (indian blue) деб аталиб, бинафша рангдир.

сиядан кириб келади. Ёввойи ўсадиган ва боғларда кўп экиладиган рўян¹⁰, мамлакат учун хос бўлган яна бир неча бўёқлардан фойдаланишади. Улардан бири — бўз-сариқ *испарук* Даштда¹¹ анча сероб ўсади. Гулларининг аралашмаси чиройли ва доимий ёрқин сариқ ранг бера олади. Бошқа бир сариқ ранг тўқмоқ, япон софораси (*Sophora Japonica*)нинг гуллари дидир. *Пугак*, тут дарахтларида, алоҳида Кўқонда ўсувчи замбуруғдан териларга яшил-сариқ ранг беришда қўлланилади. Анор пўчоғи қора бўёқ олишда кўп миқдорда ишлатилади.

Бутун бир кўчани этикдўз косиблар эгаллаган. Баъзилари мутлақ калиш, бошқалари анча оммабоп бўлган тоза сахтиён этиклар тайёрлаш билан, яна баъзилари от минганда киядиган этикларнинг тагчармига мих қоқиш ва ўткир пошна қўйиш билан овора. Ҳар бир дўкон ихтисослашган, фақатгина тагчарм терини кесишга мўлжалланганидан бўлак. Кўнчининг иш усули жуда оддий, унинг бир томони очиқ бочкалари катта жўнгина туйнук орқали ёки ердаги чуқурликларда жойлашган бўлиб, у терини тайёрлашда тўртта усулдан фойдаланади.

Эгар-жабдуқ, юган ва абзал расталари, сўл томонимиздаги дағал ғилдиракли аравалар тайёрловчи дўконларни тарк этиб, кўчманчиларнинг маҳсулотлари, айниқса, туя жунидан тўқималар, арқон, гилам ва қалин жун рўмоллар, чодир ва кигиз топиш мумкин бўлган қирғиз (қозоқ) бозор деб аталувчи манзилга келдик. Кигиз тўқиш қозоқ аёлларининг машғулоти. Қошғардан келтирилган оқ кигиз энг аъло саналиб, маҳаллий ҳукмдорлар унга ўтқизирилиб, тахтга кўтарилган. Қозоқлар тўқиган чодир ва гиламлар қўпол. Қарши яқини ва Чоржўйдаги туркманлар томонидан тўқилганлари энг яхши ҳамда хоҳлаган миқдорда фақатгина Бухородан топиш мумкин. Бу ерда (бозорда — З.С.) яна турли бошоқли дон ва ун, пахтани ҳам тозаланган, ҳам қўзоқлари билан сотувчи дўконлар ҳамда улар яқинидаги расталар маълум боғдорчилик ва гул уруғлари билан савдо қилади.

Бозордан ўтгач, биз одатда улкан дарвозалари, ичкараси савдогарлар билан тўла ҳовлиларни кўраимиз. Булар карвонсаройлар бўлиб, бир қисми улгуржи олиб-сотувчи тижоратчилар томонидан молларни

¹⁰ Рўян — илдиизидан қизил бўёқ олинадиган ўтсимон ўсимлик.

¹¹ Қозоқ даштлари назарда тутилган. Ю. Скайлер испарукнинг боғлар учун жозиба бахш этиши ва савдода ҳам фойдаланиш мумкинлигини ёзиб, ўзи билан олиб кетган ўсимлик уруғи униб чиқмаганлигини афсус билан ёзади.

сақлашда, яна бир қисми эса озроқ муддатга савдо-сотик учун келган ажнабий савдогарларга турар-жой сифатида фойдаланилади. Уларнинг учтаси қарийб ҳиндлар томонидан эгалланган. Ўрта Осиёнинг аҳамиятли шаҳарларида кўп сонли ҳиндлар бўлиб, биргина Тошкентда уларнинг сони қарийб 140 тани ташкил этади. Улар, асосан, Шикарпурдан¹² келишган, гарчанд, тижоратнинг кўп турларида иштирок этишса-да, ўзларини, асосан, қарз бериш ва сўдхўрликка бағишлаган. Энсизгина шимлари, ўзига хос уст-бошлари ва пешонасидаги кастасини англатувчи қизил ёки қора ранг белги ҳамда ирқий тавсифидан ташқари, улар осонгина фарқланади. Уларнинг асосий машғулоти аввал айтганимдек, сўдхўрлик бўлиб, ҳолбуки қарз беришда нафақат улар, балки яҳудийлар, афгонлар, ҳатто, маҳаллий мусулмонлар ҳам бундай даромадли ишда машғул бўлиб, Тошкентда камида минггача судхўр борлиги тахмин қилинади. Ҳиндлар, одатда, қарз маблағни йигирма тўрт ҳафтага берар, ҳафтасига эса ҳар бир тилла учун бир танга бадал талаб этилар, яъни 1/19, фойдали келишув жараёнидаги даромад беш танга ёки тахминан йигирма олти фоиз эса йилига тўлиқ эллик олти фоиз бўларди.

Чинни ва сопол буюм сотувчи дўконлар кулолчиликка қизиққан ҳеч кимнинг диққатини жалб этмай қолмайди. Идишлар жўн ва кўпинча кўпол, одатда эътиборсизлик билан ишланган бўлса-да, бироқ дизайнидаги эркинлик ва руҳ, бўёқларидаги уйғунлик жуда ёқимли ҳамда яхши ишланган идиш-товоқлар безаш мақсадларида қўлланилади. Одатда идишлар мовий ва оқ рангларда бўлиб, баъзан хира кўкмитир-яшил тус асосий ранг берувчи, баъзан сариқ ва тўқ бинафша эҳтиёткорлик билан ишлатилган. Хитой *чиннилари* тошкентликлар томонидан юксак баҳоланади ва жуда юқори нархларда келтирилади. Хўжандлик Муҳаммад Шокирнинг маҳсулотлари ҳам сифатли саналиб, яна Самарқанд ва, асосан, Андижонда яхши идишлар тайёрланади. Умуман кулолчилик ва сопол идишлар аввалдан маълум бўлса ҳам, аммо мамлакатда чинни ишлаб чиқариш Машҳадда ўрганиб, 1857 йилда қайтиб келган самарқандлик Уста Қосим томонидан яқинда амалга оширилган.

¹² *Шикарпур* — ҳозирда Покистон, Ю. Скайлер саёҳати даврида эса Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистоннинг шаҳарларидан саналган. Шаҳар XII асрдан бошлаб карвон йўллари бўйидаги йирик савдо марказига айланган. Шикарпурнинг савдо алоқалари Женева, Рим, Эрон, Ироқ, Самарқанд, Тошкент, Япониягача ёйилган. Шу сабабли уни Шарқий Париж деб ҳам аташган.

Эпчиллик билан урчуқ (дук)лар, галтаклар ва бошқа кичик ёғоч нарсаларни айлантираётган эркаклар, исканага ўхшаш ва кичик токар дастгоҳида арқонларини ҳаракатга келтириб ўтказаётган, тикилган дўппи ва камарлар сотаётган қора ёпинган аёллар расталарининг бир тарафини ортда қолдириб, биз босилган рус читлари, турли рангдаги Бухоронинг шойи-ипагигача, ҳатто, тўғридан-тўғри Москвадан келтирилган духоба ва тилла кимхоб кийим-бошлар сотиладиган кўчага келдик. Бу ерда тикилган нарсаларнинг савдоси билан, асосан, эркаклар машғул. 1220 йилда Чингизхон ҳузурига жўнатилган Хитой элчиси: «Тиқиш ва тўқишни эркаклар бажаради», — деб айтгани ҳам бунга аниқ мисол бўла олади.

Яхлит расталар пахтадан тайёрланган газмоллар билан тўла бўлиб, улар орасида ҳар бир дўконда мавжуд ҳамда Россияда тўқилган кўп миқдордаги фабрика маҳсулотлари сотилаётганини пайқамай бўлмасди.

Маҳаллий маҳсулотларнинг бариси одмигина. Асосийси бўз — рангсиз ва муҳими оқартирилган, қўйлак ва иштонлар тикишда қўлланилади. Руслар орасида у (бўз — З.С.) мато сифатида маълум бўлиб, анча илгари бу ном нотўғри берилган. *Мато* тегишли узунлик ўлчови сифатида саккиз ярд¹³ ташкил этиб, фабрика моллари эмас, маҳсулот бўлаklarига нисбатан бу ном берилган. Дока — юпқа материал, муслин¹⁴ тури. Қўпол шаклли кийим-бошларга астар ва юпқа саллалар учун қўлланади. Энг яхши салла саналган инглиз муслинлари Ҳиндистон орқали келтирилади. Бу каби сифатлиси Россияда ишлаб чиқарилмаса-да, унинг ташқаридан келтирилишини тақиқлашга доир бирор ҳаракат қилинмаган.

Аъло сифатли ипак маҳсулотлар Бухоро, сўнгра Қўқон ва Хўжанд, ундан кейин Хивада тайёрланган, энг кам баҳолангани Тошкентники саналади.

Ярим ипак-шойи фабрика маҳсулотларидан *беқасам* ва *адрас* энг маъқули ва машҳури бўлиб, иккови ҳам одатда қисқа йўл-йўл чизиқли тайёрланади. Уларга кенг ясси ёғоч асбоб билан уриб жило берилди. Бизга айтишларича, ипак маҳсулотлар ишлаб чиқариш анъана сифатида Хитойнинг Хўтан шаҳридан кириб келган ва ҳар ҳолда бутун Ўрта Осиё кенглиklarига тарқалган. Аммо Тошкент, Хўжанд ва Самарқандда қарийб йўқолиб кетиш даражасига келиб қолган, 1785 йилда

¹³ *Ярд* — 91 см га тенг инглиз узунлик ўлчови.

¹⁴ *Муслин* — юпқа газлама тури.

Шоҳмурод¹⁵ томонидан Марв эгаллангач, яна жонланган. У мазкур шаҳарнинг барча аҳолисини Бухорога кўчириб, бу ерда улар машхур машғулоти саналган ипакчиликни давом эттиришди.

Амир Насрулла¹⁶ замонида уларнинг авлодларига Самарқандда яшашга рухсат берилди ва ўша пайтдан ипак етиштириш гуллаб-яшнаб, ҳозирда Зарафшон, Хўжанд ва Қурама туманлари кўплаб қишлоқларининг асосий машғулоти саналади.

Ўрта Осиё иқлими ипакчилик учун жуда қулай. Бу ерда ёзин ёмғир, дўл бўлмаганидан, момақалдиروқлар ва кучли шамоллар камлигидан сунъий иссиқлик ва шамоллатишга ҳожат йўқ.

Сартлар бир-бирлари, айниқса, одатда, руслар билан савдода нафақат мамлакат, балки ҳар бир шаҳарда фарқ қилувчи ўзларининг эски вазн ва ўлчовларидан фойдаланишади.

Қуруқ ва суюқ нарсаларнинг ўлчови мавжуд бўлмаса ҳам, аммо ҳар бир нарса тарози билан сотилади. Вазн бирлиги *ботмон*¹⁷ ёки афзалроғи *чорак*¹⁸ бўлиб, кўпинча 1/64 ботмонни ташкил этади. Ботмон Россияда ўрта асрлардан маълум ўлчов бўлиб, Кавказ ва Қримнинг ярим татар, ҳатто, мутлақ рус губернияси саналган Тверда ҳам мавжуд бўлиб, 36 фунтга¹⁹ тенг. Турли жойларда фарқи катта. Тошкентда ботмон 374 фунт оғирликни ташкил этади.

Чорак ботмоннинг 1/64 қисми бўлиб, маҳаллий манфаатларни ҳисобга олиб, турли қисмларга бўлиниши эътиборга олинмаса, ҳар бир кичик қисми бир унциядан²⁰ ошиқ 80 пайсага²¹ бўлинади.

¹⁵ *Шоҳмурод* — Бухоронинг 1785–1800 йиллардаги манғит амири.

¹⁶ *Насрулла* — Бухоро амири (1826–1860 йиллар).

¹⁷ *Ботмон* — оғирлик ўлчов бирлиги. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ўрта Осиёда қўлланиб келинган. Шариатга кўра, ботмон асосан 0,8 кг ни ташкил қилган, лекин турли мамлакатлар ва турли даврларда унинг мезони ҳар хил бўлган. Ўрта Осиёда ҳам унинг вазни ўзгариб турган. Масалан, XIX асрда Хоразмда ботмон 20,1 кг дан 40,9 кг гача, Бухоро ва Самарқандда асосан 8 пуд (131 кг), Фарғонада 8–10 пуд (131–163,8 кг) бўлган. Бу ўлчов пахта ва меваларни ўлчашда қўлланилган. 1884 йилги маълумотларга кўра, Қўқонда 1 ботмон 10 пудга, яъни 163,8 кг га тенг бўлиб, донларни ўлчашда қўлланилган. Тошкент ва Чимкентда 1 ботмон 10,5 пуд (171,9 кг) бўлган. Ўрта Осиёнинг кўп жойларида ботмон ер сатҳини ўлчаш бирлиги сифатида ҳам қўлланилган.

¹⁸ *Чорак* — Ўрта Осиёда энг кўп қўлланилган оғирлик ўлчов бирлиги. У баъзи жойларда 5 пудга, бошқа ерларда эса 5 қалдоққа, яъни 2,04 кг га тенг бўлган.

¹⁹ *Фунт* (лотинча вазн, оғирлик) — инглиз ўлчов тизимида асосий бирлик. 1 фунт савдода 0,4 кг, дорихонада эса 0,3 кг га тенг деб қабул қилинган.

²⁰ *Унция* — 28,3 г га тенг.

²¹ *Пайса* — тахминан 50 г га тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

*Мисқол*²², кўпинча, Бухоро ва Самарқандда қўлланилиб, ўлчовларнинг энг кичиги. Бир унциянинг чорак қисмидир. Қўқонда, одатда, ботмонга нисбатан кўпроқ қўлланилиб, фарқи 162 дан 180 фунтгача, 16 *чаксага*²³, улар ҳар бирининг вазни унциянинг 3/4 қисмини ташкил этади.

Ўрта Осиёда пул бирлиги кичик кумуш чақа — *танга*, Қўқон ва Тошкентда Қўқон танга ёки оддийгина *қўқон* деб аталиб, аниқ қиймати 16 3/4 копейк ёки 5 1/2 *дирҳамдир*²⁴.

Бир томонида подшонинг, орқа томонида эса зарб этилган шаҳар номи ва санаси кўрсатилади. Тилла тангалар бўлиб, кичик ва жуда юпқа шаклда, *тилла* деб номланади. Ҳар ҳолда тангадаги қимматбаҳо металлнинг миқдорига айирбошлаш қиймати ҳам турлича. Қўқон тилласи ўн тўққиз тангага, Бухоро тилласи эса йигирма тўртдан йигирма саккиз тангагача баҳоланади. Хивада 2 хил тилла бўлиб, каттаси ўн саккиз, кичиги саккиз танга туради. Айрича амалда бошқа мис ва темир тангалар қўлланилиб, *пул* ёки *чақа* деб аталади. Тошкентда бир танга олтмиш, Қўқонда қирқ чақага баҳоланади. Бухорода бир танга қирқ тўртдан олтмиш тўрт пулгача, Хивада уларнинг кўплигига қараб қирқ бешдан етмишгача баҳоланади. 1869 йил Молия вазирлигининг фармойишига кўра танганинг қиймати йигирма копейк этиб белгиланган бўлса-да, ваҳоланки аввал айтганимдек, у ҳозирда атиги 16 3/4 копейк.

Тошкент руслар томонидан истило этилгач, даромад манбаларини қидириш заруриятга айланиб, маҳаллий божлар, энг асосийси савдодан олинадиган *закотни*²⁵ маълум муддат сақлаб қолишга қарор қилинди. Ҳозирги пайтда у қарвонлар ва тижорат келишувларида асосий бож ва Ўрта Осиёнинг кўплаб давлатларида мусулмонлар учун қирқдан бир ёки 2 1/2 фоизни ташкил этади. Рус маъмурияти одатдаги ёки ташқи закотдан ташқари савдо капитали учун ички закот ҳам

²² *Мисқол* — Шарқ (араб) мамлакатларида қимматбаҳо буюмларнинг оғирлиги мисқол билан ўлчанган. Самарқандда 4,46 г га (VI–VIII асрлар), Бухорода 4,8–5 г (XVI–XIX асрлар) га, Хоразм ва Фарғона водийсида 4,5 г га тенг бўлган (XIV аср).

²³ *Чакса* — Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан XX аср бошларига қадар ишлатилган оғирлик ўлчов бирлиги. Бир чакса Хўжандда қарийб 4 кг, Наманганда — 5,3 кг, Қўқон атрофларида 4,6 кг ёки 5,1 кг саналган.

²⁴ *Дирҳам* — мусулмон давлатларида дастлаб оғирлик ўлчови, сўнгра пул бирлиги.

²⁵ *Закот* — мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон, солиқ. Деҳқонлар ва чўпонлардан олинадиган закот миқдори бирмунча юқори бўлган. Закот камбағаллар, етим-есирлар, касаллар ва ҳеч кими йўқ аёллар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган.

жорий этиб, у йилда бир маротаба олинган. 1874 йилга қадар у Сирдарё вилоятининг рус савдо тизимига бўйсунувчи Казала²⁶ ва Перовск туманларидан ташқари барча қисми, Зарафшон туманида мавжуд бўлган. Ички закот руслар эмас, маҳаллий савдогарларга солиниб, савдогар томонидан капитал миқдори баҳоланган ёки тасарруфидаги молларнинг қиймати белгиланган кундан ҳисобга олинган.

Рус савдо тарихида ярмаркаларнинг ўрнини ҳисобга олганда, тижорат ҳаётига ўрганмаган шахслар учун у, ҳар ҳолда табиий, савдо уларсиз ўтмас ва ярмарканинг бошланиши савдонинг авжини англа тарди.

Бу ярмаркадаги тижорат расмий ҳисоботларда рублда қайд этилган:

	Келтирилган	Олиб чиқилган	Умумий миқдор	Даллоллар савдоси
1870 йил, кузги ярмарка*	3,890 828 63	2,335,060 35 ^{1/2}	6,225,888 98	680,323
1871 йил, баҳорги ярмарка	2,520 346 73	1,393 356 02	3,913,702 75	Қайд этилмаган
1871 йил, кузги ярмарка	4, 742 858	2,042,521	6,788,379	
1872 йил, кузги ярмарка**	1,849 749 89	1,538,583 32	3,388,325 21	252,292,94

* Бу ярмарка бир ой ўрнига икки ой давом этган.

** Муаллиф (Ю. Скайлер — З.С.) 1872 йил баҳорги ярмарка учун маълумот қўлга кирита олмаганлигини ёзган.

	Келтирилган	Олиб чиқилган	Транзит савдо	Даллоллар савдоси	Умумий миқдор
1873 йил, баҳорги ярмарка	735,985 72	907,827 27	169,213	472,198 90	2,285,244,89
1873 йил, кузги ярмарка	1,260,297 32	860,169 52	131,628 20	190,692 35	2,442,787 39

²⁶ Казала (Казалинск) — 1853 йилда асос солинган шаҳар ва 1867 йилга қадар 1-рақамли Форт (Форт № 1) деб аталган. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ҳозирда Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятига қарашли.

1867 йилги чегара ташқи бож ҳисобларига кўра:

Тошкентга (Кўқон билан бирга)	5,478,000 рубль
Бухорога	4,910,000 рубль
Хивага	487,000 рубль
Жами	10,875,000 рубль

Импорт эса қуйидагича бўлган:

Тошкентдан	868,000 рубль
Бухородан	6,215,000 рубль
Хивадан	1,421,000 рубль
Жами	8,504,000 рубль

Дунёнинг бошқа қисми, сув йўлларида жуда узоқда ажралган, қуруқлик йўлларигина мавжуд мамлакат учун савдо йўллари масаласи ва юкларни ташиш муҳим аҳамият касб этади. Ўрта Осиёда маҳсулотлар, асосан, юк аравалари ва ўлканинг икки ғилдиракли араваларида ташилади. Жанубда, қўшни шаҳарлар, мисол учун Бухоро ва Самарқанд ёхуд Хўжанд ва Тошкент ўртасида кейинги восита (икки ғилдиракли аравалар — З.С.), узоқроқ йўлларда эса туялар билан юк ташиш заруриятга айланган. Руслар истилосидан сўнг аравалардан фойдаланиш, юриладиган йўлларни таъмирлаш аҳамиятли даражада ўсди.

Араваларни отларга қўшиш усули анча қийин бўлиб, араванинг максимал оғирлиги 2 та туя юки ёки 32 пуд²⁷, аммо одатдаги юк бир ярим туя юки ёки 24 пуд (864 фунт)ни ташкил этади. Отнинг оғирлиги 8 пуд (288 фунт), эшакники унинг ярмини ташкил этади. Бу ҳайвонлардан, кўпинча, қояли ва тоғли йўлларда мустаҳкам туёқлар зарурийдиган, масалан, Тошкентдан Кўқонга қадар тоғлар оша қисқа йўлда фойдаланилади.

Ҳозиргача юк ташиш жонивори сифатида туя фойдали ва кенг оммалашган бўлиб, одатда 16 пуд (576 фунт)ни ташийди. Ҳар қандай манзилни босиб ўтиши, совуқ об-ҳаводан ташқари йўлида ўзига яйлов топа олиши мумкин. Отнинг қаровига қараганда ташвиш туғдирмайди.

Бухородан Казала орқали Оренбургга қадар асосий савдо йўли танланган йўлга қараб ўзгариб, бевосита сахро бўлиб ёки Орск орқали ўтиб, узунлиги 1,060 дан 1,160 милгача²⁸ 47 кунни талаб қилади.

²⁷ Пуд — оғирлик ўлчов бирлиги, тахминан 16,3 кг.

²⁸ Мил — инглиз ўлчов бирлиги бўлиб, 1,6 км га тенг.

Кўқон савдоси учун Тошкентдан иккита йўл бўлиб, бири аввал айтганимдек, тўғридан-тўғри Телау тоғлари оша 140 мил, беш ёки олти кунлик. Бошқаси араваларда ўтиши мумкин бўлган Хўжанд йўли бўлиб, 200 милдан зиёд. Саккиз-ўн кунни талаб қилади.

Эскидан қарийб барча карвонлар Тошкентдаги Петропавловск ва Троицкка борган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда тўғридан-тўғри Оренбургга, асосий почта йўли бўйлаб 1300 милни 60 кунда босиб ўтади. Тошкентдан Оренбургга ҳар бир туя юк учун 14 дан 25 рублгача тўлов олинган ёки ҳар пуд учун 90 копейкдан 1,69 рублгача, қайтиш эса қимматроқ.

Қошғар савдоси, кўпинча, Норин орқали Тўқмоқ ва Вернийга, маълум қисми Терек доवони оша Кўқондан ўтади. Қошғардан Кўқонга қадар карвонлар 12 кундан 20 кунгача 300 милни босиб ўтади.

Хива билан савдо унинг ривожланган даврида уч йўл орқали: Оренбургдан Казала ва Иркибойдан Хивага қадар 54 ёки 55 кунда 1,140 дан 1,230 мил ёки Оренбургдан Эмба почта йўли орқали Орол денгизининг ғарбий соҳили чеккаларидан 43 кунда 880 мил ёки Каспийдан Манғишлоқ орқали Устюрт бўйлаб тўғридан-тўғри машаққатли сувсиз йўл. 1855 йилдан бери бу йўлдан деярли фойдаланилмайди. Оренбургдан Хивага юк ташиш ҳақи битта туя учун 16 рубль ёки ҳар пуд учун 1 рублни ташкил этади. Бухородан Балхга қадар бўлган йўл Қарши орқали, қарийб 300 милни ташкил этиб, 13 кун керак бўлади.

Петропавловск орқали ўтувчи Ўрта Осиё савдоси Екатеринбург ва Пермга, ундан Кама қуйидаги Нижний Новгородга; тўғридан-тўғри Троицк орқали эса ўша йўналиш ёки Урал бўйлаб Уфага, у ердан эса Нижнийга боради. Оренбургга борувчи карвонлар ўша ердаги манзилда тўхтаб, молларни араваларга жойлаб Волгабўйидан Самарага жўнайди. Самара ва Оренбург ўртасида қурилаётган темир йўл тармоғи улкан қулайликларни беради. Каспий бўйидаги Красноводск Астраханни боғлаб, у ердан эса Нижний билан яккам-дуккам пароходлар орқали боғланади.

Темир йўл қуриш ғояси шунинг учун муҳокама этилган эди. Тошкентта темир йўл ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича вази-фа 1873 йилда ўша пайтда Семипалатинскда расмий пенсиясига қадар икки ёки уч йил фаол хизмати етмаган амалдор — генерал Безносиковга топширилган. У тайёрлаган ҳисобот кенг қамровли бўлиб, мен кўрган унинг маълумотномасидаги усуллар ва Семипалатинскда менга айтганларидан унинг ҳисобот ва лойиҳаларига майл билдиришимга ўрин қолмади.

Оренбургдан Тошкент, Самарқанд ва Амударё каби узоқ жанубга Қарши орқали темир йўл қуришнинг муҳандислик қийинчиликлари арзимас бўлса-да, аммо қурилишнинг нархи, сув ва ёқилги захирасининг танқислиги улкан эди. Бундан ташқари, мамлакатни кўндалангига кесиб ўтувчи бу темир йўл бўйлаб улкан ҳудуд ҳозирда деярли ўзлаштирилмаган.

Ю. СКАЙЛЕР

БОЗОРЛАР ВА САВДО

Таржима ва изоҳлар З. Саидбобоевники

Эътиборингизга 1876 йилда Лондонда нашр этилган Ю. Скайлернинг «Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари» асарининг қисқартирилган таржимаси ҳавола этилмоқда. Унда муаллиф Тошкент бозорларидаги савдо, ҳунармандчилик устахоналари, ипакчилик, карвонсаройлар, бож ва солиқлар, ярмаркалар, Ўрта Осиёнинг савдо-сотиқ статистикаси, савдо йўллари, темир йўл қурилиши лойиҳалари ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

Калит сўзлар: Тошкент бозори, ҳунармандчилик, карвонсарой, кулолчилик, ипакчилик, пул, бож, солиқ, ярмарка, савдо йўллари, темир йўл.

Ю. СКАЙЛЕР

БАЗАРЫ И ТОРГОВЛЯ

Перевод и комментарии З. Саидбобоева

Вниманию читателя представляется сокращенный перевод на узбекский язык произведения Ю. Скайлера «Туркестан: записки о путешествии по российскому Туркестану, Коканду, Бухаре и Кульдже», изданного в Лондоне в 1876 г. В нем автор приводит ценные данные о торговле на Ташкентских базарах, ремесленных мастерских, развитии шелководства, пошлинах и налогах, караван-сараях, ярмарках, среднеазиатской торговой статистике, торговых путях и проектах железнодорожного строительства.

E. SCHUYLER

THE BAZAARS AND TRADE

Translation and comments by Z. Saidboboev

The short translation into Uzbek of the work «Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja» by E. Schuyler, published in London in 1876 is presented the attention of the reader. The author gives valuable information about the trade in the Tashkent bazaars, craft workshops, silk culture, caravanserais, duties and taxes, fairs, statistics of Central Asiatic trade, trade routes and railway — construction projects.

М. ХАТАМОВА

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЧОЧ ҲУКМДОРЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

(Сайёҳ ва элчиларнинг хотиралари асосида)

Кейинги йилларда Қанғ салтанатининг вориси бўлмиш Чоч ҳукмдорлиги тарихига доир ишлар кўлами сезиларли даражада ортди¹. Лекин тадқиқотларда Чочнинг тарихий ҳудуди яхлит қамраб олинмагани боис Чоч билан боғлиқ тарихий воқеликлар бирёқлама талқин этилмоқда². Шу сабабли, қуйида Чоч ҳукмдорлигининг илк ўрта асрлардаги ҳудудий чегаралари ёзма манбалар асосида таҳлил этилади.

Чоч ҳукмдорлигининг ҳудуди хитой йилномалари ва араб-форс географларининг асарларида бирмунча кенгроқ ёритилганлигига қарамай, улардаги барча маълумотлар ҳам ишончли эмас. Чунки аксарият манба муаллифлари Чочда умуман бўлмаган, у ҳақидаги маълумотларни эса ўзидан олдин ёзилган асарлар ёки сайёҳ ва савдогарлардан эшитганлари орқали ёзиб қолдирганлар. Шу сабабли, Чочда бевосита бўлган сайёҳларнинг хотиралари катта аҳамиятга эга.

Хитой роҳиб *Сюан-цзан эсдаликларидаги қайдлар*. Чочда бевосита бўлган тарихий шахслардан бири — будда таълимотини мукамалроқ эгаллаш мақсадида 629(627)–645 йиллар давомида Хитойнинг Тан салтанатидан Ҳиндистонга сафар уюштирган роҳиб Чжан Сюан-цзан (603–664)дир. Унинг йўл хотиралари асосида ёзган «Да Тан Сиюцзи» («Буюк Тан сулоласининг Фарбий ўлкаларга саёҳатномаси») асари

¹ Ртв е л а д з е Э. В. История и нумизматика Чача (вторая половина III — середина VIII в. н. э.). Ташкент, 2006; Б а б а я р о в Г. Б. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв. н. э.). Ташкент, 2007; А л и м о в а Д. А., Ф и л а н о в и ч М. И. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунгача). История Ташкента (с древнейших времен до нашей дней). Тошкент, 2009; И с х а к о в М., К а м о л и д д и н Ш., Б а б а я р о в Г. Титулатура доисламских правителей Чача. Ташкент, 2009; З и я е в А. Ташкент. Часть 1. Древность и средневековье. Ташкент, 2009; Ф и л а н о в и ч М. И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Ташкент, 2010; Б о б о ё р о в Ф. Чоч тарихидан лавҳалар (илк ўрта асрлар). Тошкент, 2010; Б у р я к о в Ю. Ф. Канка и Шахрухия. Древние города Чача и Илака на Великом шелковом пути. Ташкент, 2011; Проблемы древней и средневековой истории Чача. Ред. Ш. Камолиддин. Saarbrücken, 2013.

² Масалан, илмий адабиётларда Чочдан алоҳида *Илоқ*, *Исфижоб*, *Кангу Тарбан* ёки *Ўтроп/Фароб* каби мустақил ҳукмдорликларнинг мавжудлиги ҳақида хулосалар кенг ўрин олганлиги кузатилади.

Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Чоч тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбадир³.

Сюан-цзан Хитойнинг Гансу вилоятидан чиқиб Шарқий Туркистоннинг *И-Лу* (Кумул/Хами), *Гаочан* (Кўжу/Турфон), *Акини* (Янки/Қорашар), *Гуй-ци* (Куча) ва *Болокия* (Оқсу) каби бир қатор шаҳар-давлатларидан ўтади ва *Су-йе шуй* (Суйаб) шаҳрига етиб келади. Саёҳатномада қайд этилишича: «*Су-йе шуй шаҳридан Цзе-шуан-на (Кеш) мамлакатигача чўзилган ўлкага Су-ли номи берилган. [Ушбу мамлакат] аҳолиси ҳам худди шу ном билан аталади. Ёзув ва тили ҳам ушбу ном билан юритилади*»⁴. Агар мазкур маълумотдан келиб чиқилса, Етти-сувдан то Кеш (Жанубий Суғд)гача бўлган ҳудуд «Суғд мамлакати» бўлиб, унга Чоч ҳам кириши керак эди.

Баъзи тадқиқотчилар нумизматик материаллар ва Култўба (Жанубий Қозоғистон) ёзувидаги маълумотлар асосида шунга яқин хулосаларни илгари сурадилар. Аниқроғи, милодий III асрнинг ўртала-рида Қанғ конфедерацияси парчалангач, ўрнига Суғд ҳукмдорликла-ри ва шаҳарлари конфедерацияси — тетраполис ёки пентаполис вужудга келиб, унинг таркибига етакчи ўринда бўлган Чоч ҳам кирган⁵. Мазкур хулоса Чочнинг нафақат Суғд шаҳарларидан бири эканлиги, балки Самарқанд, Кеш, Нахшаб ва Бухоро каби Суғд шаҳарлари кон-федерациясига киргани ҳақидаги янги хулосага асос бўлади.

Аммо ушбу хулосанинг асоссиз эканлигини Чочнинг шаҳар эмас, балки алоҳида ҳукмдорлик бўлганлиги, «Чоч» номининг суғ-дий тилдан келиб чиқмаганлиги⁶, қолаверса, араб географи Муқад-дасий (X аср) чочликларнинг маҳаллий тили бутун Ҳайтал (Эфта-лит) тиллари орасида энг чиройлиси эканлигини таъкидлаш билан бирга минтақанинг бошқа тиллари (Суғд ва Бухоро рустоқлари аҳоли-си)дан алоҳидалигини қайд этганлиги ҳам тасдиқлайди⁷.

³ В e a l S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records of the Western World. London, 1884. Vol. I. xviii-xx-бетлар; E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Turkistan. Basilmamis doktora tezi. Hacettepe Universitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003. 24–30-бетлар.

⁴ В e a l S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records ... 26–27-бетлар; E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... 113-бет.

⁵ Р т в e л a д з e Э. В. К Ранней истории Чача (новые нумизматические и эпигра-фические источники) // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды Междуна-родной научной конференции. Ташкент, 2009. 139-бет.

⁶ М a к с u д o в Ф., Б a б a я p o в Г. К этимологии топонима Чач // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды Международной научной конференции. Таш-кент, 2009. 199–205-бетлар.

⁷ Ş e s e n R. Islam Coğrafyacilarına göre Türkler ve Türk ülkeleri. Ankara, 2001. 269-бет.

Демак, Еттисувдан Жанубий Суғдгача бўлган ҳудудда яшовчи барча аҳолининг ҳам тили суғдий эмас, «Су-ли» атамаси эса, асосан, Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларини ўз ичига олган Суғдга нисбатан қўлланилган. Тўғри, суғдийлар кейинчалик Чоч, Еттисув каби ҳудудларга кўчиб бориб, аҳолининг катта қисмини ташкил қилган. Шу сабабли, хитой сайёҳлари мазкур ҳудудлар аҳолисининг тили, ёзуви ва маданияти суғдларникига ўхшашлигини кўзда тутган бўлиши мумкин⁸.

Фарбий Турк хоқонлигининг пойтахти Суйаб (Оқ-Бешим) шаҳридан ўтгач, роҳиб шундай ёзади: «*Су-йе шуйнинг ғарбида ўндан ортиқ фарқли шаҳарлар бор. Барча шаҳарларнинг ўз бошқарувчилари мавжуд. Гарчи булар бир-бирларига бўйсунмасалар ҳам, уларнинг барчаси туцзю (турк)ларга вассал сифатида бўйсундилар*»⁹. Роҳиб Суйабнинг ғарби (Чу ва Талас водийси)даги шаҳарлар номини қайд этмаган, бироқ «Син Тан-шу»да у ерда жойлашган *Ми-куо, Син-чэн* (Янги шаҳар), *Тун-цзян* (Тўн/Тўнкат), *Цюй-лан* (Кулон), *Суе-цзян* каби шаҳар номлари келтирилган¹⁰.

Суйабдан кейин *Цян-цюан — Далоссе — Сяо-ку-чэн*¹¹ — *Бэй-шуй* (Исфижоб) — *Кунг-ю — Нучи-цзян* давлати — *Чже-ши* давлати каби ерларни босиб ўтган роҳиб уларнинг ҳар бирини алоҳида тасвирлайди¹². Шунданми, айрим олимлар ушбу манзилгоҳларни алоҳида ҳукмдорликлар сифатида талқин қиладилар. Аммо Сюан-цзан фақат *Нучи-цзян, Чже-ши* (Чоч), *Фей-хан* (Фарғона) ва *Сутлишана* (Уструшон)ни мамлакат (хит. го — давлат) сифатида тилга олганлигига аҳамият бериш керак¹³.

«Цян-цюан» номли жой аслида туркий Бинг-йул (луғ. «минг булоқ») топонимининг ўгирилган шаклидир¹⁴. Баъзилар Бинг-йулни Чоч ҳукмдорлиги атрофида ёки Таласда жойлашган деб ҳисобласалар

⁸ Б о б о ё р о в Ф. Чоч тарихидан лавҳалар... 82–83-бетлар.

⁹ В e a l S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records... 26-бет; E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... 116-бет.

¹⁰ Ch a v a n n e s E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Выпуск 6. Санкт-Петербург, 1903. 10-бет.

¹¹ *Сяо-ку-чэн* — «Кичик ёлғиз шаҳар» маъносини англатган ушбу манзилгоҳда турклар томонидан кўчириб келтирилган 300 та хитойлик оила яшаган. Хитойлик олим Чжоу Льян-гуан уни ҳозирги Кичик Жамбул шаҳар харобаси билан тенглаштирган (E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... 122-бет, 1-иктибос).

¹² В e a l S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records... 28–30-бетлар.

¹³ В e a l S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records... 28–30-бетлар; E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... 113–132-бетлар.

¹⁴ Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на буквы «Ж», «Ж», «Й». Москва, 1989. 244-бет; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Пратюркский язык — основа. Москва, Т. 6. 2006. 377-бет.

хам¹⁵, кўпчилик олимлар уни Авлиё-отадан 75 км шарқда ёки Мерке шаҳри яқинида бўлганини тахмин қиладилар¹⁶. Хуллас, Таласдан шарқда жойлашган Бинг-йул Чоч ҳукмдорлиги тасарруфига кирган ва у турк хоқонларининг ёзлик қароргоҳларидан бири бўлган¹⁷.

Роҳиб «*Цян-цюандан ғарбга 140–150 ли юргач, Далоссе шахрига келдик. Шаҳар айланаси 8–9 ли. Турли мамлакатлардан келган савдогарлар шаҳарда аралаш ҳолда яшайдилар. Маҳсулотлари ва иқлими Су-йе шуйники билан бир хил*» мазмунидаги маълумотни қолдиради¹⁸. Далоссе (Талас) шаҳрининг Чочга тегишли эканлиги ҳақида роҳиб ҳеч нарса демаган, аммо бошқа манбалар унинг Чоч ҳудудига кирганлигини кўрсатади (бу ҳақида бироз қуйида тўхталамиз).

Юқорида тилга олинган шаҳар ва давлатлар орасидан фақат *Нучи-цзян*нинг қаерда жойлашганлиги борасида турли фикрлар билдирилган. Шунга қарамай, тадқиқотчилар у мамлакат эмас, балки бирор-бир шаҳар бўлган деб ҳисоблайдилар¹⁹. Буни Нучи-цзян топонимида-

¹⁵ З у е в Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. 94–95-бетлар.

¹⁶ Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана. Бишкек, 2003. 64-бет; Д о с ы м б а е в а А. Мерке — сакральная земля тюрков Жетысу. Тараз. 2002.

¹⁷ Б и ч у р и н Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 1. Москва–Ленинград, 1950. 279, 288, 289-бетлар; Б и ч у р и н Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений... Т. 2. 313-бет; Chavannes E. Documents sur les... 58, 141-бет.

¹⁸ B e a l S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records...28-бет; E k r e m E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... 121–122-бетлар.

¹⁹ Кўпчилик тадқиқотчилар Нучи-цзянни *Нучкет / Нужкат* шаклида тиклайдилар ва уни араб манбаларида Шошдаги йирик шаҳарлардан бири сифатида учрайдиган *Нучкет* билан тенглаштирадилар. В.В. Бартольд Нучкетни ҳозирги Чирчиқ бекати билан, Б. Байтанаев Нучи-цзянни Чимкент билан тенглаштирадилар (Б а р т о л ь д В.В. Сочинения в 9 томах. Т. 2. Москва, 1963. 231-бет; Б а й т а н а е в Б. А. Вопросы локализации Нуджикета // Новые исследования по археологии Казахстана. Труды научно-практической конференции «Маргулановские чтения-15». Алматы, 2004. 67–70-бетлар). Ф.Бобоёров хитой манбаларида келтирилган ўлчамлардан келиб чиқиб, ҳар иккала олимнинг талқинларига қўшилмаган ва бу масала ҳалигача очиқ қолмоқда деб ҳисоблаган (Б о б о ё р о в Ф. Чоч тарихидан лавҳалар... 31-бет, 2-иқтибос). Шуниси қизиқки, Чоч ва Нучи-цзянни тасвирлаган роҳиб ҳар иккаласининг ҳам тупроғи ва иқлим шароити бир хил эканлиги, иккаласининг ҳам айланаси 1000 лидан кўплиги, ҳар иккаласида ҳам алоҳида бошқарувчига эга ўнга яқин (ҳатто, Нучи-цзянда 100 га яқин?) шаҳарларнинг мавжудлигини таъкидлаган. Бизнингча, роҳибнинг хотираларини ёзган унинг шоғирдлари қандайдир хатоликка йўл қўйган бўлишлари керак. Чунки ҳар иккаласи ҳам худди трафарет шаклида ёзилган. Қолаверса, ёзма манбаларда Еттисув, Чоч, Уструшона ҳудудларида жойлашган бир неча Нучикат — «Янги шаҳар»ларнинг учраши унинг ўрнини аниқлашда қийинчилик туғдиради. Бироқ шуниси аниқки, битта шаҳар ёки давлатда шаҳарларнинг 100 га яқин бўлиши ўша давр учун хос эмас эди ва бу ҳам Нучи-цзян мамлакат эмас, бирорта шаҳар бўлганини тасдиқлайди.

ги *-цзян* кўшимчаси суғдча «шаҳар»ни англатувчи *-кат/канд* атама-сининг хитой тилига ўгирилган шакли эканлиги²⁰, Сюан-цзан Нучи-цзяндан бошқа *Далоссе* (Талас), *Сяо-ку-чэн*, *Бэй-шуй* (Исфижоб), *Кунг-ю* каби жой номларини хитойча «шаҳар»ни англатувчи *-чэн* кўшимчаси билан берганлиги ҳам тасдиқлайди.

Нучи-цзяндан кейин Чочга етиб келган²¹ роҳиб уни шундай тас-вирлайди: «*Чже-ши (Чоч) мамлакатининг айланаси 1000 ли атрофида бўлиб, ғарби Йе дарёси (Сирдарё)га туташган. [Ушбу мамлакатнинг] шарқий ва ғарбий томони тор, шимолий ва жанубий томонлари эса кенг-дир. Тупроғининг унумдорлиги ва иқлим шароити Нучи-цзян мамлакати билан бир хил. Ўнга яқин шаҳарлар мавжуд бўлиб, ҳар бирининг алоҳида бошқарувчиси бор. Умумий бир ҳукмдорга эга эмас. Вассал сифатида тук-юе (турк)ларга тобедирлар. Бу ердан 1000 ли дан зиёд жануби-шарқ томон юрилгач, Фэй-хан (Фарғона) номли мамлакатга борилади*»²².

Роҳибнинг «*Чочда ўнга яқин шаҳарлар мавжуд бўлиб, ҳар бирининг алоҳида бошқарувчиси бор*» тарзидаги маълумоти асосида мутахассислар илк ўрта асрларда Чоч марказий ҳукмдорга бўйсунувчи ва ўзининг алоҳида танга зарбига эга бир неча кичик ўлка (удел)ларга бўлиниб кетганлиги ҳақида хулоса чиқарганлар²³. Жумладан, Э.В. Ртвеладзе илк ўрта асрларга оид Чоч тангаларидаги 6 хил шакли тамгаларга таяниб, воҳада 6 та кичик ҳокимлик (удел)нинг мавжуд бўлганини илгари сурган. Шу асосда у тангалардаги суғдий ёзувлардан *Кабарна*, *Банокат*, *Тунуканд* (Тункат), *Фарнкат* каби топонимларни топишга ҳаракат қилган ва уларни воҳадаги маълум бир ҳокимликларнинг марказлари сифатида талқин қилган²⁴.

Бироқ кейинги йилларда Тошкент воҳасидан топилган юзлаб тангалардаги ёзувларнинг қайта ўқилиши туфайли Чочда зарб қилинган тангалар аслида 7 гуруҳдан иборатлиги, улардан 3 таси Турк хоқонлигига, қолган 3 таси эса бевосита Чоч сулолаларига тегишли экан-

²⁰ Lu rje P. V. The element-kath/kand in the place names of Transoxiana // Studia Iranica, t. 32, fascicule 2, 2003. 185–212-бетлар.

²¹ Нучи-цзян ва Чже-ши (Чоч) оралигида бирорта шаҳар ёки манзилгоҳ бўлганми-йўқми, аниқ эмас.

²² Beal S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records... 30-бет; Ekrem E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... 121–122-бетлар.

²³ Буряков Ю. Ф., Филанович М. И. Чач и Илак // Средняя Азия в раннем средневековье. Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Москва, 1999. 80-бет.

²⁴ У истоков древней культуры Ташкента. Ташкент, 1982. 31–38-бетлар; Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ, № 8. Ташкент, 1982. 31–38-бетлар.

лиги аниқланди. Фақат улардан бир гуруҳининг ёзуви ҳали тўлиқ тикланмагани боис, қайси сулолага тегишли эканлиги аниқланмай қолмоқда²⁵. Шунингдек, «Тан-шу»да *Суду* (Уштуркат?) шаҳри Инйе даган (*турк.* Инал тархон) номли ҳоким томонидан бошқарилгани ва у Шу-жу шад исмли Чоч ҳукмдори (эҳтимол, Тегинлар сулоласи)га бўйсунгани қайд этилган²⁶. Бундан VII аср бошларида Чочдаги ўнга яқин катта шаҳарлар (жумладан, *Кабарна*, *Банокат*, *Тункат*, *Фарнкат*)нинг ҳар бири ўз ҳокимига эга бўлган, бироқ ҳаммаси ягона олий ҳукмдор ва унинг ноибига бўйсунган, деган хулоса келиб чиқади.

Чочдан кейин Фарғонани тасвирлашга ўтган Сюан-цзан аслида у ерда бўлмаган. Агар роҳиб Фарғонада бўлганида эди, албатта, Илоқни²⁷ ҳам тилга оларди. Чунки Чочдан Фарғонага худди ҳозиргидек Оҳангарон водийси орқали ўтилган. Шу сабабли, Илоқ ҳақида Сюан-цзаннинг саёҳатномасида ҳам, унинг биографиясида ҳам ҳеч қандай маълумот учрамайди. Бироқ бошқа хитой роҳиби Хуэй Чао (726 й.)нинг эсдаликларида Илоқ Ло шаклида, аниқроғи, *Шу-Ло* — Чоч-Илоқ тарзида қайд этилган бўлиши керак²⁸.

Хўш, VII асрда Илоқнинг мавқеи қандай бўлган? Археолог Ю.Ф. Бурыковнинг фикрича, Турк хоқонлиги ва Эфталитлар ўртасидаги жанг ва умуман хоқонлик қўшинларининг Амударё—Сирдарё оралигидаги воҳа ҳукмдорликларига юришлари натижасида воҳанинг жанубидаги Илоқ Чочдан мустақил ҳукмдорлик сифатида вақтинча ажралиб чиққан²⁹. Бошқа тадқиқотида эса археолог Элтариш хоқон (682—691)нинг Фарбий Турк хоқонлигини 10 аймаққа бўлиши оқибатида Чоч икки қисм-га — «тудун»лар бошқарган шимолий, «деҳқон»лар бошқарган жанубий (Илоқ) қисмларга бўлинганини таъкидлайди³⁰.

²⁵ Баба яров Г. Древнетюркские монеты... 86—92-бетлар.

²⁶ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. 1. 292-бет; Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар... 46-бет.

²⁷ Чочнинг жануби-шарқидаги Чотқол-Курама тоғларидан бошланувчи Оҳангарон дарёси ҳавзалари илк ўрта асрларда «Илоқ» номи билан аталган. Кўпчилик олимлар ушбу топонимни дастлаб гидроним бўлган деб ҳисоблайдилар. *Яъни*, *Илақ*, *Илек* ва *Ила* номларининг ўзаги битта бўлиб, қадимги туркчада дарё ва ирмоқларга нисбатан қўлланилган (Бобоёров Ф.Б. Илк ўрта асрларда Чоч воҳасида туркий топонимлар // Ўзбекистон урбанистик маданияти. Халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2003. 112-бет).

²⁸ Зуев Ю. А. Ранние тюрки... 158-бет.

²⁹ Бурыков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982. 122-бет.

³⁰ Бурыков Ю. Ф. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. № 3. Ташкент, 2002. 13-бет.

Аммо юқоридаги хулосалар бирорта ёзма манба маълумотлари ёрдамида асосланмаган. Айниқса, Элтариш хоқоннинг ўз ҳудудини 10 аймаққа бўлганлиги масаласи ўша даврдаги ҳеч бир манбада учрамайди. Тўғри, IX–X асрларга оид Истаҳрий, Ибн Хавқал ва «Худуд ул-олам» асарларида Илоқ, кўпинча, Чочдан мустақил сиёсий вилоят сифатида кўрсатилса-да³¹, бироқ унинг Чочга тегишли эканлиги мазкур манбаларда алоҳида қайд этилади³². Чунончи, биргина Истаҳрийнинг қуйидаги маълумоти Чочнинг бир бутун сиёсий тузилма эканлини тасдиқлайди: *«Шош ва Илоқ қўшилган бўлиб, улар ўртасида ҳеч қандай бўлиниш йўқ. Иморатлар, боғлар, бўстонлар Илоқдан то Чоч воҳасигача узлуксиз чўзилиб боради»*³³.

Таъкидлаш керакки, хитой роҳиблари баъзи ҳукмдорликларда шахсан ўзи бўлмаган, улар ҳақида эшитганларини ёзиб қолдирган. Роҳибнинг бошқа маълумотлари ҳам у келгунига қадар ўн йиллар давомида юз берган. Демак, Сюан-цзаннинг барча қайдлари ҳам аниқ ва бир даврга оид маълумотлар эмас³⁴. Шу боисдан, хитой йилномалари ва бошқа тиллардаги маълумотларга ҳам эътибор қаратиш зарур.

Хитой қўмондони Ду-хуан хотираларидаги қайдлар. «Син Тан-шу»да Чочга қўшни бўлган ўлкалар ҳақида шундай қайдлар бор: *«Ши ёки Чже-чжи ва Чже-ши (Чоч) ҳукмдорлиги Хан сулоласи даврида Даюан (Фарғона)нинг шимолий чегараларини ташкил этар эди; пойтахт (Чаньан)дан 9000 ли узоқликда, шимоли-шарқда Фарбий тукю-е (турк)ларга, шимоли-ғарбда Бо-ла (Фароб)га туташади. Жанубида 200 ли (114 км) узоқликда Цзюй-чжан-ти (Хўжанд), жануби-ғарбида эса 500 ли (280 км) узоқликда Кан (Самарқанд) мамлакати жойлашган. Ушбу мамлакатнинг кенлиги 1000 ли атрофида бўлиб, унинг ўнг томони Суй-е*

³¹ Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. Тошкент, 2008. 17–18-бетлар.

³² Истаҳри. Китаб масалик ал-мамалик // Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана. Бишкек, 2002. 24, 33–35-бетлар; Камолддин Ш. С. О северных границах средневековой области аш-Шаша (по данным Ибн Хаукала). Ташкент, 2009. 60-бет.

³³ Истаҳри. Китаб масалик ал-мамалик... 24, 33–35-бетлар.

³⁴ Хитой роҳиблари ва йилномачилари минтақадаги сиёсий воқеликлар ҳамда маъмурий-ҳудудий бўлинишлардан ҳар доим ҳам яхши хабардор бўлавермаганлар. Бунга биргина Нучи-цзян номли давлатнинг бошқа ҳеч қайси манбада учрамаслиги ҳам мисол бўла олади.

(Сирдарё) дарёсига³⁵ туташади. Чжэ-чжи (Чоч) шахрининг жануби-ғарбида Йо-ша дарёси бўлиб, у шахарга киради (томон оқади). Ўрталик давлат (Хитой)да бу дарёни Чжэн-чжу-хэ ёки Чжи-хэ деб атайдилар. Жануби-шарқида катта тоғлар жойлашган бўлиб, улар се-се (феруза) тошларига эга»³⁶.

Хитойшунослар «Син Тан-шу»да акс этган Ғарбий ўлкалар ҳақидаги юқоридаги каби маълумотлар 751 йилда Талас жангида асирга тушган Ду-хуан исмли хитойлик кўмондон (751–762)нинг эсдаликлари асосида ёзилганини аниқлаганлар. Демак, «Ду-хуан саёҳати қайдлари» асаридаги маълумотлар «Син Тан-шу»га нисбатан бирмунча аниқлиги билан аҳамиятли. Чунончи, «Син Тан-шу»да тилга олинган Чочдаги дарёлар аслида иккита алоҳида дарё: *Чжэн-чжу-хэ* (Сирдарё) ва *Чжи-хэ* (Чирчиқ) эканлигини «Ду-хуан саёҳати қайдлари»даги қуйидаги маълумот тасдиқлайди: *«Бу давлат (Чоч)да иккита дарё бор: улардан бири Чжэн-чжу-хэ, бошқаси Чжи-хэ деб аталади. Ҳар иккиси ҳам шимоли-ғарбга қараб оқади. Унинг ҳудуди текис ва очик, у ерда мевалар кўп, зотдор итлар ва отлар бор»³⁷.*

Шунингдек, Чочнинг шимоли-шарқий ҳудудлари ҳақида Ду-хуан шундай ёзган: *«Далоссе (Талас) Ши давлатининг катта савдо маркази ҳисобланади. Бу ерда Тянь-бао ҳукмронлигининг ўнинчи йили (751 й.) Гао Сяньчжи бошчилигидаги қўшин мағлубиятга учради»³⁸.* «Тан-шу»да

³⁵ Хитой анъанасига кўра, ўнг томон (хит. ю) ғарбни билдиради (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. 3. 156-бет; Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi, № 1. Ташкент, 2005. 11-бет). Чочнинг ғарбида эса фақат Сирдарё дарёси жойлашган бўлиб, уни Еттисувдаги Чу (Суйаб) дарёси билан адаштирмастик керак. Чу (Суйаб) дарёси хитой манбаларида Суй-е тарзида қайд этилганини назарда тутган баъзи тадқиқотчилар Чочнинг ҳудуди шарқда Еттисувгача туташганлиги ҳақида нотўғри хулосага келганлар (Боровкова Л. А. Запад Центральной Азии в II в. до н. э. – VII в. н.э. Москва, 1989. 135-бет; Бобоев Ф. Чоч тарихидан лавҳалар... 30-бет, 2-иктибос).

³⁶ Н.Я. Бичурин мазкур парчани «жануби-ғарбида Йоша дарёси бўлиб, у Ўрталик (Хитой) давлатига томон оқади» тарзида нотўғри таржима қилган (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. 2. 313-бет). Аслида хитой муаррихлари Чочдаги ҳамма дарёларнинг шарқдан ғарбга томон оқишини қайд этганлар (Chavannes E. Documents sur les... 140–141-бетлар; Ходжаев А. Наиболее ранние сведения... 8-бет).

³⁷ Екрем Е. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... 126–127-бетлар; Баъзи тадқиқотчилар эса ушбу дарёларни Норин, Талас ёки Арис дарёлари билан тенглаштирганлар (Ходжаев А. Наиболее ранние сведения... 3–5, 11–12-бетлар; Камолиддин Ш. С. О северных границах... 61-бет).

³⁸ Ходжаев А. Наиболее ранние сведения... 11-бет.

эса Далоссе³⁹ шахрида Чоч ҳукмдорлари мунтазам равишда ўз гарнизонини сақлаганликлари қайд этилган⁴⁰. Демак, аввал Қанғ салтанати тасарруфида бўлган Талас шаҳри кейинроқ унинг вориси бўлмиш Чоч ҳукмдорлиги таркибига кирган. Шундан бўлса керак, 751 йилда Чоч ҳукмдорининг ўғли Тан қўшинларига қарши Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги араб қўшинларини айнан Талас яқинига олиб келган⁴¹. X–XI асрларга оид араб манбалари ҳам Фаробдан то Тароз (Талас)гача бўлган ерлар Чоч худудига кирганлигини тасдиқлайди⁴².

Сугд элчиси Фатуфарн мактубидаги қайдлар. Чочнинг чегаралари ҳақида Панж ҳокими Деваштичнинг Чочга юборган элчиси Фатуфарннинг маълумотлари ҳам диққатга сазовор⁴³. Хусусан, Чочнинг жануби-ғарбидаги «Чодрчик ерлари» жумласи эътиборга лойиқ. Сугдшунос В.А. Лившиц «Чодрчик» (*сугд. с'δ рык*) атамасини муайян бир географик тушунча сифатида Чочдан қуйида⁴⁴, унинг жанубида жойлашган ерларни сўроқ ишораси билан Чирчиқ тарзида талқин қилган⁴⁵. Аммо бошқа сугдшунослар Чирчиқ дарёси илк ўрта асрларда

³⁹ Н.Я. Бичурин мазкур шаҳар номини *Хылос* шаклида таржима қилган (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Т. 1. 347-бет; Т. 2. 314-бет).

⁴⁰ Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Т. 2. 314-бет; Chavannes E. Documents sur les... 144-бет.

⁴¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Т. 2. 314-бет; Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Та'рих («Полный свод истории»). Избранные отрывки. Перевод с араб., примечание и комментарий П. Г. Булгакова. Доп. к переводу, примечанию. и комментарий, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент—Цюрих, 2005. 22-бет.

⁴² Извлечения из «Нузхат ал-муштак фи ихтирак ал-афак или Китаб Роджер» ал-Идриси // МИТТ. Т. 1. VII–XV вв. Арабские и персидские источники. Москва–Ленинград, 1939. 222-бет; Закиров Ш. Якут и его сведения о тюркских городах Верхней Сырдарьи и Восточного Туркестана в «Словаре стран» // Проблемы истории и культуры народов Средней Азии и Зарубежного Востока. Ташкент, 1991. 121-бет.

⁴³ Муғ қалъасидан топилган сугдий ҳужжатлар орасида А-14 рақами билан рўйхатга олинган ушбу мактуб сўнгги тадқиқотларга кўра 722 йилнинг июль ойида ёзилгани аниқланди (Grenet F., de la Vaisiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. Kamakura, 2002. 169-171, 179-бетлар).

⁴⁴ *С'δ рык* — сугдча *с'δ r* «ост, тағ» маъноларини англантиб, унга от ва равишдан сифат ясовчи сугдча *-рык* кўшимчаси (суффикси) кўшилган. Ушбу суффикс кўпинча сугдий матнларда нисба ва этнонимларни англатувчи атамаларга кўшилган ҳолда учрайди (Ghagib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. Tehran, 1995. 123-бет. Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. Дис. канд. фил. наук. Санкт-Петербург, 2004. 63-бет).

⁴⁵ Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Выпуск II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва, 1962. 87-бет.

Парак номи билан аталганини ҳисобга олиб, В.А. Лившицнинг хулосасига қўшилмайдилар⁴⁶.

Чодрчикни Уструшонадан алоҳида ҳудуд эканлигини илгари сурган суғдшунос М. Исҳоқов уни ҳозирги Зомин, Мирзачўл, Жиззах музофотлари билан тенглаштиради ва ўз хулосасини Суғд ихшидлиги вилоятлари қаторида Зомин, Мирзачўл, Жиззах ҳудудлари умуман тилга олинмаганлиги билан асослайди⁴⁷. Агар хитой йилномаларида акс этган Чочнинг «*жануби-ғарбида 500 ли (280 км) узоқликда Кан (Самарқанд) мамлакати жойлашган*»лиги⁴⁸ ҳақидаги қайдларга диққат қилинса, юқоридаги хулоса бирмунча ўз тасдиғини топиши мумкин. Лекин бу даврда Самарқанд ва Хўжанд орасидаги ҳудуд, қолаверса, Зомин ҳам Уструшона ҳукмдорлигига кирган⁴⁹. Бунинг устига, Сюан-цзан Уструшона ва Самарқанд ҳукмдорликлари ўртасида *Да-ша-чи* (Буюк Қум кўли)⁵⁰ даштлиги борлигини қайд этган⁵¹, аммо унинг бирор-бир ҳукмдорликка тегишли ёки аксинчалиги ҳақида ҳеч нарса демаган. Хуллас, VII–VIII асрларда Чочнинг Зомин, Мирзачўл ва Жиззах ерлари устидан ўз сиёсий ҳукмронлигини ўрнатганлиги масаласи исботталабдир.

Фатуфарннинг мактубида Чоч ҳудуди билан боғлиқ яна бир жой номи учрайди. Ундаги «*Жаноб тудун Тарбанд (суғд. t'rβ nt) билан битим тузган эди. У ердаги ҳамма жойларни ўз тасарруфига олди*» тарзидаги жумлалар⁵² асосида В.А. Лившиц 718–719 йилларда Чоч тудуни Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларидаги катта ерлар — воҳанинг шимолидан то Тарбандгача бўлган ҳудудни ўз кўли остига бирлаштиради деган хулосага келади⁵³.

⁴⁶ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. Москва, 1970. 229-бет, 61-иктибос; Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ... 63-бет.

⁴⁷ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент, 1992. 11–12-бетлар.

⁴⁸ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. 2. 313-бет; Chavannes E. Documents sur les... 140–141-бетлар.

⁴⁹ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. I. Москва, 1963. 211-бет.

⁵⁰ Мутахассислар *Да-ша-чини* Жиззах ва Зомин оралиғида жойлашган, араб манбаларида «Очлик дашти» номи билан маълум бўлган Мирзачўл дашти бўлган деб ҳисоблайдилар (Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинения в 9 томах. Т. I. Москва, 1963; Ekrem E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... S. 131, 1-иктибос).

⁵¹ Beal S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records... P. 32; Ekrem E. Hsuan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 131.

⁵² Согдийские документы... 78–79, 82-бетлар.

⁵³ Согдийские документы... 82-бет; Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург, 2008. 86-бет; Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы ... 123-бет; Буряков Ю. Ф., Филанович М. И. Чачи Илак... 79-бет.

Бироқ ушбу хулоса ўша даврдаги реал воқеликка қанчалик мос келади? Бунинг учун хитой йилномалари, қадимги турк битиктошлари ва араб манбаларига ҳам мурожаат қилиш керак. Қадимги турк битиктошларида Турк хоқонлигининг ғарбий чегаралари сифатида *Кангу Тарман* (қад. турк. *kaŋu tarman*) номли жой тилга олинади⁵⁴. Турколог С.Г. Кляшторний Кангу Тарманни Балазурий ва Табарийларнинг асарларида учрайдиган Тарбанд шаҳри билан тенглаштирган ва уни Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида жойлашган Ўтрор ёки унинг яна бошқа номи Турорбанд шаҳри билан бир деб ҳисоблаган⁵⁵. Ундан олдин шарқшунос Д.Г. Мюллер ҳам Тарбандни Ўтрор билан тенглаштириб, Тарбанд топоними Турорбанднинг сиқилган шакли эканлигини илгари сурган эди⁵⁶.

Хуллас, кўпчилик олимлар мазкур топонимнинг биринчи қисми — *Кангу/Кэнгу* атамаси қанғлар ва уларнинг вориси қанғарларга ишора эканлиги ҳақида бир тўхтамга келган бўлсалар-да⁵⁷, баъзи фарқли фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, қадимги турк битиктошларида топонимлар қўшалок тарзда берилмаслигига эътибор қаратган Ю.А. Зуев *Кангу* ва *Тарман* атамалари алоҳида-алоҳида шаҳарларни англатган деб ҳисоблайди. У *Кангу* топонимини Сюан-цзан тилга олган *Кунг-ю* шаҳри билан тенглаштирган ва ушбу шаҳарни Кунгу—Канцзюй—Қанғ шаклида тиклаган⁵⁸. Аммо олим Тарман ўрта асрлардаги Ўтрор шаҳрининг бошқа номи эканлигини инкор этмаган⁵⁹.

Кангу Тарманнинг иккинчи қисми — *Тарман/Тарбан* атамаси ҳақида ҳам баҳслар ҳалигача давом этмоқда. Ўз даврида суғдшунос О.И. Смирнова Тарбанд топонимидаги *банд* атамаси эроний тилларда «застава», туркий тилларда «қопқа, қапуғ»ни билдирган деб таъкидлаб, С.Г. Кляшторнийнинг юқоридаги хулосасига қарши чиқ-

⁵⁴ Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследование. Москва-Ленинград, 1951. 39-бет.

⁵⁵ Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. Москва, 1964. 125, 155–156, 163, 179-бетлар.

⁵⁶ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда... 236-бетлар.

⁵⁷ Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники... 155–156-бетлар; Байпаков К. М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. Алматы, 2010. 63-бет.

⁵⁸ Зуев Ю. А. Ранние тюрки... 96–97, 175–176-бетлар. М.И. Филанович ҳам Гуньюнинг Қанқа ёдгорлиги бўлиши кераклиги ҳақида эҳтимолни илгари сурган (Филанович М. И. Древняя и средневековая история Ташкента... 26-бет).

⁵⁹ Зуев Ю. А. Ранние тюрки... 175-бет.

қан⁶⁰. Шу сабабли, аксарият мутахассислар бу борада араб манбаларига мурожаат қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам, IX–XI асрларга оид араб географларининг асарларида Тарбанд ва Ўтрор ҳақида маълумотлар учрайди. Чунончи, ал-Балазурий (IX аср) 712 йилда Шош подшоси *Тарбанд* шаҳрида яшаганини қайд этган⁶¹. Табарий эса Шош минтақаси ҳақида ёзар экан, икки марта *Тарбандни*, Хорис ибн Сурайж қочиборган *Фароб* ва ўлпон тўлашдан бош тортган *Ўтрорбандни* тилга олган⁶². Табарийнинг ушбу маълумотларида чалкашликка йўл қўйилган деб ҳисоблаган баъзи мутахассисларнинг фикрича, Ўтрор ва Фароб аслида битта шаҳар, аммо VI–VIII асрларда Ўтрор Чоч воҳасининг энг узоқдаги кичик шаҳарларидан бири бўлган, Шошнинг йирик иқтисодий марказларидан бири Тарбанд эса Тошкент воҳасида жойлашганлиги ҳақида хулоса чиқарганлар⁶³.

Аммо араб географи Ёкут ал-Ҳамавийнинг қуйидаги маълумотлари бу хулосани инкор этади: 1) «*Ўтрор — шаҳар-қалъа ва кенг округнинг номидир. Мовароуннаҳр туркларининг чегараси бошланишида, Сайхун дарёси бўйида, Фароб яқинида жойлашган*». 2) «*Турорбанд — Сайхун дарёсидан наридаги шаҳар, Шошнинг энг чекка шаҳарларидан бўлиб, (ундан кейин) Туркистон бошланади. Бу Мовароуннаҳрнинг сўнги ислом шаҳридир. Ушбу мамлакатнинг аҳолиси бу номни турлича таллаффуз қиладилар, Турор ва Ўтрор тарзида атайдилар*». 3) «*Бароб — Сайхундан наридаги кенг округ. Фароб деб ҳам аташади*»⁶⁴.

⁶⁰ XVIII асрга оид қўлёзмалардан бирида Ўтрор Шимолий Тожикистондаги Ўратепа шаҳри билан тенглаштирилган. Шарқшунос В.Ф. Минорский Тарбандни «Худуд ул-олам» асарида тилга олинган Зарнух шаҳри билан бир деб ҳисоблаб, унинг Уструшона ҳудудида жойлашганини тахмин қилган (С м и р н о в а О. И. Очерки из истории Согда... 237–238-бетлар, 85-, 87-иқтибос). Айрим тадқиқотчилар ўз даврида Тарбандни Тошкентдаги Мингўрик ёдгорлиги билан тенглаштирган эдилар (М а с с о н М. Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. Ташкент, 1953. 41-бет; Б у р я к о в Ю. Ф., З и л ь п е р Д. Г. Археологические наблюдения в 1957 г. на городище Мингурюк в Ташкенте // Труды ТашГУ, вып. 172. Ташкент, 1960. 143-бет).

⁶¹ a l - B e l a d s o r i, Ahmed ibn Jahja ibn Djabir. Liber expugna tionis regionum / quem e codice Leidensi et codice Musei Britannici / Ed. M. J. de Goeje, Lugduni-Batavorum, 1863. 421-бет.

⁶² История ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова. Ташкент, 1987. 212, 215, 269-бетлар.

⁶³ Богомолов Г. И., Мусакаева А. А. К вопросу о локализации Тарбанди и его названии // Ташкент: вчера и сегодня. Ташкент, 2007. 67–68-бетлар.

⁶⁴ З а к и р о в Ш. Йакут и его сведения о тюркских городах... 118-бет.

Бароб/Фароб Сирдарёнинг нариги томонида, Арис дарёсининг қуйи ҳавзаларида жойлашган округ эканлигини унинг этимологияси ҳам тасдиқлайди⁶⁵. Ушбу округнинг маркази эса ҳозирги Ўтрор шаҳар харобасига тўғри келади⁶⁶. Тадқиқотчилар Ўтрор топонимининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрларни билдирганлар⁶⁷. Бизнингча, Ўтрор топоними туркий тилларда «қўрғон», «мустаҳкам турар-жой, манзилгоҳ», «шаҳар» ва «қишлоқ»ни англатувчи *tura* атамасидан шаклланган⁶⁸. Ёқут ал-Ҳамавий ҳам Турор ва Ўтрор номлари Турорбанд шаҳрининг бошқа номлари эканини ёзган. Хуллас, Ўтрор, Турор, Тарбанд топонимлари аслида Турорбанд бўлиб, у Чочга қарашли Бароб/Фароб округининг маркази ҳисобланган ва бир муддат Чоч тунларининг қароргоҳи вазифасини ўтаган.

Ўтрор воҳасидан топилган илк ўрта асрларга оид тангаларни мутахассислар маҳаллий сулола томонидан зарб этилган деб ҳисоблайдилар⁶⁹.

⁶⁵ Ш у х о в ц о в В. К. Несколько заметок по топонимике Южного Казахстана // Материалы Республиканской научно-практической конференции молодых ученых по общественным наукам. Алма-Ата, 1978. 152-бет; Л у р ь е П. Б. Историко-лингвистический анализ... 147-бет.

⁶⁶ А к и ш е в К. А., Б а й п а к о в К. М., Е р з а к о в и ч Л. Б. Древний Отрар. Алма-Ата, 1972. 26–43-бетлар; З у е в Ю. А. Ранние тюрки... 175-бет; Л и в ш и ц В. А. Согдийская эпиграфика... 90-бет.

⁶⁷ А г а д ж а н о в А. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX–XIII вв. Ашхабад, 1969. 88-бет; М у р з а е в Э. М. Избранная тюркская географическая лексика // Ономастика Востока. Москва, 1980. 83-бет; Б а й п а к о в К. М. Среднее течение Сырдарьи // Средняя Азия в раннем средневековье. Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Москва, 1999. 166-бет.

⁶⁸ Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969. 587–588-бетлар; Д ы б о А. В. Лингвистические контакты ранних тюрков: лексический фонд: пратюркский период. Москва, 2007. 117–118-бетлар.

⁶⁹ Яқин вақтларгача тангалардаги тамға «н+уш» ва «ат» маъносини билдирувчи монограмма сифатида талқин қилиниб келинди (Б у р н а ш е в а Р. З. Монеты раннего средневековья с городища Отрар-тобе и Отрарского оазиса (1969–1972 гг.) // Древности Казахстана. Алма-Ата, 1975. 60–69-бетлар; Б а й п а к о в К. М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты... 60-бет). Кейинроқ бошқа нумизматлар Ўтрор тангаларидан бирида сугдий ёзувида *trwk/ik(ʸn)? trwduc* ... — «Тарбандлик (Тарбандга тегишли) турк/тегин?» ва ... *(x)wv* ... — «хукмдор» жумлалари битилганлигини аниқлаган эдилар (Б а б а я р о в Г., К у б а т и н А. К новой интерпретации легенды на доисламских монетах Отырара с изображением льва // Материалы международной научной конференции «Археология Казахстана в эпоху независимости: итоги, перспективы», посвященной 20-летию Независимости Республики Казахстан и 20-летию Института археологии им. А. Х. Маргулана. Т. III. Алматы, 2011. 147–151-бетлар. Бироқ сўнги изланишлар бу талқинларнинг хато эканини кўрсатмоқда (B a b a y a r o v G. On the Pre-Islamic Coins of Otrar (Southern Kazakhstan) // <http://www.groups.yahoo.com/group/Sogdian-L> (November, 2013)).

Айнан шу хулоса ва бошқа материалларга таяниб, тадқиқотчилар Фароб, Тарбанд/Кангу Тарман, Исфижоб кабиларни мустақил ҳукмдорликлар бўлган деб қарайдилар⁷⁰. Бироқ ёзма манбаларда ҳозирги Ўтрор ва унга яқин воҳаларда бирор-бир ҳукмдорлик ёки сулола мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумот учрамайди. Аксинча, манбаларда Тарбанднинг Чоч тудунининг қароргоҳи бўлганлиги, унинг яқинидаги Талас, Исфижоб кабилар ҳам Чочга тегишли эканлиги қайд этилган⁷¹. Бу борада, айниқса, Ибн Ҳавқалнинг ушбу маълумотлари муҳим: «*Мовароуннаҳрда катта округлар ва кенг вилоятлар бор. ...Бароб ва Исбижоб ҳамда ат-Тароз ва Илоққача бўлган [ерларга] келсак, у ҳолда уларнинг барчаси аш-Шошга [тегишлидир]*»⁷².

Хуллас, ёзма манбаларда аслида ягона Чоч давлати ва унинг таркибидаги Бароб, Исфижоб, Талас ва Илоқ каби вилоятлар ва уларнинг марказлари ҳисобланган шаҳарлар ҳақида маълумотлар қайд этилган. Шундай экан, Чоч ҳукмдорлигига ҳозирги Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон (Чимкент) ва Жамбул (Тароз) вилоятлари ҳамда Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти кирган.

⁷⁰ Байпаков К. М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты... 60–63-бетлар; Бобоёров Ф. Б. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фан. док. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс-я. Тошкент, 2012. 234–235-бетлар.

⁷¹ Согдийские документы... 78–79, 82-бетлар; Бичурин Н. Я. Собрание сведений... Т. 1. 347-бет; Т. 2. 314-бет.

⁷² Камолитдин Ш. С. О северных границах... 60-бет.

М. ХАТАМОВА

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЧОЧ ҲУКМДОРЛИГИНИНГ
ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ**

(Сайёҳ ва элчиларнинг хотиралари асосида)

Мақолада Сюан-цзан, Ду-хуан ва Фатуфарн хотиралари асосида илк ўрта асрларда Чоч ягона ҳукмдорлик ҳисобланиб, ўз ичига Бароб/Фароб, Исфижоб, Талас ва Илоқ вилоятларини олганлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Чоч ҳукмдорлиги, Бинг-йул, Нучи-цзян, Илоқ, Талас, Чодр-чик, Тарбанд, Кангу Тарман, Ўтрор, Фароб, Сюан-цзан, Ду-хуан, Фатуфарн.

М. ХАТАМОВА

**ИСТОРИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЧАЧСКОГО ВЛАДЕНИЯ
В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ**

(По воспоминаниям путешественников и послов)

В статье на основании воспоминаний Сюан-цзана, Ду-хуана и Фатуфарна описано, что в период раннего средневековья Чач был единственным владением и включал в себя области Бараба/Фараба, Исфиджаба, Таласа и Илака.

М. ХАТАМОВА

**HISTORICAL-GEOGRAPHIC DESCRIPTION OF GHACH KINGDOM
IN EARLY MEDIEVAL PERIOD**

(On the base of memoires of travelers and ambassadors)

In the article the author tries to give arguments on the base of memoires of Hsuan-tsang, Du-xuan and Fatufarn studied that the Chach Kingdom in Early Medieval period consisted of Farab/Barab, Isfijab, Talas and Ilak.

Н. АЛЛАЕВА

XIX АСР ХИВА ХОНЛИГИДА ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ: ЭРОН ЭЛЧИСИНИНГ САФАР ТАФСИЛОТЛАРИ

Хива хонлиги ташкил топган даврдан бошлаб (XVI аср бошлари), Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида, қўшни давлатлар билан қизгин алоқалар олиб борган. Жумладан, Хива — Эрон дипломатик муносабатлари нафақат икки давлат, балки минтақада юз берган воқеа-ҳодисаларга бевосита таъсир кўрсатган. XIX асрга келиб, улар ўртасидаги муносабатлар янги босқичга ўтган эдики, бу ҳолат дипломатик тартиб-қоидалардан тортиб, музокара мавзуигача бўлган жараёнларда ўз аксини топган. Шу жиҳатдан, Хива хонлигида Эрон элчиларини қабул қилиш масаласини тадқиқ этиш, ўз навбатида, ўзаро муносабатлар динамикасини кузатиш ҳамда ўша давр тарихий воқелигининг жонли манзарасини яратишга имкон беради. Мақолада, 1842 йилда Хоразмга ташриф буюрган Муҳаммад Алихон Фафур ҳамда 1851 йилда келган Ризоқулихон Ҳидоят бошчилигидаги Эрон элчилиги мисолида Хива хонлигида дипломатик хизмат кўрсатиш масаласини ёритиш мақсад қилиб қўйилган. Ушбу жараён мазкур элчиларнинг ҳисоботлари ва сафар тафсилотларини таҳлил қилиш асосида очиб берилган¹.

Қабул маросимининг ташкилий жиҳатлари

Элчиларни кутиб олиш ва жойлаштириш. Элчилик хизмати бир неча босқичдан иборат бўлиб, бу элчиларни чегара ҳудудда кутиб олишдан тортиб, уларни дастлабки нуқтага қайта кузатиб қўйгунча бўлган жараённи ўз ичига олган². Ўз ўрнида кўрсатиб ўтиш жоизки, иккинчи томондан юборилаётган элчи амалда биринчи томоннинг элчилигига нисбатан жавоб ташрифи ҳисобланган. Хусусан, Эрондан Хоразмга юборилган элчилик таркибида шоҳ ҳузурида бўлиб қайтаёт-

¹ Хоразм сафари кундаликлари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. 236 бет.

² Элчилик хизматининг асосий босқичлари ҳақида батафсил қаранг: Аллаева Н. К вопросу посольского церемониала в среднеазиатских ханствах: основные этапы и правила этикета / Марказий Осиё тарихи замонавий медиоевистика талқинида. Проф. Розия Мукминова хотирасига бағишланган коллектив монография. Тошкент, 2013. 174–185-бетлар.

ган Хива хони вакили ҳам ўз юртига қайтган. Шу жиҳатдан, Эрондан қайтаётган Хива элчиси чегара ҳудудга етганда мезбонлик мақомига ўтиб, меҳмонларга хизмат кўрсатувчилар гуруҳининг аъзосига айланган.

Элчилик хизматининг дастлабки вазифаси элчиларни кутиб олиш бўлган. Хон саройидан анча узоқ масофада, аниқроғи чегара ҳудудда бошланган ушбу маросимнинг муҳимлиги шунда эдики, айнан шу босқичда ҳар икки томоннинг бир-бири ҳақидаги дастлабки таассуротлари шаклланган. Албатта, бу таассуротлар кўп ҳолларда элчиликнинг кейинги босқичларига, жумладан давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатган.

Хива чегараларига яқинлашган Муҳаммад Алихон улар билан келётган Хива элчиси Дурдибекнинг шаҳарга одам юбориб, элчиларнинг ташрифини маълум қилганлиги ҳақида ёзар экан, «у энди мезбонга айланган эди», деб таъкидлайди³. Шаҳарга кириб боришда ҳам маълум кўрсатмага риоя қилинган бўлиб, Хива ноиби Тўраҳон «тушдан сўнг кишиси орқали қани, бисмиллоҳ, келаверсинлар», деб юбортирганидан сўнг элчилар йўлга тушишган:

«Хивақ шаҳрининг бир фарсахлик ерига етганимизда Тўраҳон ўз маҳрами Бекниёз маҳрамга қўшиб, қирқта отлиқни истиқболимизга жўнатди. Масофаҳа ва таориф (қучоқлашиб кўришиш ва совға-салом алмашиш)дан сўнг Хивақ четигача бордик», деб хабар беради элчи⁴.

1851 йилда юборилган Эрон элчиси Ризоқулихон ҳам туркман дашти тугаб, Хоразм чегаралари бошланган ерда у билан юртига қайтаётган Хива элчиси Отаниёз маҳрам мезбонлик мақомида хизмат кўрсатишни бошлаганлигини қайд этади⁵.

Хорижий меҳмонларни имкон қадар дабдаба билан кутиб олишга ҳаракат қилган элчилик хизматидаги махсус кишилар гуруҳи уларнинг истиқболига чиқиб туришган. Жумладан, Муҳаммад Алихон

³ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан. 1842 йил) / Хоразм сафари кундаликлари ... 22-бет.

⁴ Ўша манба. 21-бет.

⁵ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан. 1851 йил) / Хоразм сафари кундаликлари ... 104, 107-бетлар.

«хазрат Хоразмшоҳ даргоҳининг улуғларидан бўлмиш ва хоннинг қизилбошлардан иборат соқчилар гвардияси бошлиғи Юсуфжон Оғо отлиқ аскарлари билан» уларни кутиб олишгани ҳақида ёзади⁶.

Ҳар иккала элчилик ҳам уларга турли «сафоли ҳовлилар ва боғлар» дан жой тайёрлаб қўйилгани ҳақида эслатиб ўтишган.

Шароити элчиларга маъқул келмаганда, хонга арз этилиб, меҳмонларнинг жойлари ўзгартирилган ҳоллар ҳам учрайди. Хусусан, Ризоқулихон ўзлари учун ажратилган жойнинг кўнгилларига ўтирмаганлигини хизматчиларга билдириши билан хон уларни Гандумкон заминида жойлашган шоҳона боғ ва олий иморатига кўчиришни буюрганлигини қайд этади⁷.

Кундалик харажатларга пул ажратиш масаласи ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, элчиларга хизмат кўрсатишнинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланган. Муҳаммад Алихоннинг хабар беришича, уларга кундалик харажатлари учун ўзларининг икки тумонга тенг турувчи қирқ танга пул берилган⁸. Элчиларга пул ажратиш ўз ўрнида «нозик масала» ҳисобланган. Чунки, берилган пул миқдори кўп ҳолларда, айниқса, рус подшосининг элчилари томонидан жиддий муҳокама қилиниб, қаттиқ эътирозларга ҳам сабаб бўлган. Эрон элчиси билан бирга келган Рус подшоси мухтор вазирининг вакили туфайли айнан шундай ҳолат юзага келган эди. Муҳаммад Алихон бу ҳақда:

«Муҳаммад Валихон⁹ хат ёзиб, каминага юборибди. Эшитдимки, Русия мухтор вазирининг вакили кундалик чиқимлар учун хон томонидан юборилган пулларни олмайди. Бу яхшиликка олиб келмайди. Сиз ҳам ўз ёнингиздан бирор нарса берсангиз берингу уни кўндингиз. Олсин», мазмунида мурожаат этди деб маълум қилади¹⁰.

Шундан сўнг элчи Россия подшоси мухтор вазирининг вакили Муҳаммад Ҳасанни чақириб, пулларни олишга кўндирганлигини қайд этган.

⁶ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 108-бет.

⁷ Ўша манба. 109-бет.

⁸ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 22-бет.

⁹ Хуросон ҳокими Оллоҳёрхон Осаф уд-давланинги хияни. Уни 1841 йил кузида Машҳадга яқин Иноятобод деган жойда ов қилаётган чоғида туркман қароқчилари ўғирлаб келиб, Хива хонига топширган эди. *Қаранг:* Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 51-бет.

¹⁰ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 22-бет.

Ризоқулихоннинг маълумотларидан кўриш мумкинки, элчиларга кетиш чоғида ҳам йўл харажатлари учун пул берилган. «Хондан келтирганлари бизнинг беш юз тумонимиз миқдоридаги пул эди», деб кўрсатади элчи. Шу ўринда у ўзларининг пулларини *ашрафий* ва *риёл* деб, Хоразмда эса *танга* деб аталишини маълум қилади. «Бу келтирган тангалари ўша Муҳаммад Аминхон зарб эттирган тангалар бўлиб, бошқа атроф ўлкаларда юрмайди, шунинг учун шу ернинг ўзида сарфлаб кўя қолишимизга тўғри келди. Унга туя, от ва мулозимлар учун керак нарсалар ва йўл озуқаси сотиб олдик», деб кўрсатиб ўтади Ризоқулихон¹¹.

Ўз ўрнида қайд этиш жоизки, элчи юборган томон ҳам уларнинг турли харажатлари учун хазинадан маблағ ажратган. Хусусан, Эрон элчиларининг қайдномаларидан маълум бўлишича, давлат хазинасидан ажратилган маблағнинг бир қисми Хива элчилик хизмати ходимларини мукофотлашга сарфланган. Жумладан, Муҳаммад Алихон ўзларига хизмат кўрсатган ходимларга улашган пул ва совғалар ҳақида тўхталиб ўтаркан, Хива ҳудудида «меzbонга айланган» Дурдибекка бир дона мовут қабо (енги калта чакмон) ва бир дона мовут жубба (енгли хилъат, чопон) совға қилганлигини, шунингдек, меҳмондор, қопучи ҳамда меҳтарнинг хизматкорларига ўн тумон тиллодан, яшаган уйининг меҳмондорига беш тумон, Машҳадгача кўриқлаб борган икки нафар така туркманга йигирма тумон тилло пул берганлигини қайд этади¹².

Ризоқулихон ҳам ўзидан олдин келган Эрон элчиси сингари Хивада ўзларига хизмат кўрсатган турли лавозимдаги ходимларга пул ва ҳадялар улашганлигини маълум қилган¹³.

Элчиларнинг сахийлик билан совға ва пуллар улашишини дипломатик этикетнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Албатта, бундай илтифотнинг замирида ўз давлатининг иқтисодий қудратини намоёиш қилиш мақсади ҳам ётганлиги эҳтимолдан холи эмас. Хива зиёратгоҳларида ош тарқаттирган Ризоқулихоннинг мамнуният билан «Хивақнинг ҳамма ерида бу шилон ошининг зикри дув-дув гап бўлди», деб таъкидлаб ўтиши бунга мисол бўлади. Шунингдек, совға-саломлар кўринишидаги бундай «сахийлик» маълумот тўплаш-

¹¹ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 151-бет.

¹² Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 22, 41–42-бетлар.

¹³ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 151, 191–192-бетлар.

нинг кучли воситаси бўлганлигини эсдан чиқармаслик лозим. Элчиларнинг бевосита ўзлари иштирок этмаган хон мажлисларидаги муҳокамалардан тортиб, чегара ҳудудларда содир бўлган кунлик аҳборотлардан ўз вақтида хабардор бўлиб турганликлари юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ажратилган маблағнинг яна бир қисми садақа сўровчиларга хайр-эҳсон сифатида, шунингдек, йўл устида учрайдиган қабила бошлиқларига ҳадялар бериш ҳамда зиёфатлар уюштириш учун сарфланган.

Ризоқулихоннинг бу борада берган маълумоти хайр-эҳсон пуллари илгаридан ҳисоб-китоб қилиниб, сафар режасига киритилган, деган хулосани беради:

«Урф-одат бўйича узоқ сафарга чиқишимизни билиб, шу ерга бир неча тиланчи ва дуоғўйлик қилмоқчи бўлган ғарибу ғурабо йиғилдилар. Уларнинг ҳар бирига йўлимиз давомида ва борган жойимиздаги фақирларга улашиш учун ажратиб қўйилган икки ҳазоралик (2000) ашрафий, шаҳриёрий шоҳи ва минг динорлик тангалардан бир бўлагини садақа сифатида тарқатдик»¹⁴.

Хоразмга йўл олган Ризоқулихон Астрабодга келганда «йўл бўйидаги эл, элат оқсоқолларига хилъат кийгизиш учун зарлик қабо, жуббалар ва қизил, сариқ кермоний ипак матолар» сотиб олганлигини маълум қилади¹⁵. Хоразмда ҳам бир неча бор зиёфатлар уюштириб, зиёратгоҳларда ош тарқаттирган элчи «дарвишлар ва фақирлар қачон келсалар пул ва матоҳдан қуруқ қолмадилар», деб таъкидлайди¹⁶.

Юқорида келтирилган маълумотлар шу билан ҳам эътиборга лойиқки, улар орқали замонавий ибора билан айтганда «дипломатик корпус персонали» ёки *Элчиларга хизмат кўрсатувчи ходимлар* ҳамда уларнинг ваколат ва вазифалари ҳақида билиб олиш мумкин. Жумладан, Эрон элчилари Хивада ўзларига хизмат қилган *нозир*¹⁷, *қопучи*¹⁸, *меҳмондор*¹⁹, *чокар*²⁰, *фаррош*, *меҳмонхоначи* каби ходимларни кўрса-

¹⁴ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 62-бет.

¹⁵ Ўша манба. 93-бет.

¹⁶ Ўша манба. 150-бет.

¹⁷ Элчиларнинг ҳол-аҳволи ва овқатидан хабар олиб туриш учун қўйилган мутасадди.

¹⁸ *Қопу* — эшик; *қопучи* — эшик оғаси, маҳрам.

¹⁹ Элчиларни чегарагача кузатиб борувчи шахс.

²⁰ Элчиларнинг хавфсизлигига жавобгар шахс бўлиб, меҳмондор сифатида ҳам хизмат кўрсатган.

тиб ўтишган²¹. Санаб ўтилган ходимларнинг тепасида *меҳтар* лавози-мидаги шахс турган бўлиб, у нафақат элчилик хизматининг марказий фигураси сифатида, балки давлатнинг бош вазири сифатида ҳам катта мавқега эга бўлган. Хон ҳукумати номидан элчилар билан мулоқот олиб бориш ваколати, асосан, меҳтарга берилган. Элчиларни кутиб олиб, уларнинг мақсадларини аниқлаш ҳамда хон ҳузурига кириш ва музокара олиб бориш тартибларини келишиб олиш масалалари ҳам меҳтар зиммасида бўлган. Шу жиҳатдан, у қабул маросими ва музокара жараёнини ташкил этувчи нозир вазифасини ҳам бажарган²².

Кўриқчи-кузатувчилар бевосита Хива хонлиги ёки Эрон давлати «элчилик хизмати» ходимлари таркибига кирмасалар-да, элчиликнинг муваффақиятли ниҳоясига етишида алоҳида роль ўйнаганлар.

Хива хонлиги географик жойлашувига кўра, ўзининг яқин қўшнилари бўлмиш Россия империяси ҳамда Эрон давлати билан улкан Қизилқум ва Қорақум саҳролари орқали ажратилган. Шу боис, Хива–Россия чегараларида қозоқлар (*қирғиз-қайсоқлар*) ва Манғишлоқ туркманларининг кузатувчилари воситачилик қилишган бўлса, Хива–Эрон чегараларида туркман кузатувчиларининг ўрни катта эди. Айниқса, Астрабоддан Хива чегараларигача бўлган ҳудудда, асосан, ёвмутлар катта таъсирга эга бўлиб, туркманларнинг айнан ёвмут уруғидан бўлган кузатувчиларгина карвонни ўз манзилига соғ-саломат етказиб қўйиши мумкин эди. Хусусан, Ризоқулихон Астрабод бекларбегисидан йўл кўрсатувчи сифатида гўклан туркманларидан икки нафарини тавсия қилишни сўраганда, бекларбеги кулиб, «гўклан деганингизни юраги бор эканми ёвмут туркмани ўтирган ерлардан ўтишга» деб, шу боис нафақат йўл кўрсатувчи, балки туякашлар ҳам албатта ёвмутлардан бўлиши кераклигини таъкидлайди²³.

Кўриниб турибдики, ҳатто, бир қарашда тартибсизлик ҳукм сургандек кўринган чексиз саҳрода ҳам ҳар бир нарсанинг ўз қонун-қоидаси мавжуд эди.

Қабул тартибини келишиб олиш ва дипломатик қоидалар борасидаги мунозаралар. Ҳар бир давлатда ўзининг белгиланган диплома-

²¹ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 23, 36-бетлар; Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 121, 191-бетлар.

²² Муҳаммад Алихон меҳтар билан озод этиладиган асирлар сони устида қизгин баҳслашиб, хусусан, 30 000 дан 5 000 гача, ундан 2 000 ва охири 1 000 нафарини озод қилиш борасида музокара олиб борганлиги ҳақида маълумот беради. *Қаранг:* Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 30-бет.

²³ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 91-бет.

тик қоидалари бўлишига қарамай, қабул жараёнида иккинчи томоннинг талаб ва истаклари ҳам ҳисобга олинган. Жумладан, Муҳаммад Алихонни қабул қилишдан олдин аксарият ҳолларда Хива хони одам юбориб, элчилик вакилларининг қай тартибда хон ҳузурига кирмоқчи эканликларини сўратганини кўриш мумкин. Манбада элчилик таркибида Англия ва Россия давлатларининг вакиллари ҳам бўлиб, уларнинг хон ўрдусига биргаликда ёки алоҳида-алоҳида, шунингдек, қайси кетма-кетликда киришлари масаласини келишиб олиш учун хон ҳар сафар ўз одамини юборганлиги қайд этилган²⁴.

Эрон элчиларининг маълумотлари икки ўртада дипломатик қоидалар юзасидан анчагина жиддий тортишувлар ҳам бўлганини кўрсатади. Жумладан, Муҳаммад Алихон Хива хони вакили бўлмиш Ёқуб меҳтарни танқид қилар экан, «сизлар қоидага тўғри келмайдиган иш қилдингизлар. Одатда, вазир аввал элчи билан ўтириб олиб, обдан гапу сўзини тамом қилади, кейин улуғи олдига боради. Меҳтар ого сиз эса гапни чала қолдириб, дарров хони ҳазрат ҳузурига югуриб кетасиз», деб эътироз билдирган ҳоллари ҳам бўлган²⁵.

Ризоқулихон ҳам айрим масалалардан норози бўлиб, ўз эътирозларини билдирган. Хусусан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон сафардалиги чоғида унинг ўрнига ноиб сифатида қолган Тангриқули тўранинг²⁶ зиёфатга таклифини элчи рад этган эди. Элчи ўзининг шоҳ томонидан айнан хон ҳузурига юборилганлиги ва ноиб билан гаплашадиган гапи йўқлигини билдириб, «агар элчилик расм-қоидаларига инсоф билан риоя қилинадиган бўлса, ноиб мени келиб кўрмоғи ва учрашув расмини адо этмоғи лозим», деган фикрни билдиради²⁷.

Сафар тафсилотлари орқали элчиликнинг расм-қоидаларидан яна айримлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Унга кўра, келган томоннинг элчисига кўшиб Эронга жўнатиладиган киши ёки унинг қариндошлари элчини зиёфатга таклиф этиши таъмагирлик ҳисобланган. Ризоқулихоннинг қайд этишича, уни уйига таклиф этган Бек-

²⁴ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 8, 24-бетлар.

²⁵ Ўша манба. 41-бет.

²⁶ Муҳаммад Аминхоннинг ўғли. Элчи «тўра» сўзига изоҳ берар экан, «бу шаҳзода демакдир», деб қайд этади. Қаранг: Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 188-бет.

²⁷ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 114-бет.

ниёз маҳрам «элчи бунни таъмагирликка йўйиб, зиёфатга келмаса керак», деб ўйлаган. Элчи «ахир Эронга элчилик учун мен билан биргача унинг укаси Муҳаммад Шарифбой кетаётган эди-да. Бу эса элчилик сиёсати қонидасига кўра мумкин эмас», деб таъкидлайди²⁸.

Элчиликнинг «нозик жиҳатлари» айниқса, асосий қабул маросимида кўпроқ намоён бўлган.

Асосий қабул маросими: дипломатик этикет ва музокаралар олиб бориш тартиби

Хон элчиларни йил фасли ва об-ҳавога қараб, саройда ёки ўзининг сўлим боғларидан бирида қабул қилган. Хусусан, Муҳаммад Алихон арк ҳовлисидаги супа устига ўрнатилган қора уйда қабул қилинганлигини тасвирласа, Ризоқулихон Хива хони билан «Ангарик» номли боғда кўришганлигини маълум қилади²⁹.

Саломлашиш ва расмий мактубларни қабул қилиш. Элчини хон ҳузурига маҳрам бошлаб кирган. Саломлашиш ва ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг муҳим масала ҳукмдорнинг расмий мактубини топшириш ва қабул қилиш бўлган. «Хон ҳазратларининг ҳузурига киргач, ҳумоюн номани қўлимда ушлаб, хонга салом бердим. Номани хоннинг мирзаси қўлимдан олмоқчи бўлганида бермадим. Хон ҳазратларига ўзим олиб бориб бердим. Хон хатни икки қўли билан олиб, юзи баробар ушлади ва шохимиз ҳол-аҳволини сўради», деб кўрсатади Муҳаммад Алихон Фафур³⁰.

Ўз ўрнида икки томон ўртасидаги мулоқотнинг қайси тилда олиб борилганлиги масаланинг яна бир эътиборга лойиқ томони ҳисобланади. Жумладан, Муҳаммад Алихон шох саломини хонга туркий тилда

²⁸ Шунга қарамай элчи зиёфатга борганлиги, Бекниёз маҳрам ундан сафар давомида ва Эронга борганда укасининг аҳволидан хабардор бўлиб туришни илтимос қилганлигини маълум қилади. *Қаранг:* Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 149-бет.

²⁹ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 24-бет; Шу ўринда Ризоқулихон боғнинг номи асли форсча, хусусан, ангури ник — яхши узум сўзидан олинганга урғу бериб ўтади. У ҳар бир нарсани синчковлик билан кузатиб, қайд этиб боришга ҳаракат қилар экан, хоннинг «либос кийишда бошқа одамлар каби бўлиб, камтарлиги туфайли дабдабали кийимларни ёқтирмаслиги ҳамда унинг фақатгина қизил мовутдан бўлган бош кийимигина бошқаларникидан фарқ қилиши»ни таъкидлаб ўтади. *Қаранг:* Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 125, 130-бет.

³⁰ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 20-бет.

етказганлигини маълум қилади³¹. Албатта, суҳбатнинг бундай бошланиши лоақал дастлабки босқичда яхши таассуротларни ҳосил қилиб, ўртада дўстона вазиятни юзага келтирган. Ризоқулихон билан хоннинг дастлабки мулоқотида эса, бу борада бир оз зиддиятли ҳолат пайдо бўлган эди. Элчи хабар қилганидек, хон унинг саломига алик олиб, ўзларининг туркий тилида ҳол-аҳвол сўрай кетган. Таржимон эса ўртада тилмочлик қилган. «...Яъни, хон форсча гапиришдан ўзини олиб қочгани, мен ҳам туркийда сўзлашдан ўзимни тийганим учун ўртага воситачи аралашди», деб таъкидлайди Ризоқулихон³².

Музокаралар шакли. Музокараларнинг асосий кўриниши оғзаки мулоқот бўлиб, элчи бош масалани бевосита хон ёки унинг номидан иш олиб борган меҳтар билан кўришиб, муҳокама қилган. Маълумотлардан кўринадики, дипломатик қоидаларда расмий мактубда битилган фикрлардан ташқари элчилар орқали оғзаки хабарлар етказиш одати мавжуд бўлган. Шу жиҳатдан, Хива хони элчи Муҳаммад Алихондан, аввало, Эрон шоҳининг оғзаки хабар йўллаганлиги, агар йўллаган бўлса айнан қандай хабар эканлиги борасида сўраб-суриштирган эди.

Баҳс-мунозаралар чўзилиб кетган ёки қарор қабул қилишда бир тўхтамга келиш қийин бўлган ҳолларда музокаралар хатлар орқали ҳам олиб борилган. Айниқса, Хивадаги эронлик кулларни озод қилиш борасида хоннинг ён босишига эришмоқчи бўлган Муҳаммад Алихон аксарият ҳолларда мактуб ёзиб, ўз эътирозларини баён қилар ва уларга тегишли жавоб берилишини талаб қилар эди. Қайд этиш жоизки, мактублар орқали мурожаат этишда ҳам субординация қоидаларига қатъий риоя қилинган. Хусусан, Эрон элчиси ҳам, инглиз вакили Томсон ҳам хонга тўғридан-тўғри эмас, меҳтарга мактуб йўллаш орқали ўз арзларини билдиришган³³.

Музокара олиб боришнинг тартиб-қоидалари. Музокара бевосита асосий масалани муҳокама қилиш ёки керакли вазиятни ҳосил

³¹ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 24-бет. Бу ҳолатга изоҳ берган ноширлар, Эронда ҳукмронлик қилган Сафавий, Афшор ва Қожор шоҳлари туркий уруғдан бўлганликлари учун улар даврида илм-фан ва расмий маросимларда туркий тил фаол иштирок этганлиги ҳамда Муҳаммад Алихон ҳам туркий уруғлардан бирига мансуб бўлганлигини таъкидлаб ўтишган. *Қаранг:* Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 50-бет.

³² Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 125-бет.

³³ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 33–37-бетлар.

қилиш учун уюштирилган суҳбат билан бошланар эди. Бу борада элчининг шахсияти, унинг феъл-атвори ҳамда ўзини тутиши катта аҳамиятга эга бўлган. Шу жиҳатдан, меҳтарга «сизлар қоидани билмайсизлар ... катта давлатлар билан музокара олиб бормагансизлар», деган танқидий фикрларни билдиришдан ўзини тиймаган Муҳаммад Алихон анчагина ёмон таассурот ҳосил қилган эди³⁴. У келтирган шоҳнинг расмий мактубида «хонликдаги барча эрони қулларни озод қилиш» сингари жиддий масала ҳақида сўз юритилмаган бўлиб, бу ҳолат Хива томонида эътирозга сабаб бўлган эди. Эрон элчиси бунга жавобан давлатчилик қоидаларидан сўз очиб, «шоҳнинг ўз мактубида асирлар хусусида гапириши давлатчилик қоида-сига тўғри келмайди. Давлат арбобларининг ёзганлари шоҳнинг буйруғи ҳисобланади. Шунинг ўзи кифоя, шоҳ ёзиб ўтирмайди», деган фикрни билдиради³⁵.

Элчидаги дадилликнинг сабаблари мушоҳада қилиб кўрилса, нафақат берилган катта ваколатлар билан, балки элчи шахсиятидаги такаббурлик ва бетгачопарлик ҳамда Англия ва Россия каби давлатларнинг қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ эканлигини сезиш мумкин. Хон олдида ўз талабларини қўяр экан, Эрон элчиси: «агар дўст бўлсангиз учта улуг давлатнинг (Англия, Россия, Эрон) истакларини амалга оширмоғингиз лозим» деб бир неча бор таъкидлагани юқоридаги фикрни тасдиқлайди³⁶. Унинг «мен хиваликларга қандай хат ёзсам, қораламасини инглизга берардим»³⁷, деган сўзлари эса, элчининг ваколоти ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Аксинча, мулоқот жараёнида ўзининг билимдонлиги ва зукколигини намойиш эта олган Ризоқулихон Хива хони ва унинг атрофидагилар орасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлган. Ўзининг маданияти ҳамда тарихий ва адабий билимларию шеърят борасидаги истеъдоди билан ҳаммани лол қила олган элчига Хива хони шундай баҳо берган:

«Бу одам ажаб бир билимли одам ва кўп доно киши экан. Агар бизнинг вилоятда қолса, бизга кўп фойдаси тегарди. Бизнинг дин ва

³⁴ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 38-бет.

³⁵ Ўша жойда.

³⁶ Ўша манба. 28-бет.

³⁷ Ўша манба. 43-бет.

давлат бобидаги билимларимизга билим қўшиб, илмларимизни оши-
рарди. ... Шу пайтгача Эрондан Хоразмга бундай элчи келмаган эди»³⁸.

Турли ҳолатларда ҳам хушмуомалалик ва босиқлигини намоиш қилган элчи, қалтис вазиятларда ўзининг таъбири билан айтганда, «элчи сифатида сабр ва мулойимлик билан ўзини билмасликка солар эди»³⁹.

Музокаралар натижасига таъсир этувчи омиллар. Кўриб ўтилганидек, элчининг шахсияти музокара жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, элчилик натижаларига ҳамда умумий вазиятга бевосита таъсир кўрсатган яна бир қанча омиллар бор эди. Жумладан, Муҳаммад Алихон бошчилигидаги элчилик муваффақиятсизлигининг бош сабаби сифатида унинг ўзи таъкидлаб ўтганидек, Англия ва Россия давлатлари вакилларининг у билан бирга келганликларини кўрсатиш мумкин. Элчининг қайд этишича, хон охириги учрашувда унга танбеҳ бераркан, «...ўзинг келаверганингда мақсадга мувофиқ бўларди. Мана энди асир берсам, дўсту душман «хон ҳазрат рус ва инглиздан қўрққанидан асир берди», дея устимдан куладилар», деб жавоб қайтарган⁴⁰.

Бухоро амирининг муносабати ҳам Хива хонининг қарорига таъсир этган омиллардан бири эди. Эрон элчисининг хабар беришича, Бухородан амирнинг одами келиб, «хон асир бермасин, асир берса, эртага мендан ҳам асир талаб қила бошлайдилар», деб мурожаат этган⁴¹.

Ризоқулихон элчилиги даврида эса, сиёсий устунлик Хива хонлиги томонида бўлиб, хон қўшинининг Хуросон юришидан катта ўлжа ва асирлар билан зафар кучиб қайтиши унинг мавқеини оширган.

Хоннинг юришдан қайтишини кутиб турган Эрон элчиси юзага келган вазият ва унинг элчилик ҳолатига кўрсатадиган таъсирига баҳо бераркан:

³⁸ Элчининг маълум қилишича, Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд Хоразмий шеърларидан бир нечасини ёддан айтгач, улардан нусха кўчиртириб, атрофга олиб кетишган. *Қаранг:* Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 142-бет.

³⁹ Ўзига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ҳақида ёзаркан, Ризоқулихон «Хивада хондан бошқани хон деб аташ адабга хилоф бўлса ҳам, мени баъзилар «Элчихон» ва айримлар «Элчибек» деб аташар эди», деб қайд этади. *Қаранг:* Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 147, 150-бетлар.

⁴⁰ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 36-бет.

⁴¹ Ўша жойда.

«Сарахс ва Тажан тарафидан олиб келинган асирларни кўча ва бозорларда айлантриб, қизилбош [Эрон Сафавийлари] лашкарларининг мағлубияти хабарини бутун мамлакатга жар солиб етказдилар. Шу сабабли элчилигимиз иши ланж бўлди ва шон-шавкати-мизга путур етди. Шунинг учун вақт нимани талаб қилса, сўз ва ишда шунга қараб амал қиладиган бўлдим», деб қайд этади⁴².

Томонлар ўртасидаги музокаралар расмий учрашувдан кейин ҳам давом эттирилган. Баҳс-мунозара ёки дўстона суҳбат кўринишида олиб борилган бундай мулоқотлар элчи шарафига уюштирилган турли зиёфат ва базмларда давом этган. Шу жиҳатдан хоннинг рухсати ва элчининг розилиги билан ташкил этилган меҳмондорчиликларни «элчилик хизмати»нинг маданий тадбирлари сифатида қайд этиш мумкин.

Якуний аудиенция: Музокараларнинг натижасидан қатъи назар, хон томонидан элчиларни охирги марта қабул қилиш ва керакли расм-русмларнинг адо этилиши дипломатик муносабатлар жараёнига манتيқий яқун ясаган, дейиш мумкин.

Бу жараён «остиға муҳр босилган мактублар»ни тайёрлаб, элчиларга топшириш, инъомлар бериш ва хилъатлар кийдириш, кузатувчиларни тайинлаш каби бир қанча тартиб-қоидалардан иборат бўлган⁴³.

«Хилъат кийдириш» маросимини тасвирлар экан, Ризоқулихон карвонбоши келиб, хон томонидан бериб юборилган «дарахт шохлари расми туширилган мушажжар атлас чопон ва зардўзи ипак билан нақшланган тўн»ни эгнига ташлагани, турганлар эса табриклаб, муборакбод қилганлигини қайд этади⁴⁴. Элчилар қай тарзда иззат-икром билан кузатиб қўйилган бўлса, ўз юрти чегараларида шундай ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, хорижий элчиларнинг «Сафарнома» ёки «Ахборотнома» кўринишидаги эсдаликлари нафақат Хива хонлиги ташқи алоқаларини, балки давлатчилик тарихининг кўплаб масалаларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эгадир. Элчиларни қабул қилиш ва у билан боғлиқ «элчилик хизмати»нинг бир неча босқичларга бўлиб тадқиқ этилиши эса, ташқи алоқаларга оид ахборот характеридаги маълумотларни чуқурроқ таҳ-

⁴² Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 123-бет.

⁴³ Муҳаммад Алихон Фафур. Хоразм сафари кундалиги ... 33, 36, 39-бетлар.

⁴⁴ Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... 150–151-бетлар.

лил қилиш, уларнинг сабаб ва омилларини очиб беришга ёрдам беради. Шунингдек, кўрилган маълумотлар орқали дипломатик қоидаларнинг муҳим ва ўзига хос нозик томонлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу эса, бугунги кун халқаро муносабатларининг тарихий илдизлари ҳақида тегишли билимга эга бўлиш ҳамда амалий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Н. АЛЛАЕВА

ХІХ АСР ХИВА ХОНЛИГИДА ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ: ЭРОН ЭЛЧИСИНИНГ САФАР ТАФСИЛОТЛАРИ

Мақола Хива хонлигида элчиларни қабул қилиш маросими ва унинг тартиб-қоидаларини тадқиқ қилишга бағишланган. Унда ХІХ асрда Хивага ташриф буюрган Эрон элчиларини кутиб олишга оид қизиқарли мисоллар орқали уларга хизмат кўрсатиш ҳамда олиб борилган музокаралар тартиби масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Хива, Эрон, элчи, қабул маросими, дипломатик этикет.

Н. АЛЛАЕВА

ПОСОЛЬСКАЯ СЛУЖБА В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ В ХІХ ВЕКЕ: ПУТЕВЫЕ ЗАМЕТКИ ИРАНСКИХ ПОСЛОВ

Статья посвящена изучению посольского церемониала в Хивинском ханстве. На примере интересных сведений, касающихся приема иранских послов, побывавших в ХІХ в. во дворе Хивинского хана, освещены важнейшие этикеты посольской службы, а также основные правила дипломатических переговоров.

N. ALLAYEVA

DIPLOMATIC SERVICE IN KHIVA KHANATE IN THE 19TH CENTURY: TRAVEL NOTES OF IRANIAN AMBASSADORS

The paper investigates the issue of diplomatic ceremony in the royal court of the Khivan khan. On the bases of interesting examples about reception process of Iranian ambassadors, there are illustrated main patterns of embassy service and diplomatic etiquette of negotiations.

А. БАЗАРБАЕВ

XIX АСР ОХИРИ — XX АСР БОШЛАРИДА ЖИЗЗАХДАГИ ЕР НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

XIX аср охирида Туркистон Россия империяси таркибига киргандан сўнг ер билан боғлиқ масалалар мустамлака маъмурияти қонунлари остида амалга оширила бошланди. Жумладан, Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомларда ер мулкларидан фойдаланиш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ва уни бошқариш тўғрисидаги масалалар кўрсатилиб ўтилган. Шунингдек, XIX аср охирида мустамлака маъмурияти Туркистондаги ерлар қонуний нархларининг рўйхатини тузишга киришди¹. Жиззах уезди ҳам Туркистон генерал-губернаторлигининг бир қисми сифатида ушбу ишга тортилади. Биз мазкур мақолада Жиззах уездида XIX аср охири — XX аср бошларида ер майдонлари қанчага баҳоланганлиги ҳамда ернинг нархлари нимага асосланиб аниқланганлиги тўғрисида фикр юритамиз.

Туркистонда ерлар суғорилиш нуқтаи назаридан, асосан, икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ёмғир ва қор сувлари билан тўйнадиган ҳайдалган ерлар кирган. Улар «баҳорикор» ёки «лалмикор» ерлар деб аталган. Иккинчи гуруҳ ариқ ёки дарё сувлари билан суғориладиган сувли ерларни ўз ичига олган бўлиб, бундай турдаги ерлар «трамайи» деб аталган². Бу икки турдаги ерларнинг нархлари ўртасидаги тафовут катта бўлган. Бу, биринчидан, суғориладиган ерлардан нисбатан кўпроқ ҳосил олиш имконияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, лалмикор ерлар майдони суғориладиган ерларга қараганда кўпроқ бўлган ва бу, ўз навбатида, лалмикор ерларнинг суғориладиган ерларга нисбатан нархнинг паст бўлишига олиб келган.

К.К. Паленнинг маълумотларига қараганда, XX аср бошларида Жиззах уездида 83 434 десятина ер мавжуд бўлиб, шундан 128907 десятина суғориладиган ва 27 382 десятина лалмикор ер бўлган ҳамда қолган 43 145 десятина ишлов берилмаган (ҳайдалмаган) ер³ ҳисоб-

¹ ЎЗР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 605-иш, 1-варақ.

² Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. С-Пб, 1908. 60-бет.

³ Ишлов берилмаган (ҳайдалмаган) ер деганда, чўл, яйлов ерлар, ботқоқ ва қояли ерлар тушунилан. (Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть I. 1911. 102-бет.)

ланган. Бошқача айтганда, Жиззах уезди умумий ерининг 15,4 % суғориладан, 32,5 % лалмикор ҳамда 52,1 % ишлов берилмаган (ҳайдалмаган) ерлар ҳисобланган⁴.

Суғориладиган ва лалмикор ерларнинг баҳоси Туркистоннинг турли ҳудудларида бир-биридан фарқ қилган. А.И. Шахназаров Туркистонда лалмикор ерларнинг бозор нархи бўлмаган деб таъкидлайди⁵. Бу турдаги ер нарҳини аниқлаш имконияти кам бўлганлиги сабабли, Чор маъмурияти ушбу ер шаклининг баҳосини ўз ҳужжатларида рўйхатдан ўтказмаган. Маҳаллий аҳоли, асосан, бу турдаги ерларни бири-бирига сотган ёки сотиб олган ва уларни қозилик ҳужжатларида рўйхатдан ўтказишган. Уларнинг нархлари ушбу ер майдонининг қанчалик ёмғир ёки қор суви билан таъминланишига боғлиқ бўлган. Самарқанд вилояти Нурота тоғ тизмасига яқин бўлганлиги сабабли ушбу вилоятдаги лалмикор ер нархи Фарғона ва Сирдарё вилоятидаги ерларнинг нархларига қараганда қимматроқ бўлган. Суғориладиган ерларнинг нархлари маълум ҳудудда аҳоли зичлигига бориб тақалади. Суғориладиган ерларда аҳоли қанча зич жойлашган бўлса, трамайи ер нархи шунча баланд бўлган. Шунинг учун Фарғона вилоятида Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига қараганда ушбу ер турининг баҳоси баланд бўлган⁶.

Жиззах уездининг Янги Қўрғон волостида ерга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича тадқиқот олиб борган Н.М. Вирский суғориладиган ва лалмикор ерларнинг аниқ нарҳини аниқлаш бир неча сабабларга кўра қийинчилик туғдиришини таъкидлайди. Биринчидан, ерга нисбатан ўрнатилган ўртача нархни мулкни алмаштирув жараёнида аниқлаш мумкин. Бироқ, бир шахс маълум ерни иккинчи шахсдан сотиб олиш ҳоллари охириги вақтларда камдан-кам содир бўлаётганлиги таъкидланади. Иккинчидан, лалмикор ерларни чигиртка босиши оқибатида ер ўз унумдорлигини йўқотган ва оқибатда маҳаллий аҳоли авваллари қимматроқ бўлган ерларни арзонроқ нархларга сотишига тўғри келган. Учунчидан, суғориладиган ерлар ҳар хил шароитда жойлашган бўлиб, ушбу шароитлар уларнинг нарҳига таъсир этмасдан қолмаган. Ушбу шароитлар ернинг суғориш канали ёнида жой-

⁴ П а л е н К. К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть I. 1911. 102-бет.

⁵ Ш а х н а з а р о в А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. С-Пб, 1908. 61-бет.

⁶ Ўша манба. 60-61-бетлар.

лашганлиги, ернинг кўп ёки кам қисми суғорилиши, ернинг сифати, жойлашган жойи, ер девор билан ўралганлиги, қишлоқ ва бозорга қанча узоқда жойлашганлиги, ёнидан йўл ўтган ёки ўтмаганлигига ҳамда ушбу ерларда боғ ва бедазорлар бор-йўқлиги билан боғлиқ бўлган. Тўртинчидан, маҳаллий аҳолининг асосий турмуш тарзи ер билан боғлиқ бўлган. Шу сабабли аҳоли ўз ерини фақатгина истисно ҳоллардагина сотишга мажбур бўлган. Бундай ҳолатда эса ернинг тан-нархини аниқлаш имконияти қийин бўлган⁷.

Бироқ, К.К. Пален Самарқанд статистик комитетининг маълумотларига асосланиб 1889–1893 йилларда Жиззах уездида суғориладиган ер, боғ ва лалмикор ерларнинг ўртача нархини кўрсатиб ўтади⁸:

Ер тури	Рублда 1 десятина ернинг ўртача нархи				
	1889	1890	1891	1892	1893
Суғориладиган ер	54,44	50,40	96,60	67,98	61,56
Боғ	361,14	322,78	373,50	433,56	285,72
Лалмикор ернинг	26,04	12,82	13,28	13,68	14,08

Шунингдек, ушбу муаллиф қозилик дафтарларига асосланган ҳолда мазкур йилларда Жиззах уезди бўйича сотилган ерларнинг умумий ҳажми тўғрисида маълумотларни ҳам келтириб ўтади⁹:

Ер тури	Сотилган десятина						Ҳаммаси бўлиб
	1889	1890	1891	1892	1893	Жами	
Суғориладиган ер	154	162	116	267	254	954	4829,04
Боғ	5,96	7,83	4,63	4,87	17,75	41,04	
Лалмикор ер	277	635	1118	944	858	3834	

⁷ Справочная книжка Самаркандской области. В и р с к и й Н.М. «Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области». Выпуск X. Самарканд, 1912. 57-бет.

⁸ П а л е н К. К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть 1. 1911. 141-бет.

⁹ Ўша манба. 123-бет.

Юқоридаги жадвалларда 1889–1893 йилларда Жиззахдаги суғориладиган ерлар, суғориладиган боғли ерлар ва лалмикор ерларнинг ўртача баҳоси ҳамда сотилган ер майдонининг умумий ҳажми келтирилиб ўтилган. Туркистон ҳудуди бўйича бу ерларнинг аниқроқ нархлари ўша давр қозилик дафтарлари ёки олди-сотди ҳужжатларида келтирилиб ўтилган. Бироқ, Жиззах воҳасига доир қозилик дафтарларининг деярли йўқлиги ва олди-сотди ҳужжатларининг бирмунча камлиги бу жараёнларни тадқиқ қилишда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Бошқа томондан эса уезд бошлиғи ва волостлар бошлиқлари ўртасидаги ёзишмаларда ҳудуддаги ер нархларига оид маълумотларнинг мавжудлиги бу масалада тадқиқот олиб боришга имкон яратади. Ушбу ёзишмаларда ер нархлари тўғрисидаги маълумотлар нафақат қозилик дафтарлари орқали, балки маҳаллий амалдорларнинг аҳолидан ер нархларини суриштируви орқали йиғилганлиги уларнинг ишончлилигини бирмунча оширади¹⁰. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг «Жиззах уезди бошлиғи бошқармаси» номли И-21-сонли фонднинг бир қанча йиғмажилдларида Жиззахдаги ер нархлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Жумладан, 1891 йил 5 августда Жиззах уезди ҳокими Жиззах бош оқсоқолига Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторининг фармойишига мувофиқ ҳудуддаги ҳар бир даҳада бир таноб¹¹ ер нархлари қанча эканлиги тўғрисида маълумот юборишни сўрайди. Унда, асосан, уч турдаги ерларнинг нархлари кўрсатилиши керак эди: (а) боғ, (б) шоли экиладиган ерлар, (в) беда, буғдой ва гўза экиладиган сувли ерлар. Шунингдек, бу ҳужжатда агарда бир даҳадаги ер нархи иккинчи даҳадаги ер нархидан тафовутли бўлса, уларнинг умумий нархини олмасдан, балки ҳар бирини алоҳида-алоҳида ёзиш керак эканлиги таъкидланади¹². 1891 йилда бу турдаги буйруқ ҳудуддаги Чашми Об, Ўзбекия, Зомин,

¹⁰ Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори 1891 йил 27 июлда Жиззах уезд ҳокимига берган 6107-сонли буйруғида ҳудуддаги ер нархлари тўғрисидаги маълумотларни қозилик дафтарларидан олишни тавсия қилади (ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 864-иш, 1-варақ). Зомин волост бошлиғи ўз билдиришномасида ер нархлари тўғрисида маълумотларни сўраб-суриштириш орқали йиғганлигини таъкидлайди (ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 864-иш, 12-варақ).

¹¹ *Таноб*— узунлик ўлчови бирлиги. Бухоро ва Самарқандда 1 таноб 600 кв. сажен = 2731,35 кв. м га тенг бўлган (Д а в и д о в и ч Е.А. «Материалы по метрологии средневековой Средней Азии». Москва, 1970. 128–129-бетлар).

¹² ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 864-иш, 4-варақ.

Работ, Янги Қўрғон, Ём, Саврук, Боғдон, Накрут, Синтоб, Қоратош ва Сангзор волостлари бошлиқларига ҳам юборилган эди¹³.

Ушбу ҳужжатлардаги маълумотларни бир-бири билан таққослаганимизда, волостлардаги ер нархлари бир-биридан кескин фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Чунончи, Жиззах уездининг Синтоб, Накрут, Боғдон, Чашми Об ва Ўзбекия волостларида бир таноб боғли ерлар нархлари 30 сўмдан 70 сўмгача бўлса, Зомин, Работ, Янги Қўрғон, Ём ва Саврук волостларида ушбу турдаги ер нархлари 10 сўмдан 15 сўмгача бўлган¹⁴. Бундан кўринадики, биринчи гуруҳдаги волостларда боғли ерлар нархлари иккинчи гуруҳдаги волостларнинг нархларига қараганда бирмунча юқори бўлган. Бундай манзара беда экиладиган сувли ерларнинг нархларида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Синтоб, Накрут ва Ўзбекия волостларида беда экиладиган сувли ерларнинг нархлари 20 сўмдан 40 сўмгача бўлса, Зомин, Работ, Янги Қўрғон, Ём ва Саврук волостларида бундай турдаги ер нархлари 5 сўмдан 20 сўмгача бўлган¹⁵. Бундай тафовутнинг вужудга келиши ҳудудларнинг сув манбаига қанчалик бой эканлигига бориб тақалади. Синтоб, Накрут, Боғдон, Чашми Об ва Ўзбекия волостларининг асосий қисми лалмикор ердан иборатлиги сувли ерларга бўлган талабни кучайтирган ҳамда бу, ўз навбатида, сувли ерлар нархлари кўтарилишига олиб келган бўлиши мумкин.

Буғдой экиладиган сувли ерлар нархлари бўйича маълумотлар ҳамма волостлар бўйича ҳам берилган эмас. Юқорида кўрсатилган боғ ва беда экиладиган сувли ерлар нархлари баланд бўлган волостлардан фақатгина Чашми Об ва Ўзбекия волостларидаги нархлар тўғрисида маълумотлар келтирилган, холос. Бироқ буғдой экиладиган сувли ерларнинг нархлари ҳақида гапирилганда, бу икки волост ўртасида тафовут сезилади. Жумладан, Ўзбекия волостида бир таноб буғдой экиладиган ер нархи 7 сўмдан 12 сўмгача бўлган бўлса, Чашми Об волостида бундай турдаги ер нархи 4–5 сўм бўлган¹⁶. Биз, асосан, табиий жиҳатдан сувли ерда жойлашган ҳамда сувли ер нархлари арзон деб ҳисоблаган Работ, Янги Қўрғон, Ём ва Саврук волостларида буғдой экиладиган майдонларнинг бир таноби 3 сўмдан 5 сўмгача бўлган¹⁷.

¹³ ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 864-иш, 6, 8, 13, 15, 18, 20, 22, 24, 27-варақлар.

¹⁴ Ўша манба. 7, 9, 12, 14, 16, 17, 19, 21, 25, 26-варақлар.

¹⁵ Ўша манба, 9, 12, 14, 16, 17, 19, 25, 26-варақлар.

¹⁶ Ўша манба. 7, 9-варақлар.

¹⁷ Ўша манба. 14, 16, 17, 19-варақлар.

Шунингдек, айрим волостлар ер нархларида қишлоқлар бўйича ҳам тафовут сезиларли даражада бўлса, айримларида бундай фарқ кам ёки умуман мавжуд бўлмаган. Мисол учун, Ўзбекия волостининг даҳалари бир-бири билан таққосланиб чиқилса, улар ўртасида катта фарқ кўзга ташланади. Жумладан, Ёйлама даҳасида бир таноб боғли ер нархи 40 сўм, Қора Янтоқ даҳасида 50 сўм, Қуш Бирқот даҳасида 55 сўмни ташкил этган¹⁸. Ўзбекия волостининг даҳалари бўйича тафовут буғдой ва беда экиладиган сувли ерларнинг нархларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, ушбу волостда буғдой экиладиган сувли ерларнинг энг арзон нархи Ёйлама даҳасига тўғри келиб, у 7 сўмни ташкил этган. Ушбу турдаги ернинг энг қиммат нархи Қуш Бирқот даҳасида кузатилган ҳамда у 12 сўм бўлган¹⁹.

Янги Қўрғон волостида даҳалар бўйича ер нархларида тафовут мавжуд бўлса-да, улар сезиларли бўлмаган. Мисол учун, Янги Қўрғон, Авлиё ва Қанғели даҳаларида бир таноб боғ нархи 12 сўмни, Кулли ва Навқа даҳаларида 11 сўмни ҳамда Бошқуруқ даҳасида 10 сўмни ташкил этган. Яъни даҳалар орасидаги фарқ 1 ёки 2 сўмни ташкил этади. Бундай манзара буғдой ва беда экиладиган сувли ерларнинг нархларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, буғдой экиладиган ерларнинг энг арзон нархи 3 сўм бўлиб, бу нарх Авлиё даҳасида кузатилган ҳамда энг қиммат нарх 5 сўм бўлиб, бу нарх Қанғели, Кулли ва Навқа даҳаларида амалда бўлган. Беда экиладиган сувли ерларнинг энг арзон нархи 6 сўм бўлган бўлса, энг қиммат нархи 8 сўмни ташкил этган²⁰.

Боғдон ва Накрут волостларидаги ерларнинг баҳосида, аксинча, тафовут мавжуд бўлмаган. Мисол учун, ўша даврда Накрут волостида 6 та даҳа мавжуд бўлган ҳамда уларда бир таноб боғнинг нархи 35–70 сўм, беда экиладиган ернинг нархи 20–32 сўм бўлган²¹. Боғдон волостида даҳалар сони Накрут волостидан кўп бўлса-да, уларда ер баҳолари бўйича тафовут мавжуд бўлмаган. Жумладан, ҳар бир даҳада бир таноб боғ майдонининг баҳоси 30 сўмдан 60 сўмгача, беда экиладиган ерларнинг бир таноби 15 сўмдан 30 сўмгача ва ғўза экиладиган ерларнинг ҳар бир таноби 14 сўмдан 25 сўмгача баҳоланган²².

¹⁸ ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 864-иш, 9-варақ.

¹⁹ Ўша жойда.

²⁰ Ўша манба. 16-варақ.

²¹ Ўша манба. 25-варақ.

²² Ўша манба. 21-варақ.

Шунингдек, айрим хужжатларда лалмикор ерларнинг баҳолари ҳам келтирилиб ўтилган. Лалмикор ерларнинг нархлари турли ҳудудларда турлича бўлиб, уларнинг энг арзони 1 сўм 20 тийин, энг қиммати 7 сўмни ташкил этган. Жумладан, Синтоб волостида 1 таноб лалмикор ернинг баҳоси 1 сўм 20 тийин, Сангзор, Ём ва Зомин волостларида 3 сўм, Боғдон волостида 4–6 сўм ҳамда Накрут волостида 5–7 сўм бўлган²³.

Архив манбалари орқали кейинги йилларда лалмикор ерларнинг баҳолари ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Жиззах уезд ҳоқими 1900 йил 10 ноябрда Жиззах бош оқсоқоли, Саврук, Работ, Ўзбекия, Янги Кўрғон, Сангзор, Чашми Об, Боғдон, Ём, Қоратош, Зомин, Синтоб волост бошлиқларига суғориладиган, чорва ёйиладиган яйлов, пичан ўриладиган, иморатли ва иморатсиз ерларнинг қиймат баҳолари билан биргаликда лалмикор ернинг ҳам қиймат баҳоси қанча сўм ва уларнинг энг арзон баҳоси қанча туриши тўғрисида маълумот юборишни сўрайди²⁴. Ушбу архив хужжатларини таҳлил қилганимизда, юқорида кўрсатилган ер турларининг майдони турли хил ўлчов бирликларида кўрсатилганлиги кўзга ташланади. Агарда Жиззах уездининг барча волостларида лалмикор ерларнинг майдони ботмон ўлчов бирлигида ўлчанган бўлса, иморатли ерлар, аксинча, танобда ўлчанган. Бироқ, сувли ерларни ўлчашда ҳар бир волостда турли хил узунлик ўлчов бирлигидан фойдаланишган. Жумладан, Жиззах шаҳри атрофидаги, Ўзбекия ва Боғдон волостларидаги сувли ерларни ўлчашда таноб узунлик ўлчови қўлланилган бўлса, Работ, Саврук, Янги Кўрғон, Сангзор, Чашми Об, Ём, Қоратош, Зомин ва Синтоб волостларида ботмон узунлик ўлчови билан ўлчанган. Бизга маълумки, ботмон узунлик ўлчови ердан олинадиган ҳосил вазни билан ўлчанган ва у турли ҳудудларда ҳамда ҳар хил ер турида бир-биридан фарқ қилган²⁵. Хужжатларнинг бирида 1 ботмон суғориладиган ер 8 пуд ғаллага тенглиги айtilган²⁶.

Агар танобда ўлчанган суғориладиган ерлар тўғрисида гапирилса, уларнинг энг қимматининг баҳоси 50 сўмни ва энг арзонининг

²³ ЎЗР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 864-иш, 12, 17, 21, 25, 26-варақлар.

²⁴ ЎЗР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 605-иш, 13, 16, 18, 23, 26 об., 29 об., 31-варақлар.

²⁵ *Батафсил қаранг:* Д а в и д о в и ч Е. А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. Москва, 1970. 123–125-бетлар.

²⁶ ЎЗР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 605-иш, 27-варақ.

нархи 6 сўмни ташкил этган. Жумладан, Жиззах шаҳри атрофидаги суғориладиган ерлар бир танобининг баҳоси 50 сўм ва арзони 30 сўм бўлса, Боғдон волостида бир таноб суғориладиган ер нархи 30 сўмга ҳам чиқмасдан, 20 сўмни ташкил этган. Ушбу ҳудудда энг арзон нархи эса 6 сўм бўлган²⁷. Бир ботмон суғориладиган ернинг энг қиммат нархи 100 сўм бўлиб, у Работ волостида кузатилган²⁸. Ушбу турдаги бир ботмон ернинг энг арзон нархи 5 сўм бўлиб, у Ём волостида амалда бўлган²⁹. Бироқ, айрим волостлар бўйича бир ботмон ерларнинг баҳоси ўртасида деярли тафовут мавжуд эмас. Жумладан, Зомин, Қоратош, Чашми Об, Сангзор, Янги Қўрғон ва Саврук волостларида бир ботмон суғориладиган ер 20 сўмдан 40 сўмгача ҳамда энг арзон нархи 10 сўмдан 20 сўмгача бўлган³⁰. Бундай манзарани биз лалмикор ерларнинг баҳосини таҳлил қилганимизда ҳам кўришимиз мумкин. Чунончи, Жиззах шаҳри атрофи, Саврук, Ўзбекия, Янги Қўрғон, Сангзор ва Ём волостларида бир ботмон лалмикор ер нархи 20 сўм ва ушбу ҳудудларда энг арзон нархлари 10 сўмдан 16 сўмгача бўлган. Работ волостида бу турдаги ернинг бир ботмон нархи бошқа волостларга қараганда қимматроқ бўлган ҳамда у 50 сўмни ташкил этган ва ушбу ҳудудда энг арзони 20 сўм турган. Зомин волостида ҳам энг қиммат ер 50 сўм бўлган. Бироқ Работ волостидан фарқли ўлароқ ушбу турдаги ер нархининг энг арзон нархи 12 сўм бўлган. Боғдон волостида эса, аксинча, бир ботмон лалмикор ер бошқа ҳудудларга қараганда арзонроқ бўлиб, уларнинг нархи 6 сўм ва энг арзони 4 сўм турган³¹.

Архив ҳужжатларида иморатли ерларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам учратишимиз мумкин. Устида қандайдир иморат мавжуд бўлган ерларнинг баҳоси ўртасида тафовут катта бўлган. Жумладан, Саврук, Янги Қўрғон, Сангзор, Чашми Об ва Боғдон волостларида бир таноб иморатли ерларнинг энг қиммат нархлари 100 сўмдан 120 сўмгача бўлган. Бироқ ушбу волостларда иморатли ерларнинг энг арзон баҳолари ўртасидаги фарқ катта бўлган. Жумладан, Саврук волостида энг қиммат иморатли ернинг нархи 100 сўмни, энг арзонининг баҳоси 10 сўмни ташкил этган³². Бундан кўринадики, бу ерда

²⁷ ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 605-иш, 12, 25-варақлар.

²⁸ Ўша манба. 14-варақ.

²⁹ Ўша манба. 27-варақ.

³⁰ Ўша манба. 15, 20–22, 24, 28, 30-варақлар.

³¹ Ўша манба. 12, 14–15, 17, 20–22, 25, 27-варақлар.

³² Ўша манба. 15, 20–22, 24–25-варақлар.

нафақат иморатли ер жойлашган ҳудуднинг табиий шароитлари, балки иморатнинг қандай ҳолатда эканлигига ҳам эътибор қаратишгани кўзга ташланади. Бу вақтда Зомин, Синтоб ва Ём волостларида иморатли ерларнинг баҳоси 30 сўмдан 40 сўмгача бўлган бўлса, Ўзбекия ва Қоратош волостларида бу ер турининг нархи 15–20 сўм бўлган³³.

Шунингдек, 1900 йилларда суғориладиган, лалмикор ва иморатли ерлар билан биргаликда чорва боқиладиган яйловлар ва чорваларнинг озиғи ҳисобланган пичан ўриладиган ерларнинг нархларини ҳам аниқлашга уринишлар бўлиб ўтган. Ушбу уринишларнинг натижаси Жиззах уездининг кўпгина волостларида яйловлар сотилмаслигини кўрсатади. Жумладан, Работ, Янги Қўрғон, Сангзор, Чашми Об, Ём, Қоратош, Зомин ва Синтоб волостларида яйловлар сотилмаган³⁴. Синтоб волостида ушбу турдаги ерларнинг сотилмаслиги маҳаллий аҳолининг чорваларни яйловда боқиш удуми билан боғланади³⁵. Бир архив ҳужжатида, Сангзор волост бошлиғи ушбу ҳудудда яйловлар сотилмаслигини таъкидлайди, бироқ агар улар сотилган тақдирда ҳам уларнинг энг қиммат нархи 12 сўм ва арзони 8 сўм бўлишини айтади³⁶. Яйловларнинг энг қиммат нархи Жиззах шаҳри атрофларида кузатилган бўлиб, бир ботмон яйловнинг нархи 10–15 сўм бўлган. Боғдон волостида эса бир таноб яйловнинг нархи 3 сўмдан 6 сўмгача бўлган. Саврук ва Ўзбекия волостларида яйловларнинг баҳолари бир-бирига яқин бўлиб, уларнинг энг қиммат нархлари 20 сўм ва энг арзонлари 6–8 сўм бўлган³⁷.

Архив ҳужжатларини таҳлил қилганимизда Жиззах уездининг кўпгина қисмларида пичан ўриладиган ерлар мавжуд бўлмаганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, уезднинг Работ, Саврук, Ўзбекия, Янги Қўрғон, Чашми Об, Ём, Қоратош ва Зомин волостларида пичан ўриладиган ерлар мавжуд бўлмаган³⁸. Сангзор волостида пичан ўриладиган ерлар бўлса-да, улар савдо қилинмаслиги маълум бўлади. Агар сотилган тақдирда ҳам уларнинг тахминий нархи 8 сўмдан 12 сўмгача бўлган³⁹. Ушбу ер турининг энг қиммат нархи Синтоб волос-

³³ ЎЗР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 605-иш, 17, 27–28, 30, 32-варақлар.

³⁴ Ўша манба. 14, 20–22, 24, 27–28, 30–32-варақлар.

³⁵ Ўша манба. 32-варақ.

³⁶ Ўша манба. 22-варақ.

³⁷ Ўша манба. 12, 15, 17, 25-варақлар.

³⁸ Ўша манба. 14–15, 17, 20–21, 24, 27, 28, 30-варақлар.

³⁹ Ўша манба. 22-варақ.

тида кузатилиб, 12 сўмдан 20 сўмгача бўлган бир вақтда, энг арзони Боғдон волостида мавжуд бўлган ва бир таноб пичан ўриладиган ернинг нархи 2–4 сўмни ташкил этган⁴⁰.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири — XX аср бошларида Жиззах уездида ер нархлари турлича бўлганлиги кўзга ташланади. Бу тафовут, асосан, ер турига, ушбу ернинг қандай табиий шароитда жойлашганлигига ҳамда улардан олинадиган ҳосил турига бориб тақалади. Мисол учун, 1890 йилларда бир таноб боғ майдонининг энг баланд нархи 70 сўм бўлган бўлса, буғдой экиладиган ернинг энг қиммат нархи 12 сўмни ташкил этган. Чунки, буғдойни сувли ерлар билан бир қаторда лалмикор ерларда ҳам етиштириш имконияти мавжуд бўлган. Боғлар эса, асосан, сувли ерларда ташкил этилган ҳамда улардан ҳосил олиш учун бир неча йиллар кутишга тўғри келган. Бу эса табиийки, унинг нархи баланд бўлишини таъминлаган. Бундай тафовут суғориладиган ва лалмикор ерларнинг нархларида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, 1900 йилларда Работ волостида бир ботмон суғориладиган ернинг энг қиммат баҳоси 100 сўм бўлса, бир ботмон лалмикор ернинг энг қиммат нархи 50 сўм бўлган⁴¹. Зомин волостида, аксинча, лалмикор ернинг баҳоси суғориладиган ерга нисбатан баланд бўлган. Яъни бир ботмон суғориладиган ернинг энг қиммат нархи 30 сўмни ташкил этган бир вақтда, лалмикор ернинг энг баланд нархи 50 сўмни ташкил этган⁴². Шунингдек, айрим волостлардаги қишлоқлар ўртасида ҳам ер нархи бўйича тафовут борлиги кўзга ташланади. Бу манзара, айниқса, Қоратош, Зомин, Ўзбекия ва Янги Қўрғон волостларида ўзининг яққол аксини кўрсатган.

Биз юқорида асосан 1891 ва 1900 йилларда Жиззах уездида амалда бўлган ер нархларини таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қилдик. Агарда ушбу икки даврни бир-бири билан солиштирсак 9 йил давомида Жиззах уездида ер нархининг кўтарилганлигига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, 1891 йил буғдой, ғўза ва беда экиладиган бир таноб сувли ерларнинг энг қиммат нархи 40 сўм бўлган бўлса, 1900 йилда суғориладиган ернинг энг қиммат нархи 50 сўмни ташкил этган.

⁴⁰ ЎЗР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 605-иш, 25, 32-варақлар.

⁴¹ Ўша манба. 14-варақ.

⁴² Ўша манба. 30-варақ.

А. БАЗАРБАЕВ

**XIX АСР ОХИРИ — XX АСР БОШЛАРИДА ЖИЗЗАХДАГИ ЕР
НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Мазкур мақолада XIX аср охири — XX аср бошларида Жиззах уездидаги мавжуд ерлар нархлари тўғрисида сўз юритилади. Муаллиф мақолада худуддаги ер нархлари табиий шароитлар туфайли бир-биридан фарқ қилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф архив ҳужжатларига асосланиб Жиззахда ер нархлари йилдан-йилга кўтарилганлигини баён қилади.

Калит сўзлар: лалмикор ер, суғориладиган ер, Жиззах, ер нархи, таноб, ботмон, бугдой.

А. БАЗАРБАЕВ

**НЕКОТОРЫЕ РАССУЖДЕНИЯ О ЦЕНАХ НА ЗЕМЛЮ В ДЖИЗАКЕ
В КОНЦЕ XIX — НАЧАЛЕ XX ВЕКА**

В статье прослеживается динамика цен на землю в Джизакском уезде в конце XIX — начале XX в. Автор приводит основные факторы, оказавшие влияние на цены и диапазон различных категорий и видов земель.

А. BAZARBAEV

**SOME VIEWS ABOUT LAND PRICES IN JIZZAKH IN THE LATE
19TH AND EARLY 20TH CENTURIES**

This article explores land prices in Jizzakh at the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries. The author argues that land prices distinguished from one place to another because of natural conditions. Furthermore, some archival sources show that the price of land increased year by year in Jizzakh.

Х. БАБАДЖАНОВ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА НОН ТАҚСИМОТИ МУАММОЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳукумати ўз аҳолиси ва эвакуация қилинганларни нон ва бошқа истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда кўплаб муаммоларга дуч келди. Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги асосан пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан келтирилди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон аҳолиси истеъмолидаги асосий дон маҳсулотлари РСФСР ва Украинадан келтирилган.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларида фашистлар Германияси қўшинлари томонидан собиқ Иттифоқ ғарбий ҳудудларининг босиб олиниши қишлоқ хўжалиги аҳволига салбий таъсир этиб, озиқ-овқат таъминотини издан чиқарди. Оккупация қилинган ҳудудларда собиқ Иттифоқдаги жами экин майдонларининг 47%, шу жумладан, буғдой экиладиган майдонларнинг 38% қолиб кетди¹. Уруш бошлангач, республикага бошқа ҳудудлардан дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилиши тўхтатилди. Уруш оқибатида Ўзбекистон аҳолиси нон таъминотида ўзгаришлар содир бўлди.

Уруш йилларида нон таъминоти хусусида сўз кетганда унинг тақсимооти масаласини ҳам унутмаслик керак. 1941 йил 22 июнда урушнинг бошланиши собиқ Иттифоқнинг савдо, таъминот-тақсимот тизимида фавқулудда вазиятни юзага келтирди. Дўкон ва бозорлардаги совун, гугурт, туз, шакар ва бошқа маҳсулотлар аҳоли томонидан тезликда сотиб олинди ва захира қилинди. Ушбу вазиятда аҳоли асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарли даражада таъминлаш ва савдо-таъминот тизимида тартиб ўрнатиш учун давлат томонидан карточка-тақсимот тизими жорий этилди.

Эркин бозор иқтисодиётига асосланган давлатларга нисбатан Собиқ Иттифоқда карточка тизимини жорий этиш жараёни нисбатан осонроқ кечди. Чунки собиқ Иттифоқда марказлашган иқтисодий ти-

¹ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. М.: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. 22–23-бетлар.

зим мавжуд ва давлат галла етиштиришда монополист ишлаб чиқарувчи эди. Шунингдек, XX аср 20–30-йилларида мамлакатда карточкаларни жорий этиш бўйича тажриба тўпланган эди. Умуман олганда, уруш бўлмаган вақтларда ҳам карточкалар ва турли марказий тақсимот механизмлари Иттифоқ савдо тизимининг ажралмас қисми ҳисобланган.

Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи ва кундалик истеъмол рационида нон ўзига хос аҳамиятга эга. Нон фақатгина озиқ-овқат маҳсулоти эмас. У ўзбек халқи маданиятининг таркибий қисми ҳам ҳисобланади. Шунинг учун уруш йилларида аҳолини нон билан таъминлаш бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан қуйидаги ўзига хосликларга эга эди:

— биринчидан, карточка тизими бўйича нон таъминоти ва тақсимоти мамлакатнинг барча ҳудудларида бирдай жорий этилди. Гўшт, балиқ, шакар, макарон каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан эса марказлашган таъминот барча шаҳарларда ҳам ташкил этилмаган;

— иккинчидан, нон (бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан) кундалик эҳтиёж маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун нон кунлик меъёрада, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эса ойлик меъёр тарзида белгиланган ва сотилган.

Умуман олганда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида карточка тизimini жорий этиш жараёнини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврни 1941–1942 йиллар ташкил этади. Бу даврда мамлакат бўйича карточка тизими жорий этилди ва фаолияти бошланди. Иккинчи босқичда карточка тизими фаолияти юзасидан тажриба қайта таҳлил этилди ва такомиллаштирилди.

Урушнинг дастлабки вақтларида карточка тизimini жорий этиш юзасидан бир неча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. 1941 йил 18 июлдаги СССР ХКК нинг қарори билан дастлаб Москва, Ленинград шаҳарларида ва уларга яқин бир неча шаҳарчаларда озиқ-овқат (нон, кондитер маҳсулотлари, гўшт, балиқ, ёғлар) ва истеъмол (пахта ва ипак матолар, оёқ кийим, кийим-кечак, хўжалик совуни) молларини карточка асосида тақсимланиши белгиланди². 1941 йилнинг июль-ноябрь ойларида Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида ҳам карточка тизими жорий қилинди. 1941 йилнинг 1 сентябригача 197 аҳоли пункт-

² Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. Т. 2. М.: Политиздат. 1957. 705-бет.

ларида, шу йилнинг 1 ноябрига қадар 38 шаҳарда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари карточкалар бўйича тақсимланадиган бўлди³.

Карточка тизими жорий этилган шаҳарлар аҳолиси нон таъминоти ҳажми бўйича тўрт гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳ — ишчилар, инженер-техник ходимлар ва уларга тенглаштирилганлар (транспорт ва алоқа, тиббиёт, санъат, фан, таълим тизими ходимлари ҳамда донорлар);

2-гуруҳ — хизматчилар ва уларга тенглаштирилганлар;

3-гуруҳ — боқувчисини йўқотганлар;

4-гуруҳ — 12 ёшгача бўлган болалар.

Шунингдек, гуруҳлар ичида (фақат биринчи ва иккинчи гуруҳ учун хос) тоифаларга бўлиниш жорий этилди. Мудофаа, нефть-кимё, машинасозлик, қора ва рангли металлургия, транспорт, мудофаа қурилиши ва кончилик саноати ишчилари биринчи тоифани ташкил этганлар. Биринчи тоифага кирмаган халқ хўжалиги соҳалари ишчилари ва бошқа шаҳар аҳолиси иккинчи тоифа истеъмолчиларини ташкил этди. Урушнинг дастлабки вақтларида аҳолининг нон ва кондитер маҳсулотлари меъёрлари қуйидагича белгиланди (нон ҳар бир кишига кундалик, шакар ва кондитер маҳсулотлари ҳар бир кишига ойлик меъёр ҳисобида)⁴:

Аҳоли гуруҳлари	Нон, г		Кондитер маҳсулотлари ва шакар, г	
	1-тоифа	2-тоифа	1-тоифа	2-тоифа
Ишчилар	800	800	800	600
Хизматчилар	500	400	600	600
Боқувчисини йўқотганлар	400	400	400	400
12 ёшгача бўлган болалар	400	400	600	400

Булардан ташқари, ҳар бир халқ хўжалиги соҳаси ишчилари учун карточка меъёрларини белгилашда ички табақаланиш тизимларидан

³ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. М.: Наука, 1970. 192-бет.

⁴ Ўша манба. 393-бет.

фойдаланилди. Ушбу ҳолатни темир йўл тизими ходимлари нон таъминоти мисолида кўриб чиқсак. 1943 йил октябрдаги СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 557-сонли буйруғига кўра темир йўлчилар, муҳандис-техник ходимлар ва темир йўл мактаблари ўқувчилари ва шу соҳага тегишли бошқа аҳоли гуруҳлари учун карточка меъёрлари белгиланди.

Унга кўра карточка нон меъёрини белгилашда темир йўлчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг малакаси, улар ишлайдиган станция аҳамияти ва жойлашган ўрни инобатга олинди. Асосий станцияларда ишловчи темир йўлчилар учун кунлик 650 г, Белоруссия ва Украинанинг озод қилинган ҳудудлари ва 3-категориягача бўлган станцияларда фаолият юритувчи темир йўлчилар учун кунлик 600 г нон меъёри белгиланди⁵. Уруш йилларида Ўрта Осиёда етакчи ҳисобланган Тошкент темир йўли СССР нинг асосий темир йўллари рўйхатига киритилган эди⁶. Шунингдек, темир йўл транспортига тегишли ташкилот, муассаса ва корхоналар ходимларига кунлик 450 г, темир йўл мактаблари ўқувчиларига ва темир йўлчилар фарзандлари учун кунлик 300 г нон меъёри белгилаб берилди⁷. Юқоридагилардан кўриниб турганидек, уруш йилларида карточка тизими, унинг гуруҳлар ва тоифаларга бўлиниши тизими анча мураккаб ташкил этилди.

Уруш йилларида карточка нон меъёрлари доимий бўлмаган. Курғоқчилик, галла ҳосилдорлиги ва захираларининг ўзгариши билан карточка бўйича сотиладиган нон меъёрларига ҳам ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, 1943 йил Волгабўйи ҳудудларидаги курғоқчилик туфайли, 1943 йил 15 ноябрдаги СССР ХККнинг қарори билан кунлик карточка нон меъёрлари турли гуруҳ ва тоифалар бўйича 100 г дан 200 г гача камайтирилди⁸.

Уруш йилларида нон меъёрларини белгилаш ишчиларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш ёки уларни жазолашнинг ўзига хос механизмига ҳам айланди. 1942 йил 10 ноябрдаги Ўзбекистон ССР ХККнинг 1477-сонли қарори билан меҳнат интизомини бузган ва суд қарори билан ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган ишчиларнинг кунлик нон меъёрлари 100–200 г гача қисқартирилди. Шунингдек, корхона ва заводларда ишлаб чиқариш меъёрларини ортиги би-

⁵ ЎзР МДА. 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йиғмажилд, 19-варақ.

⁶ Ўша манба. 24-варақ.

⁷ Ўша манба. 20-варақ.

⁸ Ўша манба. 15-варақ.

лан бажарган ишчиларга ёқилғи, саноат моллари ва баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини биринчи бўлиб сотиб олиш имтиёзи берилди. Аммо имтиёз нон сотиб олишда қўлланилмади⁹.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, уруш йилларида қишлоқ аҳолиси давлат таъминотига олинмади. Карточкалар бўйича озиқ-овқат таъминоти ва тақсимооти фақат қишлоқ интеллигенцияси (тиббийёт ходимлари, ўқитувчилар, агроном, зоотехник ва бошқалар) ва қишлоқ жойларда яшовчи уруш ногиронлари учун белгиланди. Ушбу ҳолатлар 1942 йил 19 декабрдаги СССР ХККнинг 24307-р-сонли ва 1942 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон ССР ХККнинг 1614-сонли қарорларида аниқ белгиланиб берилди. Қарорларда қишлоқ жойларида яшовчи, аммо қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлмаган ишчи ва хизматчилар ҳамда эвакуация қилинган аҳолигина карточкалар бўйича давлат нон таъминотига киритилдилар¹⁰.

1942 йил 13 ноябрда СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 380-сонли буйруғига кўра аввалги карточка тизимини тартибга солувчи бир неча буйруқ ва фармойишлар бекор қилинди¹¹ ҳамда уларнинг ўрнига 1943 йил 1 январидан солиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларида ягона шаклдаги карточкалар жорий этилди. Шунингдек, буйруқ савдо комиссарлигига карточка эгаларини маълум дўконларга бириктириш ҳуқуқини берди. Ушбу буйруқнинг қабул қилиниши билан карточка тизимининг фаолияти анча тартибга солинди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида карточка тизими жорий этилишини бир томонлама, ижобий ҳодиса сифатида қараш нотўғри бўлади. Тизим фаолиятида кўплаб камчилик ва қонунбузарликлар учраб турди. Шунингдек, карточкаларнинг жорий этилиши жамиятнинг иқти-

⁹ ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 3747-ийғмажилд, 125-варақ.

¹⁰ ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 4089-ийғмажилд, 49-варақ.

¹¹ СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 1941 йил 16 июлдаги 275-сонли буйруғи, 1941 йил 22 августдаги 312-сонли буйруғи, 1941 йил 5 сентябрдаги 326-сонли буйруғи, 1941 йил 10 сентябрдаги 335-сонли буйруғи, 1941 йил 22 сентябрдаги 340-сонли буйруғи, 1941 йил 27 сентябрдаги 347-сонли буйруғи, 1941 йил 29 сентябрдаги 349-сонли буйруғи, 1941 йил 30 сентябрдаги 354-сонли буйруғи, 1941 йил 9 октябрдаги 360-сонли буйруғи, 1941 йил 22 октябрдаги 20/Н-сонли буйруғи, 1941 йил 22 октябрдаги 21/Н-сонли буйруғи, 1941 йил 26 октябрдаги 22/Н-сонли буйруғининг 1,2,6,7-бандлари ҳамда унинг 1,2,3-бандларига иловалар, 1941 йил 2 ноябрдаги 24/Н-сонли буйруғи, 1942 йил 24 январдаги 11-сонли буйруғи, 1942 йил 24 апрелдаги 79-сонли буйруғи; СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 1941 йил 17 июлдаги 0142-сонли, 1941 йил 30 августдаги 0166-сонли, 1942 йил 13 мартдаги 015-сонли, 1942 йил 2 апрелдаги 1-637-сонли ва 1942 йил 9 июлдаги 0107-сонли фармойиш хатлари.

содий-ижтимоий ҳаётига маълум даражада зарарли таъсир ўтказганини ҳам унутмаслик лозим. Ушбу муаммоларни умумий ҳолатда қуйидагилар деб белгилаш мумкин:

— биринчидан, карточка тизимининг жорий этилиши савдо-сотиқ муносабатларида нақд пул қадрининг ҳамда ишчиларнинг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлик ҳиссининг камайишига олиб келди. Ишчилар бажариладиган меҳнат ҳажми ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот сифатидан қатъи назар, аниқ белгиланган меъёрлар бўйича маҳсулот олардилар;

— иккинчидан, карточка тизими бўйича маҳсулотларнинг тақсимланиши маҳсулотлар турлари ҳамда сифатига салбий таъсир этди. Чунки маҳсулот қандай сифатда бўлмасин марказий тақсимланар ва харидорларда уни танлашга имконият йўқ эди;

— учинчидан, карточка тизими фаолиятини амалга оширувчи бюрократик бошқарув тизими юзага келди. Уруш йилларида карточка тизими фаолиятини ташкил этувчи органлар аппарати 25 минг кишини ташкил этди¹². Албатта, бу бошқарув аппарати бирданга шаклланди. СССР Савдо халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимларида карточкаларни тақсимлаш функцияси бор эди. Шунингдек, махсус бюрлар тузилиб, уларга карточкаларни корхона, ташкилотлар ва аҳолига тарқатиш ҳамда карточка тақсимотини назорат қилиш ҳуқуқи берилди. Баъзи ҳолларда, карточка тақсимотида иштирок этувчи бошқарув органлари фаолиятида қонунбузарликлар учраб турарди.

Тизим фаолиятидаги энг катта муаммо карточка бўйича нон тақсимотида турли қонунбузарлик ва чайқовчилик ҳолатларининг мавжудлиги эди. Давлат текширув органлари карточка тизими фаолиятини текширишга алоҳида эътибор қаратдилар. Текширувларнинг асосий мақсади биринчидан, карточка тизими фаолиятининг қонун ҳужжатларига мослигини текшириш бўлса, иккинчидан, янги қарор ва буйруқлар асосида нон таъминоти меъёрларини қисқартириш эди. Жумладан, 1942 йил 1 декабрдан 1943 йил 1 мартгача Ўзбекистонда карточка тизими фаолияти масалалари бўйича 336 марта турли текширувлар ўтказилди. Уч ой давом этган текширувлар натижасида республика аҳолисининг умумий нон таъминоти 4124 тоннага қисқартирилди¹³.

¹² Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. М.: Наука, 1970. 398-бет.

¹³ ЎЗР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 4089-ийгмажилд, 28-варақ.

Ҳар қандай жараён қонун асосида фаолият юритгани тўғри. Аммо бу каби текширувлар нон таъминоти ва тақсимооти билан боғлиқ қонунбузарликларга чек қўймади. Текширувларда аҳолининг нон таъминоти меъёрлари қисқартирилган бўлса-да, қонунбузарликка сабабчи шахслар камдан-кам ҳолларда жавобгарликка тортилди. Юқорида маълумот берилган текширув натижасида Ўзбекистон бўйича 70 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган бўлса-да, улардан атиги 3 тасини суд кўриб чиқди¹⁴.

Уруш йилларидаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг асосий қисми карточкада белгиланган меъёрлардан ташқари эркин савдодан деярли ҳеч нарса харид қилишга имконияти етмас эди. Ҳатто аҳоли маълум қатламларининг карточкадаги маҳсулотларни сотиб олишга ҳам шароити бўлмасди. Ёш ишчи ва ходимларнинг ойлик маошлари карточкадаги маҳсулотларни сотиб олиш учун 2–3 ҳафтага етарди.

Архив ҳужжатларининг маълумот беришича, кўплаб корхоналарда озиқ-овқат маҳсулотлари ноқонуний қайта тақсимланди. Шунингдек, аҳолининг алоҳида гуруҳларини нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ёпиқ тизим вужудга келди.

1944 йилдан ноқонуний савдога қарши курашиш мақсадида карточкаларсиз, аммо бир неча баробар қимматроқ нархларда савдо қилувчи «тижорат (расмий номи «коммерческий») савдо тизими» пайдо бўлди. Тижорат савдо тизимининг ташкил этилиши билан жамиятдаги нақд пул массасининг бир қисми давлат молия тизимига жалб қилинди. Тижорат дўконлари фаолияти билан, ҳамма учун бўлмаса-да (аҳоли кўпчилик қисмининг бунга қурби етмаган), юқори ойлик маош олувчи ишчи ва хизматчилар учун карточка меъёрларидан ташқари кўшимча маҳсулотлар, шу жумладан, нон ҳам сотиб олишга имконият яратилди. Карточка бўйича ва тижорат савдо тизимида маҳсулотлар нархи ўртасидаги фарқ сезиларли бўлган. Масалан, 1945 йил охирида II нав бугдой унидан тайёрланган ноннинг карточка бўйича нархи 1,7 рубль ва тижорат дўконларида эса 30 рубль бўлган¹⁵ (ўртадаги нархлар фарқи деярли 27 баробар). Шунинг учун чакана савдо айланмасида тижорат савдо тизимининг улуши катта бўлмай, 1945 йилда 9,6 % ни ташкил этди¹⁶.

¹⁴ ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 4089-йиғмажилд, 28-варақ.

¹⁵ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. 194-бет.

¹⁶ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. М.: Наука, 1970. 399-бет.

Аҳолига карточкалар бўйича берилаётган нон сифатига алоҳида тўхталиб ўтсак. 1941 йил 15 апрелда СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 172-сонли буйруғи билан «Озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли қабул қилиш ва сақлаш қоидалари» тасдиқланди. Ушбу қоидада нон (буғдой ёки жавдар) ва нон маҳсулотлари сирти йирик ёриқларсиз, текис бўлиши, ичи куйиб кетмаган ва етарли даражада пишган бўлиши; ноннинг сирти мағзидан ажралган бўлмаслиги, уваланиб кетмаслиги, қўшимча ҳид ва таъмга эга бўлмаслиги; намлик меъёри сақланиши каби стандартлар белгиланди.

Аммо уруш йилларида нон сифати масаласи жиддий муаммога айланди. Нон нимадан ва қандай тайёрланганлиги, қай ҳолатда сақланганлиги, техник ва санитар меъёрларга амал қилиниши миллионлаб одамлар саломатлигининг кафолати бўлиши мумкин эди. Урушнинг дастлабки вақтларидан ушбу меъёрларга ўзгартиришлар киритилди. Масалан, 1941 йил 13 сентябрдаги СССР ХКК қарори билан нон ёпишда фойдаланиладиган буғдой унга 15–20% миқдорда арпа унини аралаштиришга рухсат берилди¹⁷. Шунингдек, 1941 йил 26 декабрдаги СССР ХККнинг 1005/к-сонли буйруғида унга қўшимча кепак қўшишга рухсат этилди¹⁸. Бундай иқтисод усуллари ноннинг сифати ва тўйимлилиги даражасига салбий таъсир этди.

1941 йил август ойида нон ва макарон заводларининг текширувида ун, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сақланиши аянчли ҳолатга олиб келинганлиги маълум бўлди. Тошкент шаҳрини нон билан таъминловчи учта завод текшириб чиқилганда, уларнинг омборларида сақланаётган ун ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан зарарланганлиги маълум бўлди. Ҳатто, 6-сонли обинон заводи элактарининг ун паразитлари билан зарарланиши ҳолати учинчи даражага етгани аниқланди¹⁹.

Шунингдек, ушбу текширувда ун омборлари ҳолати, ачитқилар ҳамда ун сақланишига доир техник ва санитар меъёрларга сушт этибор берилаётганлиги маълум бўлди. Омборларда қопланган уннинг ерда сақланганлиги ва натижада нон тайёрлаш учун мўлжалланган уннинг замбуруғлар билан зарарланиши; омборлар поллари кўздан кечирилганда эса уларда кемирувчилар қолдирган тешиклар топилди²⁰.

¹⁷ ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 3143-йиғмажилд, 124-варақ.

¹⁸ Ўша манба. 1-варақ.

¹⁹ ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 2653-йиғмажилд, 104-варақ.

²⁰ Ўша жойда.

Нон ишлаб чиқариш жараёнида муттасил техник ва санитар-гигиеник меъёрларнинг бузилиши нон сифатининг ёмонлашуви, унинг ҳажми камайиши ва зарарланишига сабаб бўлди. Маълумки, сифатсиз тайёрланган нон маҳсулотларини истеъмол қилган инсон биологик (масалан, замбуруғлар билан) ва токсик (масалан, алкалоид моддалари билан) заҳарланиши мумкин. Ҳашаротлар, замбуруғлар ва кемирувчилар қолдиқлари билан зарарланган ундан тайёрланган нон инсон саломатлигига жиддий хавф эди. Нон заводлари ва омборхоналарда кўплаб муаммолар бўлишига қарамай, Тошкент ва Самарқанд вилоятида текширилган заводларнинг ҳеч бирида нон токсикологик ва биологик таҳлилдан ўтказилмаганди²¹. Текширувлар шундан далolat берадики, урушнинг кейинги йилларида ҳам Ўзбекистонда нон сифатини яхшилаш бўйича жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлмади.

Жумладан, 1943 йил июнь ойида Тошкент шаҳрини нон билан таъминловчи тўрт завод ва ўнта дўконда текширувлар ўтказилди. Текширув натижасида нон тайёрланиши, ташилиши ва сифати ҳолати юзасидан кўплаб нуқсон ва камчиликлар аниқланди. Жумладан, заводларда ноннинг сақланишига доир техник ва санитар нормаларга амал қилмаслик ҳолатлари аниқланди. Масалан, Тошкент шаҳрида аҳолини нон билан таъминловчи 1-сонли заводда нон сақланиши ва совитилиши учун махсус хоналар ташкил этилмагани ва тайёр нонлар полда сақланганлиги маълум бўлди²².

Уруш йилларида карточка бўйича белгиланган нон меъёрлари аҳолига тўлиқ равишда берилмаган ҳолатлар ҳам учраган. Нон заводлари ишлаб чиқариш режалари ҳар доим ҳам 100 фоизга бажарилмаган. Текширувлар ўтказилганда, 1943 йил июнь ойининг 18 кунида Тошкент шаҳрини нон билан таъминловчи тўрт заводнинг ўзи савдо ташкилотларига режадан 135 тонна кам нон етказиб бергани маълум бўлди²³. Нон билан аҳолини таъминлашнинг бошқа манбаси бўлмагани ҳолда, амалда дўконлар нон меъёрларини қисқартиришга мажбур бўлди.

Иккинчидан, карточка меъёрларининг камайишига нон тақсимот жараёнининг нотўғри ташкил этилганлиги ҳам сабаб бўлган. Масалан, савдо бошқармалари томонидан нон нотўғри тақсимланиши натижасида баъзи дўконларга талабдан кўпроқ, баъзиларига эса бел-

²¹ ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 2653-йиғмажилд, 105-варақ.

²² ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 4089-йиғмажилд, 64-варақ.

²³ Ўша жойда.

гиланганидан камроқ нон жўнатилган. СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 380-сонли буйруғига кўра, карточка эгалари маълум дўконларга бириктирилган ва бошқа дўкондан нон олишга ҳаққи йўқ эди. Демак, режадан кам таъминланган дўконларга бириктирилганлар ҳам карточка меъёрларидан камроқ нон сотиб олишга мажбур бўлганлар.

Карточкаларда белгиланган маҳсулотни сотиб олиш ҳам бир катта муаммо эди. Уруш йилларида дўконлар олдида, одатда, эрталаб соат тўртдан, совуқ ва тунда аёллар ва болалардан иборат узундан-узун навбат занжири пайдо бўларди. Шаҳарларда нон таъминоти вақтинчалик бузилган ҳолатлар ҳам содир бўлиб, бу аҳоли учун ҳақиқий фожа эди. Масалан, 1943 йил декабрь ойида Самарқанд шаҳрида 5 кунгача нон таъминотидан узилди. Текширувлардан аниқланишича, нон таъминоти бузилишининг асосий сабабчиси транспорт ва уларга ёқилғининг мавжуд эмаслиги бўлиб чиқди²⁴.

Демак, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини нон билан таъминлаш ва тақсимлаш ўзига хос тизим сифатида шаклланди. Тизимнинг бошида дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари бўлса, унинг сўнги занжирини истеъмолчилар ташкил этган. Нон таъминот ва тақсимот тизимининг бўғинлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, маълум бўғин функцияси бузилиши (масалан, транспорт ва ёқилғи йўқлиги) тизим фаолиятининг бутунлай бузилишига олиб келган.

Умуман олганда, давлат томонидан карточка тизимининг жорий этилиши, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг марказий тақсимоли уруш шароитида мажбурий ва керакли чора-тадбир эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тинч аҳолининг нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган минимал талаби карточка тизими орқали таъминланди.

Бошқа томондан, уруш бораётган турли давлатларда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотининг бузилиши, қимматчилик ва чайқовчилик ҳолатлари кўплаб кузатилган. Шунинг учун аҳолини карточка тизими орқали марказий таъминоти ва тақсимотининг жорий қилиниши мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим воситага айланди.

Аммо, Иккинчи жаҳон уруши йилларида карточка тизими фаолиятида ташкилий камчиликлар ва қонунбузарлик ҳоллари ҳам учраб

²⁴ ЎзР МДА. Р. 837-фонд, 32-рўйхат, 4089-йиғмажилд, 4-варақ.

турди. Ушбу камчиликлар марказий давлат нон тақсимоти тизими самарасининг камайишига, аҳоли маълум гуруҳларини нон билан таъминлашда мураккабликларга сабаб бўлди.

Х. БАБАДЖАНОВ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА НОН ТАҚСИМОТИ МУАММОЛАРИ

Ушбу мақолада мавжуд адабиёт, даврий нашр ва архив ҳужжатлари асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда нон тақсимотининг умумий манзараси ва у билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Шунингдек, мақолада нон тақсимоти билан боғлиқ чайқовчилик ҳолатларига қарши кураш масалалари ҳамда нон миқдори меъёрлари, таъминот муаммолари ва сифатига тегишли маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: карточка тизими, нон таъминоти масалалари, карточка меъёрлари, дифференциал тизим, нон савдоси, пулнинг реал харид қуввати, чайқовчиликка қарши кураш, нон сифати.

Х. БАБАДЖАНОВ

ПРОБЛЕМЫ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ХЛЕБНОЙ ПРОДУКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

В статье на основе имеющейся литературы, материалов периодических изданий и архивных документов освещены проблемы распределения хлеба в Узбекистане в годы Второй мировой войны, проанализированы меры по борьбе со спекулятивным рынком, нормы, качество хлебной продукции и правовые вопросы хлебного снабжения.

Х. BABADJANOV

PROBLEMS OF BREAD DISTRIBUTION OF IN UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

This article illustrates the general picture and problems of bread distribution in Uzbekistan in the years of the Second World War on the basis of the available literature and the materials of periodicals and archive documents.

The article also analyzes the process of fighting against speculative market, rates of provision of the population, with bread problems of provision and quality of bread and legal questions of bread provision.

ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

Н. МИРЗАЕВ

XIX АСР ОХИРИ — XX АСР БОШЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҚОЗИЛАРИ АРХИВ ФОНДЛАРИДАГИ АЙРИМ
ҲУЖЖАТЛАР ТАВСИФИ ХУСУСИДА

Туркистон ўлкаси анъанавий суд тизими тарихи мустамлака ва ундан кейинги даврларда тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келатган мавзулардан бири саналади. Дастлабки илмий изланишлар ўлканинг Россия империяси томонидан босиб олинishi билан бирга бошланган деб айтиш мумкин. Мазкур масалага доир мустамлака ва совет даврларида яратилган илмий адабиётлар сони етарлича бўлишига қарамасдан, улар нисбатан тор доирадаги бирламчи манбаларга асосланганлиги ва асосий хулосалар мантиқий тарзда ўрнатилган мафкуравий чекловлар таъсирида бир-бирини такрорлаганлигини қайд этиш мумкин.

Принципиал муносабатда мазкур масалага оид аксарият тадқиқот парадигмалари шарқшунослар Н.С. Ликошин, Н.П. Остроумовларнинг этнографик тадқиқотлари ҳамда Ф.К. Гирс ва К.К. Пален каби мустамлака маъмурият амалдорлари томонидан олиб борилган текширувлар натижасида қозилар фаолияти тўғрисида ёзиб қолдирган маълумотлар доирасида чекланиб қолиб, бевосита қозилик ҳужжатларидан фойдаланмаган¹.

1940–1970 йилларга келиб эса араб имлосидаги архив ҳужжатларининг очилиши билан янги маҳаллий манбаларни ўрганиш фаоллашди. Бу ҳолат мусулмон қонунчилиги талаблари асосида яратилган юридик ҳужжатларни илмий истеъмолга киритиш жараёнини жадаллаштириши керак эди. Бироқ, бир қатор мафкуравий, илмий-ташкилий хусусиятга эга бўлган сабабларга кўра мазкур йўналишда янги концептуал ишланмалар яратилмади, балки қозихоналарда расмийлаштирилган «васиқа»

¹ Фиолетов Н. Суды казиев в среднеазиатских республиках // Советское право, 1927. № 1(25). 132–146-бетлар; шу муаллиф. Судопроизводство в мусульманских судах (суды казиев) // Новый восток, 1928. № 23–24. 204–217-бетлар; Сулейманова Х. С. Создание и развитие советского суда в Туркестанской АССР (1917–1924 гг.) Ташкент: Изд. АН УзССР, 1954. 88-бет.; Бакиров Ф. Чор Туркистониди суд, шариат ва одат. Тошкент: Фан, 1967. 48-бет; Абидова Н. И. Суды казиев и особенности процесса их ликвидации в Узбекской ССР (1917–1928 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1974. 32-бет.

туридаги нотариал ҳужжатлар тўплами ёки каталог шаклида маълумот кўринишидаги шарҳлар билан нашр этилишига олиб келди².

Шу ўринда охириги йилларда олиб борилган баъзи тадқиқотларни қайд этиш жоиз. Хорижий тадқиқотчилар орасида қозилар фаолиятини ўрганган П. Сартори томонидан чоп этилган мақолалардан бирида маҳаллий қозиларнинг мустамлака даврида олиб борган иш юритиш тартиби тадқиқ этилиб, империя маъмурияти чиқарган янги қарорлар узоқ муддатгача кучини кўрсата олмагани тўғрисида фикр билдирилган. Шунингдек, муаллиф қозилар юритган қайд китоблари Усмонийлар империясидаги сижжилотлар каби ўлка қонунчилиги тарихини ўрганишда бебаҳо аҳамиятга эга деб баҳолайди³.

Тадқиқотчилардан У. Абдурасулов Хива хонлиги ясовулбошиси девонхонаси ҳужжатлари таҳлили асосида умумдавлат қонунчилиги тизимига қозилар институтининг интеграция даражаси ва уларнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги можароларни ҳал қилишдаги иштирокини кўрсатиб берган⁴.

С. Муҳаммадаминов эса ўз маърузасида ЎЗР ФА шарқшунослик институтида сақланаётган қозиларнинг «*Жунг*» китоблари тўпламига батафсил тавсиф бериб, уларнинг классификацияси бўйича дастлабки таклифларни тақдим этган⁵. Муаллифнинг илмий хулосаларига кўра қози, муфти ва ҳаттоки мударрислар томонидан тузилган мазкур «*Жунг*»лар «*ислом фикҳий*» меъёрларининг соддалаштирилган кодификацияси саналган.

² Иванов П. П. Архив Хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. Л., 1940; шу муаллиф. Хозяйство джуйбарских шейхов / К истории феодального земледелия в Средней Азии в XVI–XVII вв. Москва-Ленинград, 1954; Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. Ташкент, 1965; шу муаллиф. Самаркандские документы XV–XVI вв. Москва, 1974; Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков / Подбор документов, введение, перевод, примечания и указатели Ю.Э. Брегея. М.: Наука, 1967; Троицкая А. Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. М.: Наука, 1968 ва ҳ. к.

³ Sartori P. Colonial legislation meets sharia: Muslims' land rights in Russian Turkestan // Central Asian Survey. Vol. 29. № 1, March 2010. P. 43–60.

⁴ Абдурасулов У. Централизованное правосудие и общественное посредничество в Хорезме: анализ документов канцелярии ясаулбаши // «Марказий Осиё тарихи замонавий медиевистика талқинида» мавзуйидаги халқаро конференция материаллари. Тошкент: Янги нашр, 2013. 223–240-бетлар.

⁵ 2012 йилнинг 25–26 ноябрида «ЎЗР ФА Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фондининг электрон каталогини яратиш» лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган «Актуальные вопросы каталогизации восточных рукописей» номли халқаро семинардаги «Что из себя представляют сборники Джунг?» маърузаси матни.

Юқорида қайд этилган илмий изланишларда Туркистон қозиларининг иш юритиш хусусиятлари ва юридик ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва умуман олганда, қозилик ҳужжатлари дипломатикасини ўрганиш мақсад қилиб қўйилмаган. Мақолада ЎЗР МДА да сақланаётган Тошкент шаҳар қозилари архив фондлари таркибидаги қарор ва далолатномаларни қайд этиш китобларининг юритилиши, таркибий тузилиши ва ушбу китобларнинг жамиятдаги маълум ижтимоий масалаларни ёритишдаги манбавий аҳамиятини таҳлил этиб беришга ҳаракат қиламиз.

Марказий Осиёда йирик архив ҳужжатлари сақловхонаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида (ЎЗР МДА) мужассамлашган шарқ тилларидаги ҳужжатлар Марказий Осиё тарихини ўрганишда муҳим манба саналади. Архивдаги фондлар даврлаштириш тамойили асосида 3 та: XX аср бошларигача бўлган давр (тарихий), совет ва мустақиллик даврларига ажратилган.

Ҳозирда архивда 120 га яқин Туркистон ўлкасининг 3 та вилояти (Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё) ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент уезди ҳудудларида фаолият олиб борган қозилар фондлари сақланиб келмоқда. Ушбу фондлар бошқа архив ҳужжатларига нисбатан тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганилмаган. Бунинг асосий сабаби кўпчилик изланувчиларнинг ушбу фондлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмаганлиги ҳамда мазкур ҳужжатлар матншунослик нуқтаи назаридан ўқилиши қийин бўлганлиги туфайли изланувчидан махсус тайёргарликни талаб этиши билан изоҳланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, биз қуйида Тошкент шаҳар қозилари архив фондларининг қисқача таснифини келтириб ўтамиз.

Архивдаги Тошкент шаҳар қозилари ҳужжатлари тўртта даҳада (Шайхонтоҳур, Себзор, Бешёғоч, Кўкча) якка тартибда фаолият юритган қозилар ва Тошкент шаҳар қозилар қурултойи (съезди) архив фондларидан иборат.

Қозиларнинг иш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда улар расмийлаштирган ҳужжатларни икки турга ажратиш мумкин: суд (жиной ва фуқаровий) ишлари ва нотариал актлар. Иш юритиш эски ўзбек (чиғатоӣ) тилида олиб борилган. Фонд таркибидаги ҳужжатлар, асосан, қайд китобларидан иборат. Жумладан, «Қозилар съезди фонди»да 1869–1916 йилларга тегишли жами 58 та йиғмажилд бўлиб, улардан 41 таси «Қарорларни қайд этиш китоби», қолганлари эса «Далолатномаларни қайд этиш китоби»дир⁶.

⁶ ЎЗР МДА. Ф. И-362, 1-рўйхат.

Бешёғоч даҳаси қозиси фондида 1869–1922 йилларга оид жами 97 та йиғмажилд бўлиб, улардан 2 таси «Қозининг буйруқ ва эълонлари китоби», 48 таси қарорлар ва қолганлари далолатномалар китобидир⁷.

Кўкча даҳаси қозиси фондида 1869–1918 йилларга тегишли жами 91 та йиғмажилд бўлиб, улардан битта йиғмажилд «Қозининг буйруқ ва эълонлари китоби», 45 таси қарорлар ва қолган 45 таси далолатномалар китобларидир⁸.

Себзор даҳаси қозиси фондида 1878–1924 йилларга доир жами 94 та китоб сақланган бўлиб, биттаси «1881 йилда содир бўлган воқеаларни қайд этиш китоби», 44 таси қарорлар ва 48 таси далолатномаларни қайд этиш китобларидир. Охириги 94 йиғмажилд «Саййид Ғоziхоннинг васиятномаси»дир⁹.

Шайхонтоҳур даҳаси қозиси фондида 1878–1923 йилларга тегишли жами 110 та йиғмажилд бўлиб, биттаси «Қозининг буйруқ ва эълонлари китоби», 51 таси қарорлар ва қолган 58 таси далолатномалар китобларидир¹⁰.

Ушбу китоблар вақти-вақти билан Тошкент шаҳар ҳоқими ёки тегишли вилоят бошқармаси бошлиғига қилинган ишлар тўғрисида тақдим этилган ҳисоботга илова сифатида ҳам қўшиб топшириб турилган. Шунинг учун қозиларнинг айрим даврларга тегишли бўлган қайд китобларини Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси архив фондлари таркибида ҳам топиш мумкин¹¹.

Маълумки, 1865 йилда Туркистон вилояти ташкил этилиши билан, маҳаллий шариат судларининг таъсирини сусайтириш ва обрўсизлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида ҳарбий губернатор М. Черняев ҳарбий вазир Д. Милютиндан махсус кўрсатма олган эди. 1865 йил 6 августда қабул қилинган «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги вақтинчалик Низом»га асосан эса қозиларни тайинлаш ваколати ҳарбий губернаторга берилиб, қозилар фақатгина фуқаролик ишларини мустақил кўриб чиққан, жиноий ишлар эса ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилган эди. Шунингдек, Низомга асосан қози калон лавозими бекор

⁷ ЎзР МДА. Ф. И-363, 1-рўйхат.

⁸ ЎзР МДА. Ф. И-364, 1-рўйхат.

⁹ ЎзР МДА. Ф. И-365, 1-рўйхат.

¹⁰ ЎзР МДА. Ф. И-366, 1-рўйхат.

¹¹ Масалан, Тошкент шаҳар бошлиғи архив фонди (Ф. И-36), 1-рўйхат, 2458, 2459 ва 2460-йиғмажилдлари остида Тошкент шаҳар қозилар съезди томонидан 1884, 1885 ва 1886 йилларда юритилган далолатномаларни қайд этиш китоблари сақланади.

қилиниб, қози ва бийларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилган ҳамда уларни уч йил муддатга сайлаш билан бирга фаолиятини ҳам маълум ҳудуд доирасида чеклаб қўйилган эди.

1867 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги вақтинчалик Низом»га асосан қози ва бий судлари қайта тикланиб, номзодларни сайлаш ва судлар фаолиятини юритиш тартиби белгиланди. Ушбу Низомга асосан маҳаллий аҳоли учун хизмат қиладиган судлар 3 турга бўлинган эди:

1) якка тартибда фаолият юритувчи қози ва бий судлари;

2) халқ судьяларининг қурултойи (*съезд*);

3) турли волост ва уездлар аҳолиси ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқувчи халқ судларининг фавқулодда қурултойи (*съезд*). Қурултой, асосан, якка тартибдаги қозилар кўриб чиққан ишлар юзасидан апелляция органи саналган. Ушбу тартибда маҳаллий суд тизими айтарли ўзгаришларсиз империя ҳукмронлиги даврида фаолият кўрсатган¹².

Низомга асосан маҳаллий аҳоли ишларини кўриб чиқувчи қози ва бий судлари расман «*халқ судлари*» деб номланиши белгилаб қўйилган эди. Бироқ, ЎзР МДА қозилар архив фондлари таркибида сақланмаётган ҳужжатларга қўйилган муҳрларда анъанавий тарзда қози лавозими кўрсатилганлиги уларни халқ судлари деб эмас, балки эски ном билан фаолият юритганлигидан далолат беради.

1886 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомда ҳам халқ суди таркибий тузилиши сақланиб қолиши билан бирга, уларнинг иш юритиш тартиби ҳам ўзгаришсиз қолган деб хулоса қилиш мумкин. Жумладан, Низомнинг 227-моддасида халқ (народный) судьялари томонидан қабул қилинадиган қарор ва далолатномаларни ёзиш учун махсус китоблар юритилиши шартлиги, ушбу китобларнинг шаклини вилоят бошқармаси ишлаб чиқиши ва Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилган эди. Китобларнинг сарф-харажатлари халқ судьяси ҳисобидан қопланиши ҳам қайд этилган¹³.

¹² Якка тартибдаги судлар 100 рублгача ишни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган, халқ судларининг қурултойи эса 1000 рублдан ошмаган даъволарни кўриб чиққан. *Қаранг:* «О судебной реформе в Туркестанском крае и степных областях». Из журнала Министерства Юстиции (февраль 1899 г.). Санкт-Петербург, 1899. 7-бет.

¹³ Положение об управлении Туркестанского края. Том 2. Часть 2. Санкт-Петербург, 1886. 29-бет.

Шунингдек, халқ судьялари (қози)га суд жараёнида иштирок этган томонларнинг талабларига кўра ўз муҳри билан қарордан кўчирма бериш, маҳаллий аҳоли ўртасидаги турли хил шартнома ва далолатномаларни тасдиқлаш ваколати ҳам берилган эди. Томонлар қарордан нусха олганларининг исботи тариқасида китобда кесиб қолдирилган қисмига қўл қўйишлари керак бўлган.

Аҳолига берилган далолатномалар иккитадан кам бўлмаган гувоҳлар иштирокида томонлар (саводсизларнинг ўрнига ваколатли шахс)нинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак эди. Ушбу ёзувлар гувоҳлик жараёнини ҳужжатлаштирган қозининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши ва муқоваланган китобга тегишли тартиб рақами билан киритилиши ҳам белгилаб қўйилган эди.

Мазкур китоблар қозилар кўрган масалаларни расмийлаштириш учун империя маъмурияти томонидан жорий этилган шаклда юритилган. Улар махсус буюртмага асосан босмахона (типографик) усулида тайёрланган муқовали китоблар бўлган. Ёзувларни киритишни осонлаштириш учун китоблар рус тилида киритилган сарлавҳалар билан алоҳида устунлар (графалар)га бўлинган.

«Қарорларни қайд этиш китоби»да суд жараёнига оид ҳужжатлар мужассамлашган бўлиб, белгиланган тартиб бўйича жиноий ишлар ва даъволар бўйича чиқарилган қарорларга ажратилган. Умуман олганда, формуярга асосан бундай турдаги қарорлар баёни бир-бирига ўхшаш, бироқ кўрилган масала мазмуни жиҳатидан маҳаллий аҳоли орасидаги турли хил ижтимоий муаммоларни шариат қоидаларига кўра ечимини акс эттиради.

Қозилар «Қарорлар китоби»нинг таркибий тузилиши тартиб рақами, сана (ой ва кун), даъвогар ва жавобгарнинг арзномаси мазмуни, қозининг қарори, томонларнинг ва қозининг имзоси ҳамда қарордан нусха олганлик тўғрисида тасдиқ ёзувидан иборат бўлганлигини кўришимиз мумкин¹⁴.

Далолатномалар китобига қозилар томонидан расмийлаштирилган барча нотариал фаолият, яъни ер олди-сотдиси, қарз олиш-бериш, мулкни гаровга қўйиш каби муносабатларни тасдиқлаб бериш тўғрисида маълумотлар киритилган¹⁵.

Шу билан бирга айрим ҳолларда алоҳида масалалар юзасидан махсус китоблар ҳам юритилган. Хусусан, Тошкент шаҳар Кўкча даҳаси

¹⁴ ЎзР МДА. Ф. И-363, 1-рўйхат, 13-йиғмажилд.

¹⁵ Ўша жойда. 139-йиғмажилд.

қозиси Мулло Одил Исҳоқбой ўғлининг 1899 ва 1900 йилларга доир сағир¹⁶лар масалаларини қайд қилиш дафтариди жами 202 та вояга етмаган етим болаларга доир иш кўрилган бўлиб, 1899 йилда 104 та, 1900 йилда эса 98 та масала қайд этилган. Мазкур дафтардаги маълумотлар фақат етим болалар мулкани бошқариш амалиёти билан боғлиқ шариат ҳукмлари тўплами сифатида хизмат қилмай, балки Марказий Осиё ижтимоий тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба саналади.

Юқорида қайд этилган Низом ва бошқа кўриб чиқилган қозилик ҳужжатлари шуни кўрсатадики, қозилар съезди иш тартиби, ўтказилиш вақти, жойи, унда қатнашувчи қозилар сони губернатор томонидан белгилаб берилган ҳамда уезд бошлиғи съезд чақирилишига жавобгар бўлган. Съездда иштирок этган қозилар ўз ичидан раис сайлаган¹⁷.

Шу ўринда Тошкент шаҳар ҳокимиغا Тошкент қозилари съездининг 1894 йил январь ойида юборган билдиришномасини келтириб ўтамыз:

«Съезднинг ҳурматли ҳокимиغا маълум қиламизки, 1894 йилнинг январь ойидаги съездга ўз орамиздан садрнишин (председатель) қилиб Себзор даҳаси қозиси Раҳимхўжа Эшон Алихўжа Эшон ўғлини сайлаб қўйдик. Подшоҳлик муҳрларимизни босдик»¹⁸. Ҳужжат Шайхонтоҳур, Кўкча ва Бешёғоч даҳалари қозиларининг муҳрлари билан тасдиқланган.

Шунингдек, съездда яқка тартибдаги қозиларнинг иш юритиш тартиби масаласига доир қарорлар ҳам қабул қилинган. Хусусан, 1894 йилнинг 2 январиди Тошкент шаҳри бўйича қозиларнинг иш тартибқоидалари дастури тасдиқланган. Унга кўра қозиларнинг иш куни сифатида ҳафтанинг чоршанба ва якшанба кунларидан ташқари, беш кун: душанба, сешанба, пайшанба, жума ва шанба кунлари эрталаб соат 8.00 дан бошлаб кечки соат 15.00 га қадар иш вақтлари белги-ланган. Бирор жиддий сабаб ёки ҳодиса содир бўлмаса қозилар икки кун дам олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Мисол тариқасиди Тошкент шаҳар Қозилар съезди томонидан Шайхонтоҳур даҳаси қозисининг 1911 йил 2 апрелдаги 25-ҳукмини қайта кўриб чиқиш натижасини келтирамыз.

¹⁶ Вояга етмаган етим бола.

¹⁷ Положение об управлении Туркестанского края. Том 2. Часть 2. Санкт-Петербург, 1886. 237, 239-моддалар.

¹⁸ ЎзР МДА. И-364-фонд, 1-рўйхат, 34-йифмажилд, 1-варақ.

Тошкент шаҳар ҳокимидан съезд қозиларига келган 1374-буйруққа асосан, 1911 йил март ойининг 2-санасида Қазоқбой Шодмонбой ўғли томонидан Шайхонтоҳур даҳаси қозиси Мулло Орифхўжа Мулло Муҳаммад Шарифхўжа ўғли қарори юзасидан берган аризасини қайта кўриб чиқилган. Унга кўра Шайхонтоҳур даҳаси қозиси мазкур Қазоқбойни ароқ ичиб маст бўлгани ва ножўя ишларни амалга оширгани туфайли «*турмаи подшоҳия*» деб аталган қамоқхонада 45 кун жазоланишлиги тўғрисида ҳукм қилгани учун ариза берувчи Қазоқбой норози бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокими номига ариза ёзган. Съезд ушбу ишни белгиланган тартибда батафсил ўрганиб чиқиб, куйидаги хулосага келиб, шаҳар ҳокимига ёзма жавоб юборилган:

«Мазкур қозининг 118-рақамлик ҳукми шариатга мувофиқ экан ва биз мазкур Қазоқбой жиноятчига белгиланган 45 кунлик қамоқ жазосини ўташлиги ҳақида дафтарга ёзиб, ўзининг қўлига ҳам тутқазиб юбордик ва муҳрларимизни босдик». 3 та муҳр кўйилган, садрнишин қози Алоуддинхўжа Муҳаммадхўжа ўғли¹⁹.

1892 йилда Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский томонидан тасдиқланган «Халқ судьялари учун жорий қилинган Йўриқнома»нинг 12-бандига асосан, халқ судьялари съезди ҳам ўз ҳукмларини дафтарга ёзиш жараёнида якка тартибдаги халқ судьясининг ҳукмларни ёзиш тартиб-қоидаларига амал қилишлари керак, деб белгиланган эди²⁰.

Бироқ, қозилар съезди томонидан расмийлаштирилган «Қарорлар китоби»нинг юритилишида бир қатор фарқлар учрайди. Хусусан, съезднинг «Қарорлар китоби»да маълум бир қози томонидан кўриб чиқилган масалани Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан қайта кўриб чиқилганлиги²¹, масала ҳар томонлама ўрганилиб, якка тартибдаги қозининг қарори тўғри ёки нотўғрилиги юзасидан муҳр билан тасдиқланган якуний хулоса берилган²².

¹⁹ ЎзР МДА. Ф. И-364, 1-рўйхат, 49-ийғмажилд, 52-варақ.

²⁰ Ўша жойда. Ф. И-364, 1-рўйхат, 42-ийғмажилд, 1–3-варақлар.

²¹ Якка тартибдаги қозилар чиқарган ҳукмга рози бўлмаган тараф ўз қўли билан съездга ариза бермасдан, уезд бошлиғи ёки участка пристави, ёки волост бошлиғи орқали мурожаат этиши керак бўлган. Бунда съезд китобининг «аризалар мазмунини» деб ёзилган жойида кўрсатиб ўтилган. Агар мазкур ариза съездга Тошкент шаҳар ҳокими буйруғи билан юборилган бўлса, мазкур буйруқнинг санаси ва рақамини кўрсатиб ўтиш керак бўлган.

²² ЎзР МДА. Ф. И-362, 1-рўйхат, 19-ийғмажилд.

Тошкент шаҳар қозилар съезди қарорлар китобининг статистик таҳлили²³

Кўриб чиқилган масалалар	1884 йилги қарорлар китоби таҳлили натижалари					
	Жами муурожаат- лар сони	Аёллар		Натижа		
		бевосита ўзи	вакили орқали	ижобий	салбий	даъводан кечиш
Ер олди- сотдиси	3	—	—	1	1	1
Мерос	9	1	2	6	1	2
Қарз	20	2	—	6	8	6
Мутавалли ла- возимиға даъво	3	—	—	—	2	1
Жанжаллашиш	1	—	—	—	—	1
Кўчмас мулкка эгаллик	7	1	2	4	2	1
Омонат	1	—	—	1	—	—
Вақф мулки	3	—	—	—	3	—
Пул ижараси	2	—	—	2	—	—
Талоқ масаласи	1	1	—	—	1	—
Ўғирлик	1	—	—	1	—	—
Жами	51	5	4	21	18	12

Бироқ, якка тартибдаги қозилар чиқарган ҳукмдан норози бўлган тараф тўғридан-тўғри съездга муурожаат қила олмаган, балки уезд бошлиғи ёки участка пристави, ёки волост бошлиғи орқали ўз арзномасини тақдим этиши керак бўлган. Келиб тушган арзнома қарорлар китобининг «аризалар мазмуни» деб ёзилган устунда кўрсатиб ўтилган. Агар мазкур ариза съездга Тошкент шаҳар ҳокими буйруғи билан юборилган бўлса, қарорда мазкур буйруқнинг санаси ва рақами кўрсатилган. Лекин олиб борилган суриштирув ишлари батафсил баён этилмасдан, фақатгина белгиланган ҳукм юзасидан съезд хулосаси ёзилган.

Шу ўринда съезднинг «Далолатнома китоблари» таҳлили якка тартибда фаолият юритган қозилар китобидан тубдан фарқ қилганли-

²³ Жадвал 1884 йилда Тошкент шаҳар ҳокими билан қозилар съезди ёзишмалари асосида тузиб чиқилган.

гини ҳамда манбавий нуқтаи назардан ўзида нисбатан тўлиқ маълумотлар мужассамлаштирганлигини қайд этиш жоиз. Жумладан, ушбу китобларни ўрганганимизда, ундаги масалалар ҳам Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан кўриб чиқилганлигини ва олди-сотди шартномалари (васиқа), қарз олиш ёки бериш, мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар ўрганилганда, албатта воқеа билан боғлиқ бўлган ҳудуднинг аниқ чегараси ва ҳажми тавсифлаб ўтилганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, мазкур шартнома ёки битим кимларнинг гувоҳлигида, қанча маблағ эвазига ҳамда қайси қози томонидан тасдиқлаб берилганлиги аниқ кўрсатиб ўтилган²⁴.

Умуман олганда, ЎзР МДА да сақланаётган Туркистон ўлкаси қозилари архив фондларидаги қайд китобларини манбавий таҳлил этиш орқали жамият орасидаги ижтимоий муаммолар ва муносабатлар, уларни кўриб чиқиш тартиби, ўрганилаётган даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, аҳолининг турмуш тарзи, ўзаро муносабатлар, олди-берди шартномаларининг амалга оширилиш тартиби, ернинг нарх-навоси билан боғлиқ айрим иқтисодий масалалар ҳамда Тошкент шаҳри маҳалла ва мавзелари топонимикасига доир маълумотларни ҳам олишимиз мумкин.

Мазкур китобларнинг жорий этилиши мустамлака маъмуриятига бир томонидан қозилар фаолияти белгиланган қонун доирасида амалга оширилаётганлигини назорат қилиш имкониятини яратган бўлса, иккинчи томондан кўриб чиқилган ҳуқуқий масалаларга доир ҳужжатларни юритишда янги амалиёт татбиқ этилганлигини ифодалайди.

²⁴ ЎзР МДА. Ф. И-362, 1-рўйхат, 18-ийғмажилд.

Н. МИРЗАЕВ

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚОЗИЛАРИ
АРХИВ ФОНДЛАРИДАГИ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАР ТАВСИФИ ХУСУСИДА**

Мақолада ЎзР МДА Тошкент шаҳар қозилари архив фондлари таркибида сақланаётган қарорлар ва далолатномаларни қайд қилиш китобларининг тарихий манба сифатидаги хусусиятлари ва ўлка ижтимоий тарихини ўрганишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: анъанавий суд тизими, архив фондлари, далолатномаларни қайд этиш китоби, ижтимоий масалалар, ислоҳот, тарихий манба, халқ судлари, қозилар съезди, қарорлар китоби, қозилик ҳужжатлари.

Н. МИРЗАЕВ

**К ХАРАКТЕРИСТИКЕ НЕКОТОРЫХ ДОКУМЕНТОВ ИЗ ФОНДА
КАЗИЙСКИХ АРХИВОВ Г. ТАШКЕНТА КОНЦА XIX — НАЧАЛА XX ВЕКА**

В статье на основе анализа своеобразия книг регистрации решений и актов, хранящихся в ЦГА РУз в составе архивных фондов казиев г. Ташкента, раскрывается их значение как исторических источников в изучении социальной истории края.

N. MIRZAEV

**ABOUT THE DESCRIPTION OF SOME DOCUMENTS FROM THE TASHKENT
CITY KAZI ARCHIVAL FUNDS RELATED TO THE END OF THE 19TH
AND THE BEGINNING OF 20HT CENTURIES**

In this article the main goal is to analyze the kazi documents as a source of Central archive in Tashkent, and their role in studying the social history of the country. Also the author shows the differences between the act books and the solution books registered by Tashkent kazi courts.

В. ХАН

ОСВЕЩЕНИЕ ИСТОРИИ КОРЕЙСКОЙ ПОЛУЛЕГАЛЬНОЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ АРЕНДЫ (КОБОНДИ) В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ И ПУБЛИЦИСТИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Кобондя ... Так советские корейцы называли своих соплеменников, выращивающих на правах полулегальной аренды сельскохозяйственную продукцию на колхозных и государственных землях в различных регионах СССР¹, а вид этой деятельности стал соответственно называться *кобонди*². Этот вид сезонного овощеводства начинает распространяться среди корейцев с 40-х годов прошлого века и становится их характерной трудовой нишей.

До перестройки тема кобонди была вообще предметом умолчания в советской науке. Причины такого умолчания видятся в следующем.

Во-первых, хотя кобонди являлось по существу формой арендного подряда, формально, — как экономическая форма организации труда, прописанная в законодательстве, — она не существовала. Нормативной базы для арендного землепользования до конца 80-х годов как таковой не было. С 4 июня 1937 г. в стране действовало постановление ЦИК и СНК СССР «О воспрещении сдачи в аренду земель сельскохозяйственного значения». А советская экономическая наука не изучала феномены, выходящие за пределы правового поля, даже если они носили массовый характер.

Во-вторых, кобонди, по сути, было формой частного предпринимательства, основанного на рыночных подходах, что рассматривалось советской политэкономией как нечто несовместимое с социалистическим производством. Если советские экономисты и признавали необходимость рыночной экономики при социализме, то только в качестве временного компонента (НЭП в первые годы Советской власти) или весьма незначительного сегмента в сформированной социалистической экономике (деханские рынки или кустарное ремесло). Разумеется, во второй половине 50-х и первой половине 60-х годов, когда было объявлено, что к 80-м

¹ На русском языке они именовались *гектарщиками*.

² *Кобон* — участок обрабатываемой на правах аренды земли (*кор*).

годам в СССР будет построена материально-техническая база коммунизма (Н. Хрущев), и в 70-е годы, когда было объявлено, что страна вступила в фазу развитого социализма (Л. Брежнев), о предпринимателях и рыночных отношениях в СССР не могло быть и речи. Понятия «предприниматель», «бизнесмен» были из области негативной лексики как нечто, связанное с отжившим политико-экономическим строем (капитализмом), индивидуальным эгоизмом, моралью рвачества и алчной наживы, отсутствием духовности. И, конечно же, советская наука не могла допустить признания того, что высокие урожаи «передового социалистического колхозно-совхозного строя» каким-то образом связаны с деятельностью частных предпринимателей, нелегальным арендным подрядом, рыночными отношениями, то есть со всем тем, что «не должно» существовать при социализме.

Кобонди стало «фирменным» бизнесом корейцев — чуть ли не эксклюзивным этническим предпринимательством — и охватило самые широкие слои корейской общины. В него были вовлечены не только колхозники, но и инженеры, педагоги, ученые. И в этом смысле кобонди — уникальное явление, не встречаемое в корейских общинах других стран.

Кобондя получали урожаи (даже на бросовых участках), в несколько раз превышающие урожаи на лучших колхозных и совхозных полях. Они опровергали учебники по овощеводству о невозможности культивации той или иной сельскохозяйственной культуры в определенных регионах. И они же стали родоначальниками многих инноваций и технологий, впоследствии получивших высокую научную оценку.

Однако наибольшая историческая значимость кобонди заключалась в том, что в рамках огосударствленной, тотально регламентированной советской экономики это был один из первых шагов к экономической свободе, к рыночной системе хозяйствования. Кобондя показали, как можно не за счет взяток и хищения государственной собственности, а трудом, напряженным и рационально организованным, обеспечить уровень жизни, на несколько порядков превышающий средний уровень жизни по стране. Этот пример имел большое значение с точки зрения формирования оптимистично ориентированных мотиваций в общественном сознании. В сознании советских людей высокие доходы традиционно были свя-

заны с высоким статусом в социальной иерархии. Обладателями этого статуса были высокопоставленные чиновники (партийные функционеры, министры, руководители ведомств) или люди, контролировавшие дистрибутивные сети в условиях дефицита (директора универмагов и торговых баз). Либо это были чрезвычайно талантливые люди, достигшие неординарных успехов, — известные писатели, спортсмены, звезды кино и эстрады, ученые, космонавты. Значение опыта кобонди в том, что рядовой обыватель увидел — даже в сельском хозяйстве, которое считалось непрестижным и наименее оплачиваемым видом труда, можно обеспечить высокий уровень жизни.

Экономическая свобода (в той форме, в какой она была возможна в рамках государственно-регламентированной экономики), стремление жить лучше за счет собственного труда и инициативы, готовность жить по законам риска — это то, что характеризует кобонди. Конечно, этим не удивишь читателя, живущего в условиях рыночной экономики. Но это удивительный феномен в рамках административно-командной экономики.

Как это часто бывало в истории познания, первыми подняли новую тему не ученые, а писатели. Во второй половине 70-х годов выходит повесть *Анатолия Кима «Луковое поле»*. В ней описано все, что было характерно для жизни кобондя: договорные отношения между бригадами и совхозом, наем дешевой рабочей силы, технология сбора лука, охрана поля, быт, прием сдачи лука, отношения между людьми, удачи и неудачи овощеводов. Но самое главное, А. Ким показал, что кобонди — это не легкие деньги, которые падают с неба («легкая нажива»), а тяжелейший труд земледельца. И еще — писатель заглянул в душу луковода. И в мотивации кобондя он увидел не только деньги и желание жить лучше, но и стремление к независимости и свободе — к этим самым дорогим дефицитам советской огосударствленной экономики.

В 1988 г. в Москве на корейском языке выходит книга журналиста межреспубликанской корейской газеты «Коре Ильбо» *Брунта Кима «Кто мы?»*. Русский вариант книги под названием «*Ветры наших судеб: Советские корейцы. История и современность*» вышел в 1991 г. в Ташкенте.

В книге есть специальный параграф «*Кобондя: надежды и тревоги*». Задавая вопрос об истоках кобонди, журналист считает, что

«... корни его уходят ... к роковому 1937 году, когда корейцы, испытав на себе гнет тоталитаризма, не высывались дальше рисового поля»³. Со смертью Сталина открываются широкие возможности для корейцев. Но «после недолгих лет оттепели, — пишет Б. Ким, — общество оказалось под новым гнетом, гнетом волюнтаризма, бюрократии, коррупции, которые подтачивали страну изнутри. ... Реакция людей была разная. Одни не без успеха извлекали выгоду из товарного и морального дефицита, другие спивались, третьи — покидали родину. Корейская молодежь ушла в луководство, которое стало для нее своего рода социальной защитой от бед застойного времени»⁴.

Журналист указывает на противоречивость положения кобондя, вытекающую из его полуполюгального статуса: «... Добиваясь невиданных урожаев, какие недоступны даже на экспериментальных участках, принося стране ощутимую пользу в решении продовольственной программы, кобондя многие годы находились на полуполюгальном положении, что делало их абсолютно бесправными и незащитными. Хозяйства могли по своей прихоти расторгнуть осенью договоры, сводя на нет многомесячный труд и многотысячные затраты людей. ... Пользуясь правовой незащитностью кобондя, хозяйственные руководители, заготовители, местные органы власти выжимали из них все, что могли»⁵.

Следующим важным шагом в освоении темы кобонди стала книга журналиста из Кыргызстана *Герона Ли «Гобонди. Записки наблюдателя о любви корейцев к земле»* (Бишкек, 2000). Книга состоит из трех частей. Собственно кобонди посвящены 2-я часть книги «Социально-экономические факторы и сущность «гобонди» и некоторые материалы из 1-ой части.

Автор различает две формы арендного земледелия у корейцев: *соджакди* (индивидуальная форма земельной аренды, практиковавшаяся корейцами-мигрантами в дореволюционной России на Дальнем Востоке) и *гобонди* (коллективная форма земельной аренды, возникшая после депортации корейцев в Центральную Азию). Истоки и распространенность кобонди автор книги видит в «склон-

³ Ким Б. Ветры наших судеб: Советские корейцы. История и современность. Ташкент, 1991. С. 78.

⁴ Там же.

⁵ Там же. С. 81.

ности корейцев к организации различных общин, прежде всего для совместной обработки земли»⁶. Кроме того, Г. Ли выделяет следующие факторы массового перехода корейцев к кобонди⁷:

1) чувство отсутствия прав на использование земли как на собственный клочок;

2) изъяны коллективного колхозного производства и уравнительная система при распределении конечного продукта;

3) традиционное стремление корейской молодежи к учебе;⁸

4) меры колхозов и совхозов по выделению земель временным работникам для выполнения производства овощных культур. Всех участников «гобонди» решением общего собрания принимали членами колхозов или рабочими совхозов.

Сущность кобонди Г. Ли раскрывает так: это «форма организации труда, основанная на взаимном интересе исполнителей задания (бригады, звена) и заказчика (колхоза или совхоза) в производстве большего количества конечной продукции. ... Небольшой по численности коллектив берет на себя обязательство получить установленное количество продукции земледелия с арендуемой площади земли, а руководство хозяйства обязуется своевременно предоставлять арендаторам сельскохозяйственную технику, семена и удобрения. По условиям договоренности коллектива подрядчиков можно сдавать установленный объем продукции или весь валовой сбор по заранее оговоренным расценкам».

Автор высоко оценивает роль кобонди для корейской общины. С его точки зрения «именно за участие в «гобонди» корейцы получили по всей советской стране оценку как трудолюбивые люди во всех сферах жизни», именно система кобонди «способствовала корейцам занять одно из ведущих мест по числу окончивших высшие учебные заведения», именно она явилась «школой воспитания и учебы многочисленных корейских бизнесменов, промышленников, банкиров, ученых на просторах бывшего СССР»⁹. Высокая оценка со стороны общества возможностей бригад кобонди, с точки зрения автора, свя-

⁶ Ли Г. Гобонди. Записки наблюдателя о любви корейцев к земле. Бишкек, 2000. С. 10.

⁷ Там же. С. 154–157.

⁸ Вероятно, автор хотел сказать о желании родителей иметь достаточный материальный фундамент, чтобы дети могли учиться.

⁹ Там же. С. 147, 150.

зана с тем, что «для корейцев не существует «зоны «рискованного земледелия»», а небольшой десант корейских тружеников «гобонди» способен обеспечить выращиваемой продукцией население района или целой области»¹⁰.

В книге указываются многочисленные районы России, Украины, Средней Азии и Казахстана, где работали корейские бригады.

Г. Ли в общих чертах раскрывает содержание договора аренды между бригадой кобондя и хозяйством (совхозом, колхозом, подсобными хозяйствами предприятий и воинских частей): «Основными пунктами оговора аренды являются условия арендной оплаты, выделение земли под огород в размерах приусадебных участков, установленных колхозникам и рабочим, порядок приема сверхплановых объемов продукции или официальное разрешение вывоза сверхпланового урожая за пределы хозяйства, а также авансирование деньгами в счет сдачи предстоящего планового урожая»¹¹.

В книге выделяются следующие формы арендной платы за землю: продукцией и деньгами. Обращается внимание на то, что в случае платы продукцией (планового объема) сверхплановая либо оставалась в распоряжении членов бригады, либо сдавалась по рыночной цене, но ниже оптово-закупочной¹².

Г. Ли выделяет следующие формы доходов бригадиров:

1) как и все члены бригады, они берут в свою долю несколько «гобон» и обрабатывают их своими силами, внося наравне с другими арендную плату;

2) по негласному соглашению с арендодателями обрабатываются неучтенные площади для бригадира. Эти участки обрабатываются силами всей бригады;

3) начисление бригадиру в конце года до 10 % от общего дохода бригады;

4) негласное распределение плана сдачи урожая на всех остальных членов бригады. Например, если на долю бригадира приходилось три гобона посева лука, а план сдачи на каждый гобон составлял 12 тонн, то всем членам бригады, пропорционально участкам, распределялось 36 тонн¹³.

¹⁰ Ли Г. Гобонди. Записки наблюдателя о любви корейцев к земле. Бишкек, 2000. С. 190.

¹¹ Там же. С. 173.

¹² Там же.

¹³ Там же. С. 174.

В среднем бригады состояли из 15 человек и более. По принципу комплектации Ли Г. выделяет следующие типы бригад: из родственников; из друзей, соседей, однокашников и сослуживцев; из молодежи.

Распределение участков между членами бригады, за исключением бригадира, который сам выбирает участок, происходит по принципу жеребьевки¹⁴.

Говоря о временных жилищах (балаганах), Ли Г. выделяет их следующие типы: полуземлянки из камыша; балаганы из строительных материалов — отходов пиломатериалов, рубероида, фанеры; отапливаемые колесные вагончики¹⁵. Широкое распространение получило устройство теплового кана на полу (гудири, ондори).

Жилища размещают вдоль головного канала для полива, иногда по периметру всего участка, так как в зависимости от рельефа местности головные каналы нарезаются иногда с двух и даже с трех сторон¹⁶.

В книге описываются биографии и достижения пяти бригадиров из Кыргызстана.

Специальная глава книги посвящена преимуществам и недостаткам системы кобонди. К недостаткам автор относит, прежде всего, кочевой характер кобонди: «Кроме лишений физического порядка, относящихся к работе на земле, существует много издержек, потерь нравственно-психологических, моральных, связанных с оставлением без присмотра детей. Материальные обеспеченные, иногда сверх меры, дети участников «гобонди» теряют более ценное, чем деньги и достаток. Нередки случаи нравственной распушенности, наркомании, увлечения азартными играми, элементарной необразованности среди корейских детей. Иногда это с молодостью проходит, иногда нет»¹⁷.

С началом перестройки, а в последующем и в период независимости, с формированием новых экономических, в том числе арендных, отношений тема опыта корейской аренды начинает появляться на страницах средств массовой информации. В корейской печати (*газета «Ленин кичи»*) тема коллективного (арендного) подряда среди корейцев поднималась и ранее, но в более широкой печати она стала освещаться позднее. В основном, пафос этих статей заключался в до-

¹⁴ Ли Г. Гобонди. Записки наблюдателя о любви корейцев к земле. Бишкек, 2000. С. 176.

¹⁵ Там же.

¹⁶ Там же. С. 176–177.

¹⁷ Там же. С. 191.

ведении до широкого читателя впечатляющих достижений корейских земледельцев и критике чиновников, создающих барьеры на пути новых и эффективных методов хозяйствования.

Одна из таких статей под названием «Обиды пахаря» вышла в 1988 г. в Узбекистане в «Правде Востока». Посвящена она известному в республике земледельцу, бригадиру Льву Николаевичу Киму. В 1975 г. он с братом делал кобонди в одном из совхозов Кашкадарьи. Бесконечные проверки вынудили его уйти в другой совхоз. С ветром перемен Л. Ким стал руководителем хозрасчетного участка совхоза. Достижения его действительно впечатляющие. Общая площадь пашни его коллектива — 1 180 гектаров. Выработка на каждого члена коллектива за сезон — 30 тыс. рублей, в то время как в среднем по хозяйствам республики этот показатель не превышал 2 500 рублей.

В бригаде Л. Кима — около 100 человек. Почти половина — люди, отсидевшие за те или иные нарушения закона. Таких людей обычно старались не брать на работу. А Лев Ким брал. И люди заново строили свою жизнь. Как-то о бригадире написали в «Известиях». И в Кашкадарью стали приходить письма со всех концов страны с просьбой принять на работу.

Оценивая работу кимовской бригады и совхоза, автор пишет: «Не совхоз помогает бригаде, а бригада вытягивает хозяйство». И вывод: «Иждивенчество? Без сомнения».

В 1989 г. в газете «Труд» выходит статья «Кочующие огородники»¹⁸, посвященная бывшему инженеру Геннадию Львовичу Киму, заключившему договор на выращивание овощей с одним из совхозов в Калмыцкой АССР. Отдавая должное кобондя, автор статьи пишет: «В мировой табели о рангах корейцы-огородники, как известно, занимают первую строку».

О хозяйстве самого Кима корреспондент пишет так: «На арендованной делянке бригада его творила чудеса. Лук у них, что называется, дуром пёр: по пятьсот центнеров на круг выходило. Отборными, в кулак, золотыми луковицами завалили базары и базы в округе, часть отгружали на Север, в большие города.

... Помидоры, каких не встретишь на лучших рынках Москвы. Россыпи малюток-огурчиков, корнишонов, о существовании которых мы уже и позабыли. Гряды с луком, с кабачками, синими бакла-

¹⁸ Газета «Труд», 23 сентября 1989 г.

жанами. Но самое сильное впечатление — от бахчи. На каждом шагу, будто пушечные ядра, неподъемные настоящие астраханские арбузы».

Сравнивая с участком Кима совхозные площади, автор статьи описывает их так: «На общественных же плантациях урожай овощей, бахчевых, к сожалению, просто убогий. ... Урожайность помидоров — 85, огурцов — 94, моркови — 37, лука — 88 центнеров с гектара. Крохи! ... На ум пришли показатели работы арендаторов. В звене Кима всего 18 человек, а продукции производят больше, чем иной спецсовхоз. Причем не берут ни ссуд, ни кредитов.

... Между прочим спросил я экономиста об урожайности арбузов. В соответствующей графе оказался прочерк.

— Не родит бахча. Каждую весну, согласно плану, сеем, а летом перепахиваем.

... От дороги до горизонта простиралось поле, заросшее бурьяном почти в рост человека».

На фоне такого сравнения автор пишет о корейской бригаде: «У этих земледельцев, впитавших тысячелетний опыт своего народа, многому можно поучиться. Их бы собрать в Элисте на совет, скажем, в областном комитете партии. Ведь приглашали их коллег-арендаторов со всей страны в ЦК КПСС».

Однако местное руководство ополчилось против Г. Кима и его бригады. В кампанию подключились правоохранительные и административные службы, народные контролеры, партийные органы. По вопросу о «пришельцах» несколько раз собиралась коллегия Госагропрома республики. Дело дошло до того, что Совет Министров АССР принял по этому поводу специальное постановление. Центральная газета республики опубликовала статью под заголовком «Арбузному буму — заслон!», на местном телевидении вышла передача с критикой пришлых огородников, а председатель Госплана республики на совещании аппарата в Совете Министров республики прямо заявил: «Вырвем корейский вариант аренды из нашей почвы с корнем».

Перед корейскими арендаторами был поставлен ультиматум: убираться из республики ... или оформлять выращенную продукцию через местные хозяйственные склады. В связи с этим автор статьи пишет: «Похоже, ради этого и жмут на огородников. Хитрость тут в том, чтобы продукцию «вольных земледельцев» хоть как-нибудь, но отразить в отчетах агропрома. Дабы она фигурировала в сводках как товарная масса колхозов и совхозов.

... На эту тему много было говорено в Элисте, в самых высоких инстанциях. Мне объяснили: «Это же так просто. Они (арендаторы) собирают свой богатый урожай, а мы оформляем хозяйства. Ничего особенного: всего лишь игра цифр. А они (арендаторы) уперлись — и ни в какую».

МВД запретило выпускать транспорт с арбузами за пределы республики. Везде были выставлены милицейские заслоны. Конфискованные арбузы до принятия окончательных решений были помещены на склады, где часть из них через некоторое время испортилась. Пострадали все: совхоз, арендаторы, потребители.

В то время как общественная наука не замечала полулегальное арендаторство, кобонди становилось все больше предметом внимания со стороны художественной литературы и публицистической печати. А с конца 80-х годов тема кобонди становится и предметом собственно научного анализа как в отечественном обществоведении, так и за рубежом¹⁹.

¹⁹ Kho Songmo. Koreans in Soviet Central Asia. Helsinki, Studia Orientalia, Vol. 61, 1987; 고려사람 우리는 누구인가? - 서울, 제외동포재단 총서4, 1999, [한 세르케이 공저] Пэк Тхе Хён. Кобонджиль корейцев Средней Азии и Казахстана. Дисс. ... канд. ист. наук. Бишкек, 2001; 중앙아시아 초원의 유랑농업. 우즈베키스탄 고려사람의 고본지 연구 // 권희영, 한 발레리 공저. 한국정신문화연구원, 2004; Хан В. С. О соотношении кобонди и форм земледелия у корейцев на дореволюционном российском Дальнем Востоке в первые годы советской власти // Известия корееведения Казахстана. Выпуск 1-2 (10). Алматы, 2005; Тот же автор. К историографии изучения кобонди // Известия корееведения в Центральной Азии. Выпуск 5 (13). Алматы, 2007; О причинах возникновения кобонди // Известия корееведения в Центральной Азии. Выпуск 8 (16). Алматы, 2009; Коре сарам: кто мы? Очерки истории корейцев. Бишкек, 2009; Ким Г. Н. Кобонджиль как вид этнического предпринимательства советских корейцев // Материалы международной конференции «Корейская диаспора в ретро и перспективе. 13-15 июля 2007 г. Алматы, 2007.

V. XAN

**ОСВЕЩЕНИЕ КОРЕЙСКОЙ ПОЛУЛЕГАЛЬНОЙ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ АРЕНДЫ (КОБОНДИ)
В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ И ПУБЛИЦИСТИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**

Статья посвящена корейской полулегальной сельскохозяйственной аренде — *кобонди*, одному из первых видов массового рыночного предпринимательства на советской почве. Несмотря на то, что в эту деятельность были вовлечены тысячи людей, до конца 80-х годов в советской академической науке эта тема была предметом умолчания, поскольку аренда земли в СССР была запрещена. Тем не менее, как показывает автор, этот вид деятельности получил определенное освещение в художественной литературе и на страницах публицистической печати.

Ключевые слова: коре сарам, кобонди, этническое предпринимательство, полулегальная аренда, сезонное овощеводство, бригадный подряд, рыночные отношения, художественная литература, публицистика.

V. XAN

**КОРЕЙС ЯРИМ ЛЕГАЛ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЖАРАСИ ТАРИХИНИНГ
БАДИИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК АДАБИЁТДА ЁРИТИЛИШИ**

Мақола совет заманида оммавий бозор корхонасига эгаликнинг илк кўринишларидан бири ҳисобланган *кобонди*, яъни корейс ярим ошқора қишлоқ хўжалик ижараси масаласига бағишланган. Ушбу фаолиятга минглаб одамлар жалб этилган бўлишига қарамай, СССРда ерни ижарага бериш тақиқланганлиги сабабли, 80-йиллар охирларига қадар илмий йўналишда мазкур мавзу ўрганилмаган. Шунга қарамай, муаллифнинг кўрсатишича, фаолиятнинг ушбу тури маълум маънода бадиий адабиётда ва публицистик нашрларда ёритилган.

V. KHAN

**KOREAN SEMI-LEGAL AGRICULTURAL LEASE (KOBONDI)
IN LITERATURE AND PUBLICISM**

The article is devoted to *kobondi*, the Korean agricultural production on the basis of semilegal landtenure. It was a first type of mass market enterprising in the USSR. Even though thousands of Koreans were involved in this type of business, it was a subject of taboo in the Soviet social science until the end of the 1980s because landtenure rent was prohibited in the USSR. However, the author shows that this phenomenon got coverage in the fiction and mass media.

ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ**Б. ХАЛМУРАТОВ****ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ ДИНИЙ
ЭЪТИҚОДЛАРИДА АЁЛ ТАЛҚИНИ****(Шомонликка оид материаллар мисолида)**

Тарихдан маълумки, қадим даврлардан бери инсоният аёл шахсига доимо ҳурмат ва чексиз эҳтиром кўрсатиб келган. Бунинг боиси аёлнинг ҳаёт гултожи ва оила бекаси сифатидаги қарашларнинг кенг тарқалганлигидир. Бошқача ифодалаганда, қадимий фалсафий тасаввурларда аёл биринчидан, она сифатида, иккинчидан, маҳбуба сифатида, учинчидан, эркакларни сеҳрлайдиган ва йўлдан оздирадиган «махлуқ» сифатида гавдаланган¹.

Архаик маданиятларда аёллик негизи ҳаётбахшликни мужассамлаштирган ва муқаддас мақомини олган. Аёл заминнинг ҳосилдорлигига таъсир кўрсатиб, у доимо ернинг бачадонига қиёсланган. Ҳинд асотирларида аёллик негизи фаоллик билан боғланади, яъни аёл тимсоли яратувчилик қуввати сифатида қаралади. Масалан, Олий маъбуд Шиванинг рафиқаси эрга садоқат ва эҳтироснинг, вайрон қилувчи ва яратувчи кучнинг мужассаами ҳисобланади².

Аёл тўғрисидаги қарашлар ва табулар барча жаҳон динларида мавжуд бўлиб, масалан, насронийликда аёл лаънатланган биринчи жонзот сифатида гавдаланган. Бундан ташқари, «Авесто»да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошмашошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам диққатга сазовор мулоҳазалар мавжуд³. Шунингдек, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъзозлаш, оила дахлсизлиги ва мустаҳкамлигига эришиш, ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, фарзандларни оила қуришга тайёрлаш ва турмуш анъаналарига оид кўплаб фикр-мулоҳазалар баён этилган⁴.

¹ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. 7-бет.

² Ўша жойда.

³ Аширов А. «Авесто»дан мерос маросимлар. Тошкент: Халқ мероси, 2001. 24-бет.

⁴ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий диний эътиқод ва маросимлари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 56-бет.

Аёл тўғрисидаги архаик қарашлар қадимги Хитойнинг фалсафий таълимоти — даоизмда акс этган. Ушбу таълимотга кўра, инсонда икки жон мавжуд бўлиб, унинг бири **хунь** (эркаклик негизи **янга** тегишли ва руҳни бошқаради), бошқа бири эса **по** (аёллик негизи **инга** тааллуқли ва танани бошқаради). Инсон вафот этганидан сўнгра хунь осмонга учиб кетади, по эса ер қаърига киради⁵.

Қадимда аёл тимсоли турли хил табиат элементларига ҳам қиёсланган. Бу унсурларнинг аксариятини сув, ер, дарахт ва турли хил мевалар ташкил этади. Масалан, В.Н. Басиловнинг қайд этишича, Фарғона водийси ўзбеклари тасавурида сув ҳам бошқа унсурлар ва инсонлар сингари ўз жинсига эга бўлган. Масалан, «оқ сув» — эркак сув, «қора сув» эса аёл сув ҳисобланган⁶. Ўз навбатида шуни эътироф этиш лозимки, Фарғона водийси аҳолиси «оқ сув» деб тоғ-тошлардан келган сувни, «қора сув» сифатида ёмғир ва қорларнинг сувини тушунган⁷. Сувни аёлга қиёслаш дунёнинг бошқа халқларида ҳам учрайди. Масалан, қадимги хитойлар аёлни сувга, она қорнини қудуққа қиёслаганлар⁸.

Аёл тўғрисидаги қарашлар ва муносабатлар ўзбекларнинг оилавий турмуш тарзида асосий ўринни эгаллайди. Ўзбек оиласида ўзига хос оилавий тартиб ва қоидалар мавжуд бўлиб, унга кўра кичикларнинг каттага, аёлларнинг эрга бўйсунуш принципи устувордир. Жамиятда, қолаверса, оилада мувозанатни тутиб турувчи бир мезон борки, у — эркакка ҳурмат, аёлга эҳтиром туйғусидир⁹. Дарҳақиқат, оила эркак ва аёлнинг бир-бирини ҳурмат қилишидан бошланади. Фарғона водийси ўзбекларининг XIX аср охири — XX аср бошларидаги анъанавий оиласидаги тартиб ва қоида, муносабатлар ҳақида эр-хотин Наливкинлар шундай маълумот берганлар: «Бегона одамлар олдида эр ва хотин бир-бирларига илиқ муносабатда бўлиши қабул қилинмаган, мазкур ҳолатларда эр доимо жиддий оҳангда гапирган, аёл бўлса, уни иложи борича итоаткорона қабул қилади. Бегоналар олдида эр-хотин бир-бирларига исмларини айтмасдан мурожаат қилганлар. Исмини айтиб чақириш жуда уятли саналган. Эр-хотин бир-бирлари-

⁵ Бу ҳақда қаранг: Мифологический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1991. 89-бет.

⁶ Б а с и л о в В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. М.: Наука, 1992. 28-бет.

⁷ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Нурсуҳ қишлоғи. 2009 йил.

⁸ М и н г б о е в а Д. Тимсоллар тилсими.... 43-бет.

⁹ И н о м о в Қ. Оила осойишталиги — юрт тинчлиги // Оила. 2005. № 1. 95-бет.

ни катта фарзанди исми ёки хотиннинг укаси исмини айтиб ёки учинчи шахсда мурожаат қилишади. Бошқаларга эр ўзининг хотини ҳақида гапирганда «оилам», хотин бўлса, ўз эри ҳақида исмини айтмай, «эрим», «хўжайиним», «қизимнинг отаси» ва ҳ.к. номлар билан гапирган»¹⁰. Бундан кўриниб турибдики, шарқона одоб ва исломга асосланган меъёрлар XX аср бошларидаги оила ва оилавий муносабатларда устуворлик қилган. Ахборотчиларнинг қайд этишича, XX асрнинг 50–60-йилларидан бошлаб оила ва оилавий муносабатлар ғарбга хос тартиб-қоидалар асосида шакллана бошлаган¹¹. Бундан ташқари, мазкур асарда ёзилишича, XIX аср охирида Фарғона водийсида аёллар томонидан ўтказилган турли хил маросимлар жараёнида шомонликка оид зикр тушиш, бахшичилик, фолбинлик каби ҳолатлар асосий ўринлардан бирини эгаллаган¹².

Ўзбек оиласида оналарнинг роли ва вазифаси доимо жуда катта бўлиб келган. Фарғона водийсидаги катта оилаларда ёши энг улуғ она оила иерархиясида ундаги бошқа аёлларга нисбатан юқорироқ мавқега эга. Оиладаги барча эркаклар онани ҳурмат қилиши ва унга бўйсунishi шарт ҳисобланади. Она фақатгина оила бошлиғига итоат этади. Оиладаги барча уй-рўзғор юмушларини назорат қилиш, умуман, оила ичидаги барча жараёнларга бевосита раҳбарлик қилиш оиладаги ёши улуғ ва ҳурматли онанинг вазифаси саналади. Айрим ҳолатларда (оила бошлиғи бўлган эри вафот этганда) у оила бошлиғи вазифасини бажаради. Мазкур ҳолатда унга нафақат оиладаги барча аёллар, балки барча эркаклар, шу жумладан катта ўғил ҳам бўйсунди¹³.

Оилада оналарга катта масъулият юкланган. XX аср давомида модернизацион жараёнлар таъсирида аёллар ҳам жамият ҳаётида оғир меҳнат ёки тижорат соҳасида эркаклар билан баб-баравар иштирок этишлари гоҳида уларнинг оила олдидаги масъулиятини заифлаштириб қўйди¹⁴. Албатта, бу ҳолат оилада болалар тарбиясига ва оиланинг мустақкамлигига салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Россиялик О. Горшунова Фарғона водийсида яшовчи ўзбек аёллари турмуш тар-

¹⁰ Наливкин В. В., Наливкина В. М. Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886. 158-бет.

¹¹ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Андижон шаҳри. 2008 йил.

¹² Наливкин В. В., Наливкина В. М. Очерки быта женщины ... 176–192-бетлар.

¹³ Горшунова О. В. Узбекская женщина: социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины). Москва, 2006. 141-бет.

¹⁴ Иномов Қ. Оила осойишталиги — юрт тинчлиги // Оила. 2005. № 1. 94-бет.

зини комплекс равишда тадқиқ қилиш жараёнида аёллар ҳаётининг турли соҳаларига қадимий диний эътиқодлар ва ислом дини таъсирини ёритиб беришга ҳаракат қилган. Жумладан, муаллиф, Фарғона водийсидаги аёл шомон-бахшилар фаолиятини этнографик материаллар асосида таҳлил этар экан, уларнинг шомон бўлиш жараёни, минтақадаги аёл шомонларнинг ҳомий руҳлари ҳамда уларнинг жамиятдаги ижтимоий жараёнларда тутган ўрни ва мавқеи борасида қатор диққатга сазовор мулоҳазаларни билдирган¹⁵. Бироқ, муаллиф нима учун Фарғона водийсида аёл шомонлар эркакларга нисбатан кўпчиликни ташкил этиши, шомон бўлиш жараёнида уларнинг эркак шомонлардан фарқли хусусиятлари ҳамда ҳар икки жинсга мансуб шомонларнинг ҳомий руҳлари ўртасидаги ўзаро тафовутлар ҳамда ўхшашликлар, қолаверса, «жинсини алмаштирган» шомонлар, минтақага хос шомон маросимларининг бошқа ҳудуд анъаналаридан фарқли хусусиятлари борасидаги фикрларни очиқ қолдириб, бу борада бирор-бир мулоҳаза билдирмаган.

Барча динлар ва диний эътиқодларда бўлгани сингари шомонликда ҳам аёл рамзи асосий ўринни эгаллаган. Шомон маданияти гуллаб-яшнаши давригача бутун дунё тартиботи Табиат оналари қиёфасида акс этган (ота — дарахт, она — олов, ака — тош. ва ҳ. к.). Мезолит даврига келиб бутун борлиқ онаси деб номланган мураккаб тузилмага бирлашган Инсон учун салбий ёки ижобий феъл-атворлардан қатъи назар, яратувчи она ҳақида энг қадимий ривоятларда айтилишича, «Ҳеч нарса йўқ вақтда қайдадир аёл киши бор экан, Унинг ҳамма нарсаси бор экан. У ҳаммага она, қушларга ҳам, ҳайвонларга ҳам. Ернинг ўзи ҳам икки жуфт кўкракли рамзий аёл шаклида тасвирланган»¹⁶.

Маълумки, Марказий Осиёда яшаган туркий қавмлар қадим замонларданоқ руҳларнинг мавжудлигига ишонганлар. Манбалардан аниқланишича, туркий қавмлар орасида шомонлик касбини қўлга киритган, ўз қавми орасида буюк шомон сифатида танилган кишилар дастлаб эркак кишилар бўлганлар¹⁷. Шомонлик касбининг эркак

¹⁵ Горшунова О. В. Узбекская женщина: социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины). Москва, 2006. 360-бет.

¹⁶ Қаранг: Д и к с о н О. Шаманские учения клана ворона. М.: Рефл-бук, 2000. Глава 1. Основы шаманской идеологии. 17–19-бетлар.

¹⁷ Новик Е. С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. Москва, 1984. 237-бет.; Дыренкова Н. П. Материалы по шаманству у телеутов // Сборник музея антропологии и этнографии. Т. X. М., 1949; Булатов А. Реликты шаманства у народов Дагестана // СЭ. 1991. № 6. 117-бет.

жинсига мансуб кишилар томонидан қўлга киритилиши Сибирда истиқомат қилувчи туркийлар орасида қайд этилган.

Ўзбекистонда яшовчи туркий қавмлар орасида шомонлик касбини, асосан, аёллар эгаллаши кузатилмоқда. Фақат профессор М. Жўраевнинг шахсий архивида сақланаётган «Бойсун баҳори» халқаро фестивалининг видеотасвирида шомон чолнинг зикрга тушаётганлиги, тилига қиздирилган капгирни босиб томоша кўрсатаётганлиги қайд этилган¹⁸. Қизиғи шундаки, томоша кўрсатаётган кишининг қўлида бобосидан мерос қолган қамчи, тумор, пичоқ каби предметлар мавжуд. Ҳолбуки, шомонларнинг зикрга тушиши руҳларни чорлаш, уларни муайян мақсад сари йўллаш жараёнидаги экстаз ҳолат бўлиб, маросимда иштирок этаётган барча қатнашчиларни руҳан ўзига эргаштиради. Шомонлик эътиқодида зикр ўтганлар руҳини ёд этиш мақсадида амалга оширилади. Қадимги шомонларнинг зикр тушиш ҳолати кейинчалик миллий маданиятда рақс санъатининг майдонга келишига асос бўлган.

Н.П. Диренкова телеут шомонлик эътиқодини кузатар экан, олтойликлар орасида қадимдан шомонликни эркаклар қабул қилганлиги, улуснинг энг эътиборли кишиси ҳам шомон саналганлиги, бу анъана XX аср бошларида ҳам қайд этилганлигини ёзиб қолдирган¹⁹. К.Д. Уткиннинг фикрича, ёқутларда шомонлик ота уруғи ҳукмронлигининг майдонга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиши неолит ва палеолит даври одамларининг ғоялари ва анъаналари билан йўғрилгандир²⁰. Шунингдек, тадқиқотчи Байкал қояларидаги суратларда акс эттирилган эркак шомон, аждодлар руҳи ва руҳ ниқобини кийган кишиларнинг тасвирларига таяниш Сибирь туркий халқларида шомонлик эътиқодининг қачон майдонга келганлиги борасида аниқроқ хулосага келишга асос бўлади, деб ҳисоблайди. Худди шундай мулоҳазаларни А.П. Окладников тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Унинг фикрича, «шомонлик тасаввурлари мажмуи жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, палеолит даври ғояларига бориб тақалади»²¹. А.П. Окладников ва Н.П. Диренковалар-

¹⁸ Қаранг: Қаяюмов О. Ўзбек шомон маросимлари фольклорининг асосий жанрлари таркиби. Навоий, 2006. 5-бет.

¹⁹ Дыренкова Н. П. Материалы по шаманству у телеутов ... 107-бет.

²⁰ www. Ruthenia.ru/folklor.

²¹ Окладников А. П. Прошлое Якутии до соединения к Русскому государству. Якутск, 1949. 32-бет.

нинг шимолий ҳудудларда истиқомат қилувчи туркий қавмлар шомонлик эътиқодига доир материаллар асосида хулоса чиқарганликлари кўриниб турибди.

Бироқ, Навоий давлат педагогика институти доценти О. Қаюмов томонидан 1996–1998 йилларда Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан ёзиб олинган этно-фольклор материалларидан аниқланишича, ўзбек шомонларининг асосий ҳомийлари парилар саналади. Пари ҳақидаги халқ қарашлари мазкур образ борасидаги тасаввурларнинг адабий тафаккурда милoddan аввалги VII–IV асрларда шаклланганлигини кўрсатади²². Бизнингча, шомон Марказий Осиёда яшовчи туркий қавмлар орасида дастлаб аёллар томонидан сайланган онабоши бўлган. Чунки, шомон аёлларнинг ҳозирга қадар фақат аёлларга қўл бериши анъанаси сақланиб қолган.

Париларнинг соҳибжамол аёл кўринишида намоён бўлиши тўғрисидаги қарашлар Фарғона водийси ўзбеклари орасида ҳозир ҳам учраб туради. Жумладан, Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғида яшовчи Сумбула бахшининг эътироф этишича, унинг парилари баъзан кечаси чиройли аёл ёки ёш қиз бўлиб келади²³.

Аёл рамзи билан боғлиқ қарашлар шомон руҳлари таркибига кирувчи «момо» руҳи билан боғлиқ қарашларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Фарғона водийси аҳолиси орасида кўзга кўринмас момо руҳлар ўзи танлаб олган аёлга ҳомийлик қилиб, унинг қўли билан бева-бечораларга ёрдам кўрсатиши тўғрисида тасаввурлар кенг тарқалган. Момолар қарамоғига тушиб қолган аёллар, одатда, доялик билан шуғулланиб, тугадиган ёки янги туққан аёлларни турли ёвуз руҳлардан ҳимоялаш вазифасини бажарадилар. Шунинг эътиборига олган ҳолда, баъзи ҳудудларда бундай аёллар «киндик момо» ёки «доя момо» деб ҳам юритилади. Бундан кўриниб турибдики, момо руҳи дояларнинг ҳомийси ва пири ҳисобланади.

«Момо» сўзи, асосан, аёл қиёфасидаги руҳлар учун умумий истилоҳ ҳисобланиб, кўп маъноларда қўлланилади. Лекин, бу атама водийнинг турли ҳудудларида ҳар хил маънода ишлатилади. Масалан, Фарғона водийсида ёши улуг ва катта ҳаётий тажрибага эга аёллар ҳам «момо» деб юритилади²⁴. Ёки ака-укаларнинг фарзандлари ўзаро

²² Бу ҳақда қаранг: Қаюмов О. Пари билан боғлиқ халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 1. 45–47-бетлар.

²³ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғи. 2009 йил.

²⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Қизилқум қишлоғи. 2010 йил; Фарғона вилояти Бувайда тумани Турк қишлоғи. 2009 йил.

суҳбат жараёнида бир-бирларининг оналарига «момо» деб мурожаат қилади²⁵. Момо сўзи алоҳида руҳларга нисбатан ишлатилганда эса алоҳида-алоҳида кўринишларда тасвирланади. Водийда момо руҳи кўриниши яққол ҳолда тасвирланмайди. Масалан, Андижон вилояти Избоскан тумани Жонобод қишлоғи аҳолиси момо руҳи қиёфасини яхши ва ёмон руҳ сифатида ифодалайди²⁶. Водийда момо руҳларининг кўпчилиги яхшиликка хизмат қилувчи руҳлар ҳисобланиб, улар одамларни ёвуз руҳлардан ҳимоя қилганлар. Этнограф С. Мирҳосиловнинг қайд этишича, XX аср 60-йилларида Тошкент шаҳри атрофида жойлашган Байтқўрғон ва Ниёзбоши қишлоқлари аҳолиси момоларни ёвуз руҳлар ҳисоблаб, улардан ҳимояланиш мақсадида турли урф-одатларни бажарганлар²⁷.

Анъанавий дунёқарашга кўра, барча касбларнинг ўз ҳомийси — пири бўлади. Жумладан, момоларнинг ҳам ўз пирлари бўлиб, водий ўзбеклари орасида улар Анбар она, Биби Фотима номлари билан талқин қилинади. Масалан, водийда доя момолар тўлғоқ пайтида аёлнинг эсон-омон қутулиб олиши учун «менинг қўлим эмас, Анбар онамнинг қўли» деб ҳомий руҳлардан мадад сўрайдилар²⁸.

Манбаларда қайд этилишича, Анбар она аёллар машғулотларининг ҳомийси ва пири ҳисобланган. Ривоятларга кўра, у даставвал шайх Ҳаким отанинг завжаси бўлган, шайх вафот этгач, Занги отага турмушга чиққан. Анбар она ҳақида ҳосилдорлик маъбудалари, жумладан Авестодаги Анахита маъбудасига ўхшатиб баён этилган афсоналар ҳам бор. Анбар онага бағишлаб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола туғилиши ва ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлган. Сумалак учун тайёрланган буғдойнинг тез ёки секин униб чиқиши ҳам Анбар она номи билан боғланган. Анбар онага бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда отин ойилар, доялар, сеҳргарлар, парихонлар унинг шарафига турли хил таомлар тайёрлаганлар²⁹.

²⁵ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2009 йил.

²⁶ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Избоскан тумани Жонобод қишлоғи. 2009 йил.

²⁷ Мирхасилов С. М. К изучению реликтов доисламских верований у узбеков в дореволюционном прошлом / Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. Ташкент: Фан, 1972. 25-бет.

²⁸ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани Камолтепа қишлоғи. 2010 йил.

²⁹ Бу ҳақда қаранг: Исл.м. Энциклопедия. Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. 29–30-бетлар.

Анбар онага оид қарашлар ўзининг архаик кўринишларига эга. Жумладан, қадимдан Хоразмда Анбар онага аёллар ва аёлларга хос касб-корлар ҳомийси сифатида қаралган. Хоразм аёллари Анбар она-ни гоят қадрлаганлар, ўз йиғинларида унга атаб Куръон тиловат қилганлар. Айниқса, табиблик, азайимхонлик, кинначилик билан шуғулланувчи аёллар бирор-бир беморни даволашдан олдин Анбар онадан мадад сўраб, дуо ўқиганлар³⁰.

Шуниси характерлики, одатда, шомонлар эркак ҳам, аёл ҳам бўлиши мумкин. Лекин, ўрганилаётган ҳудуд — Фарғона водийсида шомонлик билан, асосан, аёллар шуғулланиши кузатилди. Эркаклар бахшичилик билан шуғулланишни ўзларига ор деб биладилар, яъни шомонлик ислом динига зид келишини асос қилиб олиб, шомонлик билан шуғулланиш Аллоҳга ширк келтириш билан баробар деб ҳисоблайдилар³¹. Умуман олганда, бу ҳолатни ислом динининг водий аҳолиси орасида таъсири кучлилиги билан изоҳлаш мумкин.

Л. Троицкаянинг таъкидлашича, XX аср бошларида Туркистоннинг туб жой аҳолиси орасида аёл қиёфасидаги пари, жин-ажиналарга ишониш кенг тарқалган. Фолбинлар жин-ажиналардан қўрқмайдиган одамлар сифатида тан олинган. Одатда, фолбинлик билан асосан, аёллар шуғулланган, эркакларнинг бу касб билан шуғулланишлари жуда кам кузатилган. Улар асосан, ўғрини топиш, ёмон кўздан сақлаш, ҳомиладор аёлларни ҳимоя қилиш ҳамда қайтарма қилиб бериш сингари ишлар билан шуғулланганлар. Фолбинлар маҳаллий хотин-қизлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган ва аёлларнинг кўпчилиги уларни қаттиқ ҳурмат қилган³².

В. Басиловнинг таъкидлашича, Зарафшон воҳаси ўзбек ва тожиклари орасида шомонлик аёллар, қозоқ, қирғиз, уйғур ва туркманларда эса эркаклар томонидан бажарилган³³. Лекин, шуни қайд этиш керакки, бахшининг қайси жинсга мансуб бўлиши шахснинг ўзига боғлиқ эмас, асосан, ташқи руҳий таъсирларга тегишли бўлади.

³⁰ С не с а р е в Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука. 1969. 66-бет.

³¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шоҳидон қишлоғи. 2010 йил; Фарғона вилояти Фарғона тумани Аввал қишлоғи. 2010 йил.

³² Т р о и ц к а я А. Л. Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среды оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. Ташкент, № 10. 1925. 145-бет.

³³ Б а с и л о в В. Н. Два варианта среднеазиатского шаманства // СЭ. 1990. № 4. 66-67-бетлар.

Марказий Осиё халқлари, жумладан, қозоқлар ва туркманларда шомонлик билан асосан, эркаклар шуғулланади. Чунки, қозоқ ва туркманларда патриархал анъаналарга кўра, шомонлик эркакларнинг вазифаси ҳисобланган. Шомонликнинг ўзбек ва тожикларда аёллар орасида кенг тарқалиши эркакларда «шомонлик касаллиги»га нисбатан иммунитетнинг* баланд-пастлиги билан изоҳланмайди. Бундай вазиятни ислом динининг узоқ вақт давомидаги таъсири натижаси деб ҳисоблаш мумкин. Фарғона водийсида шомонлик билан кўпроқ аёлларнинг шуғулланишини уларнинг психик ҳолатларга тезроқ мослашиши билан изоҳласа бўлади.

Баъзан шомонлар орасида ёш, оилали аёллар ҳам учраб туради. Айрим манбаларда ёзилишича, аёллар шомонликни мажбурият юзасидан қабул қилганлар³⁴. Улар оддий кишилардан фарқ қилмаса-да, айрим жиҳатлари билан ажралиб турганлар. Шомон аёллар табиатида куйидагиларни кузатиш мумкин: одамовилик, бегона кишилар ва гайридинларни қабул қилмаслик. Аксарият шомонлар яқин қариндошлари ва қўшнилари нигина даволаганлар³⁵.

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши билан шомонлар таъқиб остига олинган. Шунинг учун уларга эҳтиёж туғилган пайтдагина мурожаат қилганлар. Масалан, Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қўғай қишлоғида яшовчи Гулсара бахшининг айтишича, уни кўни-қўшнилари оилавий маросимларга таклиф қилади. Бироқ, қўшнилари нининг асосий қисми маросимлар пайтида ундан ҳадиксираб, қўрқиб муомала қилади³⁶.

Водийда яшовчи аксарият аёл бахшилар орасида «шомонлик касаллиги» тўғрисидаги қарашлар қисман бўлса-да, ҳанузгача сақланиб қолган. Буни бирор кимса узоқ вақт касал бўлса, у яқинлари, танишлари ёки табиблар маслаҳатига кўра, соғайишнинг бирдан-бир йўли — бу руҳлар билан алоқа қилиш вазифасини бўйнига олиш эканлигига ишонишида ҳам кузатиш мумкин.

* *Иммунитет* — лотинча *immunitas* сўзидан олинган бўлиб, бирон нарсдан халос бўлиш деган маънони билдиради. Бунда тирик мавжудотларнинг ўз бутунлиги ва биологик ноёблигини бузувчи «ёт» омиллардан ҳимояланишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент: ЎзМЭ, 2002. Т. 4. 131-бет.

³⁴ Горшунова О. В. Узбекская женщина: ... 277-бет.

³⁵ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани Сарой қишлоғи. 2010 йил.

³⁶ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қўғай қишлоғи. 2010 йил.

Хулоса сифатида шуни эътироф этиш мумкинки, Фарғона водийси ўзбеклари шомонлик эътиқодига оид қарашлари ҳамда маросимларида дунёнинг бошқа этносларидаги сингари аёллар муҳим ўринни эгаллаган. Чунки, шомонликни аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Водий ўзбеклари орасида шомонлик фаолияти билан асосан аёллар шуғулланганлар. Улар қозоқлар, туркманлар, Дашти Қипчоқ ўзбекларидан фарқли равишда асосий даволаш маросимларини куёш ботгандан кейин эмас, балки кундуз куни ўтказадилар.

Б. ХАЛМУРАТОВ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНING ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИДА АЁЛ ТАЛҚИНИ

Ушбу мақолада аёл култи билан боғлиқ архаик қарашлар, унинг тарихий ва фалсафий негизлари, аёл шахсига дунё динларида бўлган муносабат, шомонлик эътиқодининг аёл рамзи билан боғлиқ жиҳатлари, аёллар иштирокида ўтказиладиган урф-одат ва маросимлар, аёл шахсининг оила ва жамият ижтимоий ҳаётида тутган ўрни тарихий ва дала-этнографик маълумотлари асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, ўзбеклар, маросим, урф-одат, генезис, трансформация, ҳомий руҳ, момо, пари, жин, алвасти, чилтон, бахши, шомонлик, шомонизм, анъанавий маросим, қурбонлик, ислом, кўчирма, маросимий таомлар, ис, чироқ, дин.

Б. ХАЛМУРАТОВ

ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В ДРЕВНИХ РЕЛИГИОЗНЫХ ОБРЯДАХ НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

В статье описаны взгляды, связанные с архаическими усмотрениями, их исторические и философские истоки, отношение мировых религий к личности женщин, связанных с шаманизмом, их обычаи и обряды, показана роль женщины в семье, обществе и в основе исторических и этнографических информаций.

В. ХАЛМУРАТОВ

THE PERSONALITY OF WOMAN IN THE ANCIENT RELIGIOUS BELIEFS OF THE PEOPLE OF FERGHANA VALLEY

In this article the archaic thoughts related to the cult of woman, their historical and philosophical roots, the attitude to the personality of woman in the world religions, the features of shamanism regarding the symbol of women, the customs and ceremonies which are held in the participation of women, the role of women in the family and society have been described on the basis of historical and ethnographic information.

ТАРИХ ВА ТАРИХЧИЛАР**Д. НОРМУРОДОВ, Р. ИБРАГИМОВ****АКАДЕМИК Ю.Ф. БУРЯКОВНИНГ ТОШКЕНТ ВОҲАСИ
АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ**

Таниқли археолог олим, академик Юрий Федорович Буряковнинг нафақат республикамиз, балки бутун Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишдаги ўрни беқиёсдир. Олимнинг узоқ йиллик илмий изланишлари ва илмий тадқиқотлари натижасида дунё цивилизацияси тараққиётида муносиб ўрин эгаллаган Ватанимиз тарихининг ўрганилмаган қирралари очиб берилди.

1934 йилда таваллуд топган Ю.Ф. Буряков 1951 йил ўрта мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё университети (ҳозирги ЎЗМУ) нинг тарих факультетига талабаликка қабул қилинди. Археолог олим М.Е. Массон раҳбарлигида Республикамиз ва қўшни Туркменистон Республикаси ҳудудидаги археологик ёдгорликларни ўрганиш учун мунтазам ташкил этилган талабалар амалиётида иштирок этди. Бу ёш изланувчининг илмий тадқиқот соҳасидаги амалий билим ва кўникмаларининг шаклланишига ёрдам берди, унинг чинакам археолог мутахассис бўлиб етишишига асос бўлиб хизмат қилди.

У ўқишни муваффақиятли тамомлагандан сўнг иш фаолияти билан бирга археологик тадқиқотларни давом эттирди. Ёш археолог Д.Г. Зильпер билан биргаликда Тошкент шаҳрида мебель фабрикасининг қурилиши муносабати билан Мингүрик ёдгорлигининг сақланиб қолган арк қисмида тадқиқот ўтказиб, илк ўрта асрлар даврига оид маҳобатли иморатлар, муҳофаза деворлари ва буржларини ўрганди. Тўпланган археологик маълумотларга асосланиб, манзилгоҳни ёзма манбаларда қайд қилинган қадимги Юни мулкигининг марказий шаҳри билан қиёслади¹.

1959 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих ва археология институти ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ҳамкорликда Я.Ф. Фуломов бошчилигида Ўзбекистон археология экспеди-

¹ Буряков Ю. Ф., Зильпер Д. Г. Археологические наблюдения в 1957 г. городища Мингүрик в Ташкенте // Труды ТашГУ. Вып. 172. Ташкент, 1960. 128–146-бетлар.

цияси ташкил этилди. Унинг таркибида тузилган махсус отряд Оҳангарон воҳасини археологик-топографик ва Чотқол-Қурама саноат ҳудудидаги тоғ-кон ёдгорликларини ўрганишга киришди.

Оҳангарон воҳасини археологик-топографик жиҳатдан ўрганиш ишларига археолог М.Е. Массон бошчилик қилди. Бу йўналиш, асосан, Ю.Ф. Буряковнинг зиммасидаги вазифа бўлиб, кўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳларни ўрганишга қаратилган эди. 1959 йилдан 1968 йилга қадар Ю.Ф. Буряков Оҳангарон воҳасининг, хусусан, кўҳна шаҳарлари ва манзилгоҳларини тадқиқ этиш ишларида иштирок этди. Имлоқ-Тункат, Кулота-Туккет, Облиқ (Абрлик), Дукент (Намудлик), Пскентдаги Пушти Маҳмуд ёдгорлиги, Улкантўйтепа (Нукет) каби кўҳна шаҳар харобаларини ўрганиб чиққач, ушбу тадқиқотлар натижаларини ўрта асрлар даври ёзма манбалари билан қиёсий таҳлил қилди. Мазкур кўҳна шаҳарларнинг айримларида қазилма ишлари амалга оширилган бўлса, айримларининг очилиб қолган жойларида тозалаш ишлари бажарилди. Бошқаларининг эса юзасидан териб олинган моддий ашёлар ўрганилди.

1963 йилда Шовшақумтепа, Далварзинтепа, Хас, Бискат, Қўрғонтепа ва Қалъаибобо ёдгорликларида текшириш ишлари олиб борган Ю.Ф.Буряков шаҳар туридаги археологик ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар доирасини янада кенгайттирди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида Ю.Ф. Буряков бошчилигида Чорвоқ археология экспедицияси воҳа ҳудудидаги 41 та археологик ёдгорликларни ўрганди. Уларнинг 13 тасида қазилма ишлари, қолганларида археологик-топографик тадқиқот ишлари бажарилиб, тадқиқот натижалари ҳаммуалифликдаги «Древности Чарвака»² монографиясида ўз аксини топди. Мазкур тадқиқот ишлари давомида Ю.Ф. Буряковнинг Паргостепа (Баргуш), Шохжувартепа (Бурчмулладаги Ардланкет) ёдгорлигида амалга оширган қазилма ишлари муҳим ўрин тутди. Тадқиқотчи олим Чотқол тоғида Чоч ва Талос водийси ўртасидаги савдо йўлида жойлашган Бурчмулла ёдгорлигини ўрта асрлар даври Ардланкет шаҳри билан қиёслади³. Шунингдек, Паргостепа ёдгорлигини милодий I минг йилликнинг иккинчи ярмида Зах канали сувини назорат қиладиган манзил сифатида пайдо бўлган ўрта асрлардаги Баргуш (Паркуш) шаҳри билан таққослади.

² Буряков Ю. Ф., Касымов М. Р., Ташкенбаев Н. Х., Дуке Х., Каби-ров Д., Ростовцев О. М. Древности Чарвака. Ташкент: Фан, 1976.

³ Ўша манба. 69–80-бетлар.

1959 йилда олиб борилган археология тадқиқот ишларининг иккинчи йўналиши Чотқол-Курама тоғ-кон саноати ҳудудидаги тоғ-кон ёдгорликларини ўрганишга қаратилган бўлиб, Ю.Ф. Буряков томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида тўпланган археологик материалларнинг бир қисми тадқиқотчининг 1966 йилда «Из прошлого Чаткала-Кураминского промышленного района (к истории горного дела и металлургии средневекового Илака)» мавзuida номзодлик диссертациясини⁴ муваффақиятли ҳимоя қилишига хизмат қилди.

Олим томонидан тоғ-кон металлургияси ҳудудидаги Оқтепа, Кенгкўл, Ирсу, Наугарзан Лашкерек, Тизгул, Кўчбулоқ, Тоғберди, Гўштсой, Кендирсой, Шовгаз, Унгирликон, Кўктепа, Қоратош, Мискон-Қоратепа, Оқжен-Оқтупроқ, Сартабуткон, Қолмиққир, Накпай, Балиқти, Кулемиш, Кўйлиқсой, Оқташкон, Конимансур, Қоратош-қўтон, Адрасман, Кўкрел, Самарчук, Қизилолма, Қайнар, Каптурек ва бошқа конлардаги ёдгорликлар ўрганиб чиқилиб, улардан қазиб олинган металлар, уларнинг кўлами, даври ҳамда воҳа ижтимоий-иқтисодий ва маданияти тараққиётидаги аҳамияти очиб берилди. Натижада бу ўз даврида Ўзбекистон археологиясида ягона бўлган Ю.Ф. Буряковнинг «Горное дело и металлургия средневекового Илака. V в. — начало XIII в.» номли монографиясининг⁵ нашрдан чиқишига асос бўлди.

Ю.Ф. Буряков олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар давридаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини белгилловчи омил бўлган Элоқ конларидан мил. ав. II минг йилликнинг охириги чорагидан бошлаб фойдаланила бошланган. Антик ва илк ўрта асрлар даврида Элоқ ҳамда Чоч конларидан фойдаланиш кўлами кенгайиб боради. Воҳа VIII—XII асрлар давомида турли металларни қазиб олиш бўйича Ўрта Осиёда етакчилик қилиб, йирик металлургия марказига айланади. Бу ердаги конлар Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври давлатларидан ташқари Араб халифалиги, ҳатто, Шарқий Европанинг айрим давлатларини ярим-тайёр ва тайёр маҳсулотлар билан таъминлаган⁶.

⁴ Буряков Ю. Ф. Из прошлого Чаткала-Кураминского промышленного района (к истории горного дела и металлургии средневекового Илака). Автореф. дис. .. канд. ист. наук. Ташкент, 1966.

⁵ Буряков Ю. Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. V — начало XIII века. М.: Наука, 1974.

⁶ Ўша манба. 3—131-бетлар.

Ю.Ф. Буряков ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмидан 70-йилларнинг биринчи ярмига қадар амалга оширган тадқиқотлари воҳанинг Намудлик, Қирқжанги, Кўҳисим, Оққўрғон, Бўка ва Юғонтепа (Данфеганкет), Кавардан, Киндиктепа, Тункет, Кулота, Жумишқозитепа каби кўҳна шаҳарларини ўрганишдан иборат бўлди.

1971–1975 йилларда Туябўғиз сув омбори ҳудудида ёз мавсумида сув сатҳининг пасайиши натижасида Киндиктепа кўҳна шаҳрининг муҳофаза девори ва буржлари, айлана шаклдаги арк ва табиий хандақ –сой билан ажратилган шаҳристон қисмида темир эритиш ўчоғи, сақланиб қолган уй-жой иморатлари текширилган. Бу ердан аниқланган моддий ашёлар II–V асрлар билан саналаниб, бу кўҳна шаҳар то мўғуллар истилосига қадар мавжуд бўлган⁷.

1973–1974 йилларда Ю.Ф. Буряков бошчилигида Кавардан ёдгорлигида текшириш ишлари олиб борилиб, арк ва иккита шаҳристон қисмларидан ташкил топган 75 га майдонни эгаллаган шаҳар I асрда шаклланиб, XII асрга қадар фаолият юритганлиги аниқланди⁸.

1973–1974 йилларда Ю.Ф. Буряков раҳбарлигидаги Шош-Элоқ археология экспедициясининг Сирдарёнинг ўрта оқими ҳудудида, Тошкент воҳасининг жанубидаги халқаро савдо йўли бўйлаб жойлашган Шарқия ёдгорлигида олиб борган текшириш ишлари натижасида ўрта асрлар даври ишлаб чиқариш иншоотларининг излари топилиб, ўрганилди⁹. Олим 1974 йили Оққўрғон туманида Қадимги Чочнинг биринчи пойтахти Қанқа–Харашкет кўҳна шаҳрида қазишма ишларига киришди¹⁰. Бу ерда олимнинг шогирди К. Абдуллаев 1969 йилдан бошлаб қазишма ишларини олиб бораётган эди.

Ю.Ф. Буряковнинг 1970-йилларнинг бошларига қадар олиб борган ёдгорликларни ўрганиш ва тизимлаштиришга қаратилган мақсадли илмий изланишлари Ўзбекистонда биринчи марта Тошкент воҳасининг 700 дан ортиқ турли археология ёдгорликларини жамлаган

⁷ Буряков Ю. Ф., Тетюхин Г. Ф., Касымов М. Р., Дукe X. И., Кочнев Б. Д. Древности Туябугуза. Ташкент: Фан, 1978. 47–112-бетлар.

⁸ Буряков Ю. Ф. Археологические материалы городище Кавардан // ИМКУ Выпуск 13. Ташкент: Фан, 1977. 70–85-бетлар.

⁹ Буряков Ю. Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака. Ташкент: Фан, 1975. 202 бет.; шу муаллиф. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Ташкент: Фан, 1990. 78–95-бетлар.

¹⁰ Буряков Ю. Ф., Тереножкин А. И., Дукe X. И., Набоков В. И., Кочнев Б. Д. и др. Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент: Фан, 1979. 58–109-бетлар.

археологик харитани тузишга асос бўлган «Тошкент вилояти археологик ёдгорликлари» номли монографияси¹¹ учун қимматли материал бўлиб хизмат қилди. Ушбу монография ҳозирга қадар воҳадаги археологик ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида амалий аҳамиятини сақлаб қолган.

Ю.Ф. Буряков томонидан ўтган асрнинг 50-йиллари охиридан 70-йилларнинг бошларига қадар воҳанинг шаҳар туридаги ёдгорликларида амалга оширилган тадқиқот ишлари натижасида аниқланган археология материаллари атрофлича ўрганилиб, умумлаштирилди. Улар ўрта асрлар даври араб ва форс муаллифлари томонидан қайд этилган ёзма манба маълумотлари билан қиёсий таҳлил этилди. Бунинг натижасида олимнинг Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари тарихий топографиясига бағишланган «Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака)» номли монографияси¹² нашр қилинди.

Ю.Ф. Буряковнинг мазкур тадқиқот ишларида Элоқнинг ўрта асрлар даври шаҳар туридаги манзилгоҳларининг умумий тавсифи, тузилиши, даври, шаҳарсозлик хусусиятлари, воҳанинг савдо-иқтисодий ва маданий ҳаётида тутган ўрни масалалари тадқиқ этилган. Амалга оширилган археологик тадқиқот ишларининг натижаларини атрофлича қиёсий таҳлил қилган монография муаллифи шаҳарсозлик маданияти юксак даражада ривожланган жанубий ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари билан шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалари ўртасидаги алоқа ҳудудида жойлашган Тошкент воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши бевосита жанубий ўлкалар, хусусан, Суғднинг маданий таъсири натижаси, деб ҳисоблайди. Шунингдек, олим Сирдарё яқинида жойлашган Қанқа ёдгорлигининг биринчи шахристонида топилган моддий манбаларга асосланиб, унинг шаклланган даврини мил. ав. III–II асрлар деб белгилайди¹³ ва шаҳарсозлик маданияти тараққиётининг кейинги босқичини милоднинг бошларига — Қовунчи маданияти тараққиёти билан боғлайди. Олимнинг хулосаларига кўра, ўлка Турк хоқонлиги таркибига киритилгандан сўнг унинг

¹¹ Буряков Ю. Ф., Касимов М. Р., Ростовцев О. М. Тошкент вилояти археологик ёдгорликлари. Тошкент, 1975. 120-бет.

¹² Буряков Ю. Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака). Ташкент: Фан, 1975. 202-бет.

¹³ Ўша манба. 184-бет.

халқаро савдо йўлидаги аҳамияти ниҳоятда ортиб, металл конларини ўзлаштириш кўлами кенгайиб бориши ва ер эгаллиги ихтисослашган (феодал) маҳаллий давлатлари ташкил топиши оқибатида йирик шаҳар марказлари ривожланади ва уларнинг сони кескин кўпаяди.

1978–1979 йилларда ҳам Ю.Ф. Буряков томонидан кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар давомида ўрта асрлар даври ишлаб чиқариш иншоотлари, ўрта асрлар ва теурийлар даври мудофаа иншоотлари ўрганилди. Сирдарёнинг чап соҳилидаги ёдгорлик дарё тошқинидан сақланиб қолган қисмининг томонлари 600 метрни ташкил этган биринчи шаҳристон ва унга табиий сойлар билан ажралиб турган шаҳристон ҳамда рабoт қисмларидан ташкил топган манзилгоҳни олим милонинг дастлабки давридан XVIII аср бошларига қадар мунтазам ривожланганлигини аниқлади. Бу ёдгорликни тадқиқотчи олим ёзма манбаларда қайд этилган Бенокет ва Шоҳруҳия шаҳарлари билан қиёслаган¹⁴.

Ю.Ф. Буряковнинг турли йилларда олиб борган тадқиқот ишларининг асосий йўналишларидан бири шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганишдан иборат бўлиб, кейинги илмий изланишлари Мовароуннахрнинг жанубий ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари ва шимолдаги чорвадорлар маданиятлари ўзаро алоқада бўлган Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихий-маданий жараёнлари ва урбанизациясининг назарий асосларини ўрганишга қаратилган. Натижада археолог олим томонидан воҳада илк ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланган мил. ав. I минг йилликнинг бошларидан то мўғуллар истилосига қадар бўлган давр тарихий тараққиётининг ҳозирги пайтда археология фанида кенг қўлланиладиган тадрижий босқичлари ишлаб чиқилди.

Олим Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври кўҳна шаҳарлари, аҳоли манзиллари, хом ашё ресурслари ва бошқа ёдгорликларни ўрганишда биринчи марта тизимли (системали) усулларни қўлади. Шунингдек, воҳа археология ёдгорликларини районлаштириш тизимини ишлаб чиқди. Бу ерда табиий-географик хусусиятларидан келиб чиқиб, тўртта ҳудудга ва уларни ўз навбатида микровоҳаларга бўлган ҳолда ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этди. Ю.Ф. Бу-

¹⁴ Буряков Ю. Ф., Богомолов Г. И., Набоков В. И., Фонарев С. А., Филанович М. И. и др. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Ташкент: Фан, 1990. 78–95-бетлар.

ряков томонидан воҳанинг қадимги ва ўрта асрлар даврида ривожланган Бургулик, Қовунчи, Мингўрик, Имлоқ, Кавардан маданиятлари ёки археологик мажмуаларининг (улар ўз навбатида босқичларга бўлинган) ҳозирги пайтда археология фанида кенг қўлланилиб келинаётган аниқ тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, воҳадаги урбанизация жараёнлари, хусусан, шаклланиши ва тараққиёт босқичлари ҳамда уларнинг хусусиятлари очиб берилди.

Тошкент воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши мил. ав. IV—III асрларда содир бўлганлиги тадқиқотчи томонидан аниқ маълумотлар асосида исботланган. Хусусан, олим Қанқа ёдгорлигининг биринчи шахристони меъморий-режавий ечимда Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларининг эллин даврига оид шаҳар қурилиши меъморчилик-қурилиш усули умумийлигидан келиб чиқиб, Қанқани салавкийлар саркардаси Демодамнинг кўчманчиларга қарши Яксарт ортида барпо этган қалъаси билан қиёслайди¹⁵. Шаҳарсозлик маданиятининг кейинги тараққиёти Қовунчи маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, олим мазкур даврларга оид 13 та шаҳар туридаги манзилгоҳни, илк ўрта асрлар даврига тегишли 32 та, ўрта асрлар давридаги 50 дан ортиқ шаҳарларни қайд этади¹⁶. Бу кўрсаткич ўрта асрлар даври Истахрий томонидан Хуросон ва Мовароуннаҳрда Тошкент воҳасидаги каби жомеъ масжидларга (масжид — мусулмон шарқида шаҳар мақоми — *Д.Н., Р.И.*) бой ўлка учрамайди, деган маълумотларини исботлайди.

Ю.Ф. Буряковнинг бу изланишлари тадқиқотчининг «Генезис и этапы городской культуры Ташкентского оазиса» номли монографиясида¹⁷ ўз аксини топиб, 1984 йили докторлик диссертациясини¹⁸ муваффақиятли ҳимоя қилишга асос бўлган.

Олимнинг Буюк Ипак йўли савдоси йўлидаги узоқ йиллик илмий изланишлари натижасида Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти, алоҳида шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг тараққиёти қонунияти масалаларига

¹⁵ Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1982. 106-бет.; шу муаллиф. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Ташкент: Фан, 1990. 118-бет.

¹⁶ Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса Ташкент: Фан, 1982. 212-бет.

¹⁷ Ўша жойда.

¹⁸ Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы городской культуры Ташкентского оазиса (в древности и средневековье). Автореф. дис. ... док. ист. наук. Москва, 1984.

оид бой амалий тажрибалари асосида замонавий қараш, янгича методологик ёндашув ва қиёсий таҳлил қилинган ишланмалари яратилди. Бу Ю.Ф. Буряковнинг «Канка и Шохрухия. Древние города Чача и Илака на Великом шелковом пути» номли монографиясида¹⁹ ўз аксини топган бўлиб, унда илгари ўрганилган кўҳна шаҳарларда қайта амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижасида тўпланган материаллар янги илмий маълумотлар билан кенгайтирилган.

Умуман, тарих ва археология фани фидойиси академик Ю.Ф. Буряков илмий фаолияти давомида Тошкент воҳаси мисолида Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш йўлида салмоқли илмий тадқиқотларни амалга оширди. Чунончи, дунё цивилизацияси тарихида муносиб ўринга эга бўлган тарихий-маданий вилоятларидан бири Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, маҳаллий ҳудуд, қолаверса, бутун Ўрта Осиё иқтисодий ва маданий ривожланишида асосий омил бўлган тоғ-кон ишлари ва металлургияси соҳасини ўрганишда ижобий натижаларга эришди. Ю.Ф.Буряков илмий изланишлари ва асарлари Ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим ўрин олди.

¹⁹ Буряков Ю. Ф. Канка и Шохрухия. Древние города Чача и Илака на Великом шелковом пути. Ташкент, 2012. 120-бет.

Д. НОРМУРОДОВ, Р. ИБРАГИМОВ

**АКАДЕМИК Ю.Ф. БУРЯКОВНИНГ ТОШКЕНТ ВОҲАСИ
АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ**

Мақола академик Ю.Ф. Буряковнинг илмий фаолияти давомида олиб борган археологик илмий изланишларига бағишланган бўлиб, унда республика-мизнинг муҳим тарихий-маданий вилоятларидан бири ҳисобланган Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлари, хусусан, кўҳна шаҳарлари ва тоғ-кон металлургия ишлаб чиқариши жойларида амалга оширилган тадқиқот ишлари тарихи ёритилган.

Калит сўзлар: археолог, археология, арк, шахристон, работ, бурж, манзилгоҳ, ёдгорлик, материал, манба, топографик, шаҳар, шаҳарсозлик, маданият, тадқиқот.

Д. НОРМУРОДОВ, Р. ИБРАГИМОВ

**РОЛЬ АКАДЕМИКА Ю.Ф. БУРЯКОВА В ИЗУЧЕНИИ АРХЕОЛОГИИ
ТОШКЕНТСКОГО ОАЗИСА**

Статья посвящена археологическим исследованиям, проведенным под руководством академика Ю.Ф. Бурякова, на древних и средневековых памятниках Ташкентского оазиса. Особое внимание в своих исследованиях Ю.Ф. Буряков уделял различным аспектам процесса урбанизации и горно-металлургическому производству как одному из важнейших факторов развития экономики и культуры.

D. NORMURODOV, R. IBRAGIMOV

**THE ROLE OF ACADEMICIAN Y. F. BURYAKOV IN STUDYING
THE ARCHEOLOGY OF TASHKENT OASIS**

This article is devoted to the archaeological researches done under the supervision of Academician Y. F. Buryakov on the ancient and medieval monuments of Tashkent oasis. Y. F. Buryakov paid a particular attention in his researches to different aspects of the process of urbanisation and mining industry as one of the important factors in the development of economy and culture.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- З. Саидбобоев** ЎЗМУ Тарих факультети «Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси мудир, т.ф.н., доцент
- М. Хатамова** ЎЗР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- Н. Аллаева** ЎЗР ФА Тарих институти катта илмий ходим изланувчиси, т.ф.н.
- А. Базарбаев** ЎЗР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- Х. Бабаджанов** ТАТУ «Гуманитар фанлар» кафедраси ассистенти
- Н. Мирзаев** Тошкент ислом университети магистранти
- В. Хан** ЎЗР ФА Тарих институти катта илмий ходими, ф.ф.н.
- Б. Халмуратов** Наманган давлат университети «Тарих фанлари» кафедраси ўқитувчиси
- Д. Нормуродов** ЎЗР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- Р. Ибрагимов** ЎЗМУ Тарих факультети «Археология ва этнология кафедраси катта ўқитувчиси

Журнал муқовасида: Амударё хазинасига мансуб 4,75 см диаметрли олтин тенгасангон шайм диски. Мил. ав. V–II асрлар. Британия музейи экспонати.

II рақамда: *Журналнинг муқовасида:* олтин тенгасангон шайм диски диаметри 4,75 см. V–II вв. до н. э. Амударё хазинасига мансуб. Британия музейи экспонати.

**«O'ZBEKISTON TARIXI» ЖУРНАЛИГА ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛГАН****ТАЛАБЛАР**

«O'zbekiston tarixi» журналининг бир йилда 4 та сони чоп этилади. Ўзбекистоннинг энг қадимги даврдан то бу кунгача бўлган тарихининг энг долзарб муаммолари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари, тарих фанининг назарий-методологик масалаларига оид мақолалар, шунингдек, тарихий манбалар ва уларнинг талқини, илмий ҳаёт янгиликлари эълон қилинади. Журналда чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақола мавзуи долзарб, илмий аҳамиятга эга бўлиши керак. Мақоладан кўзланган мақсад ва чуқур илмий таҳлил натижасида эришилган хулосалар аниқ, равшан ифодаланиши лозим.

Журналга тақдим қилинадиган мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқача аннотацияси (40—45 та сўз) ҳамда калит сўзлар бўлиши керак.

Тақдим қилинаётган мақолаларга илмий раҳбар ёки етакчи мутахассиснинг тақризи зарур.

Қабул қилинган мақолалар таҳририят аъзолари ҳамда етакчи мутахассисларга тақризга берилади ва таҳрир ҳайъати илмий муҳокамасидан сўнг нашрга тавсия қилинади.

«O'zbekiston tarixi» журналида чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақолалар қуйидаги талабларга мос келиши керак:

— мақола ҳажми 8—12 саҳифадан ошмаслиги, «Times New Roman» шрифтида, 14 кеглда, 1,5 интервалда бўлиши, қоғознинг барча томонидан 2 см дан қолдирилиши керак. Электрон версияси ҳам тақдим этилиши зарур;

— ҳавола (сноска)лар ҳар бир саҳифа охирида қуйидагича кетма-кетликда берилиши керак: муаллиф (Ф.И.О.), мақола номи, манбаи (китоб, журнал), нашр жойи, чоп этилган вақти, саҳифаси;

— муаллиф тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилинади: фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, илмий даражаси ва унвони, иш ва уй манзили, телефони.

Мақола қўлёзмаси қайтариб берилмайди.

«O'zbekiston tarixi» журнали таҳририяти

45
830 23500

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2014. № 2